Аннотация. В статье раскрыто значение интерактивных методов при изучении стихотворений Анвара Обиджона в начальных классах. Также освещается методика обучения учащихся начальных классов анализу поэтики лирических произведений, способах выражения метафоры и реальной действительности в поэтических произведениях.

Ключевые слова. Литература, лирика, стихотворение, поэтика, интерактивные методы, прозаическое произведение, поэтическое произведение, выразительное чтение, работа над словарём, связанная речь.

Abstract. In this article, the importance of interactive methods in teaching Anvar Obidjon's poems in primary school is discussed. It also covers the analysis of art in lyrical works, the reflection figurative meaning in poetry and the method of teaching life lessons to primary school pupils.

Key words. Literature, lyrics, poem, art, interactive methods, poetic work, prose work, expressive reading, related speech.

Jismonan sog'lom, ma'nan yetuk, mustaqil fikrlaydigan, chuqur bilim va zamonaviy dunyoqarashga ega Vatanimizning taqdiri va kelajagi uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir bo'lgan barkamol yosh avlodni tarbiyalash hamda voyaga yetkazish uchun mamlakatimizda keng ko'lamli ishlar olib borilmoqda. Jumladan, o'quvchilarning milliy va jahon bolalar badiiy adabiyotlari durdona asarlariga bo'lgan ehtiyojini aniqlash, ularda kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish boshlang'ich sinf oldida turgan muhim vazifalardan biridir.

Boshlang'ich sinf o'qish darslarida lirik asarlarni o'rgatish o'qituvchilarning eng murakkab va mas'uliyatli vazifasi hisoblanadi. Aynan shu jarayon natijasida badiiy asar o'quvchining bir umrlik hamrohiga aylanishi mumkin. Shu bois adabiyot mashg'ulotlarida lirik parchani o'rgatishda ilg'or pedagogik tajribalarni imkon qadar ommalashtirish zarur. Chunki boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining vazifasi, avvalo, o'quvchilarni asardan ta'sirlanishga, ulardan ruhiy zavqlanishga o'rgatishdir.

Lirik asarlarni sinfda tayyorgarlik ko'rmay o'qish, ularning mazmunini shunchaki bayon qilishga o'rgatish ijobiy natija bermagan. Masalan, 1-sinf "O'qish kitobi" darsligida Odil Abdurahmonning "O'zbekiston askarlari", Rauf Tolibning "Navro'z", Quddus Muhammadiyning "Maktab – o'tob qo'shig'i", Anvar Obidjonning "Yaxshi niyat", "Bekinmachoq", Tursunboy Adashboyevning "Qish" she'rlarini o'rganishdan avval o'quvchilar lirik asar va uni tahlil qilish yo'llari haqidagi ma'lumotlar bilan tanish bo'lishi kerak.

"She'riy ohangni his qilmaslik, matn so'zlarini to'la tushunib yetmaslik she'r yodlashni zerikarli mashg'ulotga aylantiradi"-degan edi metodist S. Matchanov.

Maktab o'quvchisi lirik asarlar bilan ilk bor tanishganda uni voqelikning badiiy aksi sifatida qabul qiladi. Sinfdan–sinfga o'tib ulg'aygani sari she'rlar ma'no-mohiyati murakkablashib, hayotiy vaziyat yoki insoniy munosabatlar uyg'otgan taassurotlarning badiiy so'zdagi tasvirini namoyish etib boraveradi. Boshlang'ich sinf o'quvchisi ushbu tushunchalarni bemalol o'zlashtira oladi. Bolalar bu yoshda asarning yo'nalishi, mazmuniga qarab ham farqlay boshlashadi, shuning uchun dasturda ko'rsatilgan dostonlar o'rganilishi murakkab kechmaydi.

Lirik asar kishiga ko'proq ruhiy ozuqa beradi. Albatta, she'rlarda ham bayon qilish bor. Masalan, Anvar Obidjonning 2-sinf "O'qish kitobi" darsligining "Ona yurtim – oltin beshigim" bo'limida berilgan "O'zbekistonim" she'ridagi "Aziz o'lkam, o'zing ko'rkam" so'zlari yurtimizning naqadar go'zalligini ifodalamoqda. O'quvchilar Anvar Obidjonning "O'zbekistonim" she'ri orqali nazmiy asar belgilarini tanishadi. She'rdagi yurtimizning ko'rkamligi, yagonaligi, tuprog'ining muqaddasligi, vatan mehri qaynoq qalblarda jo'sh urib turgani ta'kidlanadi. Hayotiy hodisalar tilga olinmaydi, faqat shoir ifodalagan to'rt misrada ifodalanadi:

Aziz o'lkam, o'zing ko'rkam,
Chinorlaring bizdek o'ktam.
Tosh ham gullar tuprog'ingda,
Mehring qaynar bulog'ingda.

O'quvchi lirik asarlarda ham mazmun, syujet, kompozitsiya boshqa turdagi badiiy asarlarniki kabi bo'lishini o'quvchilarga aytishni unutmazlik kerak. Chunki "Lirika voqealikning obrazli in'ikosi sifatida dramadan ham, epik asarlardan ham farq qilmaydi. Hamma gap qahramonlar, voqealar, syujetlarni berishda, tasvirlashda lirikaning o'ziga xos shaklda egaligida. Lirikada qahramon ham, voqealar ham shoirning qalbi orqali o'tkaziladi, qahramonning ichki dunyosi, dunyoni o'ziga xos qabul qilishini tushinishi kerak". Shu bois o'qituvchi lirik asarda voqeadan ko'ra his-tuyg'u, ichki kechinmalar ustuvor bo'lishiga o'quvchilar e'tiborini qaratishi, ayni paytda, she'rni yozishdan shoirning maqsadi bo'lishini ham tushuntirish kerak.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida Anvar Obidjonning lirik asarlari tanishtirishda o'quvchilar badiiy adabiyotning yana bir muhim fazilatidan boxabar bo'lishadi. O'quvchilarga lirik asarlarda hayotiy voqealik majoz orqali ifodalabishi o'rgatiladi. Majoziy ifodalar Anvar Obidjonning "Yaxshi

niyat”, she`rida aniq namoyon bo`ladi. O`quvchida lirikadagi ayni shu xususiyat tufayli badiiy adabiyotga qiziqishi shakllanadi va rivojlanadi.

3-sinf “O`qish kitobi” darsligidagi Anvar Obidjon qalamiga mansub “O`qituvchining o`gitlari” she`rini o`rgatishda ham o`qituvchi va o`quvchi lirikaning shu jihati bilan ishlashi lozim.

Demak, shoir o`quvchiga qilgan nasihatlarida qalbdan quvonch uyg`otadigan sirli bir tuyg`uni ifodalamoqda, ozodlikka, bilim olishga intilmagan inson qafasda, vatan esa mustamlaka iskanjasida qolishini ta`kidlagan. Lirik asarning jozibasi ham ana shunda, uni har bir kitobxon o`zicha baholashi, farqli sharhlashi mumkinligida ekanini o`quvchiga anglatishimiz kerak.

Muhimi, har bir izoh badiiy matn asosida dalillanishi kerak. 3-sinf o`quvchilari o`z dunyoqarashi, bilimi va yoshlaridan kelib chiqqan holda inson hayoti, juda ko`pchiligi esa aynan o`sha davr insonlarini achinarli misollar orqali tasvirlangan, deb hisoblanadi. Bu fikrlarga asos sifatida quyidagi misollarni keltiramiz:

Ey o`g`il-qiz, obro`yingni –
Baland tutmoq qo`lingdadir.
Sening olamdagi narxing
Vatan, millat, tilingdadir.

O`smirlikdan o`spirinlikka o`tayotgan, jismi va ruhida qator evrilishlar sodir bo`layotgan o`quvchilar bir yil oldin yoki keyin ayni shu she`rni butkul boshqa mavzuda tushunishlari mumkin.

Boshlang`ich ta`lim o`qituvchisi zimmasidagi vazifa o`qish darslarida badiiy asar hamisha subyektiv, tashqi va ichki omillarga bog`liq tarzda idrok etilishi, o`smirlikda boshqacha tushunilgan she`r o`spirinlikda butunlay boshqacha ma`noda talqin qilinishi tabiiy ekanligini o`quvchiga yetkazishdan iborat. Badiiy adabiyot mohiyatini to`liq his qilmagan o`quvchida badiiy adabiyotga mehrni shakllantirish imkonsiz. Haqiqiy kitobxon shu tariqa tarbiyalanadi.

2-sinflarda “O`zbekistonim” she`rini o`tishda o`quvchilarni Anvar Obidjonning she`r bilan tanishtirish, Vatan, ona yurt tushunchalarini anglab yetishlarini ta`minlash, o`quvchilarni to`g`ri va ifodali o`qishga o`rgatish kabi ta`limiy maqsadlar nazarda tutiladi. Darsda Anvar Obidjonning hayoti va ijod yo`li haqida qisqacha ma`lumot beriladi. She`r mazmuniga mos O`zbekiston haqidagi videolavhalar namoyish etiladi. O`qituvchining o`zi she`rni ifodali o`qib, uning mazmunini tushuntiradi va O`zbekistonning betakror tabiati, yer osti va usti boyliklari, ulug` tarixi haqida to`xtaladi. She`rdagi badiiy-tasviriy vositalarni sharhlab beradi.

O`quvchilar kichik guruhlariga bo`linishadi, guruhlar ichida she`rni ifodali o`qigan guruhga rag`batlantiriladi. Shuningdek, guruhlar ichida “Vatan haqidagi qo`shiqlarning mohir ijrochisi” tanlovi ham o`tkaziladi. Har bir guruh o`zlari bilgan Vatan haqidagi qo`shiqdan parcha kuylab beradi.

Doskada O`zbekistonning tarixiy yodgorliklari aks etgan rasmlar ilinadi, o`quvchilar rasmdagi me`moriy obidalar haqida so`zlab berishadi.

Dars so`ngida 3 ta shart bo`yicha g`olib guruh aniqlanadi. Shartlar davomida guruhlar to`plagan “Rag`bat” kartochkalari orqali g`oliblar aniqlanadi. G`olib guruhga oldindan tayyorlangan “O`zbekiston” yozuvi tushirilgan “kamar” taqdim etiladi.

3-sinf “O`qish kitobi” da berilgan Anvar Obidjonning “O`qituvchining o`gitlari” she`rini o`tishda o`quvchilarda ifodali o`qish, matnni tahlil qilish ko`nikmalarini takomillashtirish kabi ta`limiy, Vatan, millatni ulug`lash, so`z qadriga yetishga o`rgatish kabi tarbiyaviy maqsadlar nazarda tutiladi.

She`r mazmunini tushuntirishda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish yaxshi samara beradi. Dastlab o`quvchilar bilan birgalikda “Maqollar bilimdoni” o`yini o`tkaziladi. Ulardan “So`z”, “Vatan” haqidagi maqollar so`raladi. Ko`p maqol aytgan o`quvchilar rag`batlantiriladi. Shundan so`ng “Zanjir usuli” dan foydalanib birin-ketin uzviylikda o`quvchilardan dunyodagi tillarning nomlari so`raladi va jahon tillari haqida tushuncha hosil qilinadi. O`qituvchining o`zi esa o`zbek tiliga Davlat tili maqomining berilishi, ona tilimiz rivojida buyuk so`z ustasi Alisher Navoiyning hikmatlari haqida qisqacha to`xtalib, she`rni sharhlab beriladi. O`qituvchi “Vatanparvarlar”, “Allomalar” kalit so`zlari yordamida “Klaster” metodidan foydalanadi. O`quvchilarga To`maris, Shiroq, Muqanna, Jaloladdin Manguberdi, Temur Malik, Qurbonjon dodxoh kabi vatanparvarlar nomlarini toptiradi. Shuningdek, yurtimizdan yetishib chiqqan allomalar nomlarini aytirib, ularga munosib avlod bo`lish g`oyasini o`quvchilarga singdiradi. Xalqning millat bo`lishini ta`minlovchi uchta narsa ekanligini, ya`ni Vatan, Millat, Til ekanligini she`rning xulosasi sifatida tushuntirib beradi.

Darsning so`ngida faol o`quvchilar baholanib, uch nafar o`quvchi tanlab olinadi va birinchisiga “Vatan kelajagi”, ikkinchisiga “Millat posboni”, uchinchisiga “Til fidoyisi” nishonlari beriladi.

Demak, boshlang'ich sinf o'quvchilarini badiiy asarga qiziqtirish, asarni tahlil qilishga, undagi majoziy ma'noni anglashga o'rgatish boshlang'ich sinf o'qituvchisining oldida turgan vazifalardan biridir. Zero, badiiy asar o'quvchilarni kelajakda barkamol avlod qilib tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Sh. Mirziyoyev. Xalq ta'limi tizimidagi maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida qarori. 2019-yil, 30-sentyabr.
2. S. Matchanov, X.G'ulomova, Sh. Yo'ldosheva, Sh. Sariyev. Ona tili o'qitish metodikasi. Toshkent-2009.

UO'K 808.3

O'ZBEK TILIDA UNDOV SO'ZLARINING SO'ZLASHUV TILIDAGI O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

K.N. Raximova, dotsent, Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti, Toshkent

Annotatsiya. *Ushbu maqolada undov so'zlarning so'zlashuv tilidagi o'ziga xos xususiyatlari, shu jumladan undov so'zlarning o'zbek yozuvchilari asarlari, hikoyalari va she'rlarida kishilar his-hayajoni hamda psixologik dunyosi bilan bog'liq holatlarni ifodalash vositasi sifatida qo'llanilishi aks ettirilgan.*

Kalit so'zlar: *undov so'zlar, so'z qurilishi, his-hayajon, bo'yoqdorlik, ichki kechinma, ta'sirchanlik, ohang, so'zlashuv tili.*

Аннотация. *В данной статье отражены особенности произношения восклицательных слов, в том числе использование восклицательных слов в произведениях, рассказах и стихах узбекских писателей как средства выражения эмоций и психологических состояний людей.*

Ключевые слова: *восклицательных слов, словообразование, эмоция, живопись, внутреннее прощение, выразительность, интонация, разговорный язык.*

Abstract. *This article reflects the specific features of exclamation words in the colloquial language, including the use of exclamation words as a means of expressing the feelings and psychological world of people in the works, stories and poems of Uzbek writers.*

Key words: *exclamation words, word construction, emotion, painting, inner forgiveness, impressiveness, tone, colloquial language.*

Ma'lumki, har bir tilda shu tilda so'zlashuvchi xalqning madaniyati, turmush tarzi va qadriyatlarini bevosita o'z aksini topadi. Shuningdek, til doim jamiyat bilan uzviy bog'liq bo'lib, ularni bir-birisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Ushbu bog'liqlikning asosiy komponenti bo'lgan tilning vujudga kelishida esa, undov so'zlarning ham o'ziga xos ahamiyati mavjud. Uning yordamida nutqimiz jonliligi, ishonchligi ortadi, nutqdagi his-tuyg'u bo'yog'ini beradi.

Qadimgi til haqidagi manbalarda undovlar maxsus so'z kategoriyasi sifatida emas, balki tilning, so'zlarning paydo bo'lishini aniqlash munosabati bilangina tekshirilgan[1]. Bu manbalar tarixi antik dunyo faylasuflari tomonidan ilgari surilgan tilning paydo bo'lishi haqidagi nazariyalaridan boshlanadi. Til paydo bo'lishi haqidagi bunday farazlardan biri undovlar haqidagi farazdir. Bu faraz ham qadimiy bo'lib, uning asosida hayvonlarning baqiriq-chaqiriqlari yotadi. Bu faraz asoschilarining fikricha, ibtidoiy davr odamlari turli hayvonlarning tovushlari, baqiriq-chaqiriqlarini o'rganib, ularga taqlid qilib o'zlarining ichki kechinmalari, his-tuyg'ularini ifoda etgan bo'lib, uning asosida undovlar paydo bo'lgan. Tildagi boshqa so'zlar esa ana shu kabi undov so'zlardan kelib chiqqan deb hisoblanadi. Biroq undov haqidagi nazariya antik falsafada tilning paydo bo'lishi haqidagi yagona nazariya emas edi. Biroq, tilning paydo bo'lishi muammosini undovlar bilan bog'lab tushuntirish ayni zamonda ana shu yo'nalishdagi boshqa bir nazariyaga qarama-qarshi qo'yilgan. Tovushga taqlid nazariyasining ko'p holda tilshunoslik nuqtai nazaridan to'g'ri emasligi undov nazariyasi tarafdorlariga yo'l ochgan edi. Undov nazariyasi dastavval yunon faylasuflari tomonidan ilgari surilgan. Bu nazariya qadimgi Rim shoiri Tit Lukrechiydan meros bo'lib qolgan. Uning fikricha, til kishilarning o'z ruhiy holatlarini tovushlar orqali ifodalash ehtiyojidan maydonga kelgan. Emotsiya natijasida tug'ilgan tabiiy tovushlar undovlarni yaratadi. Qolgan barcha so'zlar keyin ana shu undovlardan taraqqiy etadi. Qadimgi inson atrofidagi narsa va hodisalarni ko'rganida paydo bo'lgan his-hayajon natijasida g'ayri ixtiyoriy tovushlar chiqqan. Bu tovushlar keyinchalik o'sha predmetlarni ifodalaydigan bo'lib qolgan degan tamomila noto'g'ri xulosaga kelgan.

Undov gap - so'zlovchining ichki his-hayajonini, voqelikka bo'lgan turlicha emotsional munosabatlarini ifodalovchi gapdir. Undov gap o'ziga xos tuzilishga va grammatik belgilarga ega.

Undov gapda ohangning roli katta bo'lib, qanday mazmun ifodalanishiga qarab, ohang ham o'zgarib turadi. Undov gaplarda hayratlanish, taajjub, zavqlanish, orzu-umid, achinish, qo'rqish kabi emotsional mazmun ifodalanishi mumkin.

Undov so'zlarning takror qo'llanishi va matnda bir necha undov so'zning birgalikda qo'llanishi so'zlarning turli ma'no qirralarini ochish uchun xizmat qiladi. Bundan tashqari, gapdagi ifodaviylik, ta'sirchanlikni oshiradi: *Voy, tasaddug'-ey, ey, voy, tasaddug'-ey! Ho'-o'p bolalarimiz bor-da, tasadduq! – dedi A'lobush, - Sobirjonimni aytmaysizmi, tunov kuni xatoyi mandalinni posilka qilsam nima deysiz, depti. Yo'q, dedim, tasadduq, yo'q, dedim. O'zing kiyaver, dedim. Maskopda yarashadi bunaqa kiyimlar, dedim* (O'lmas Umarbekov "Sovg'a") [8].

Yuqoridagi parchada ikki marta qo'llanilgan "voy", uch marta qo'llanilgan "ey" undovlari badiiy asarda personajlar xarakteri, ichki kechinmalarini ochib berishda muhim rol o'ynaydi. Undovlarning qaysi so'zlar bilan qo'llanilishi ham fikrning ta'sirchanligini oshirish, qaysi millatga mansubligini ochib berishda katta ahamiyatga ega. Keltirilgan misolda undovlar boshqa millatlar tilida uchramaydigan "tasadduq" so'zi bilan qo'llanilar ekan, o'zbekona xarakterni ochib berish, momolarimizning farzandlariga bo'lgan mehr-muhabbatlari cheksizligini ifodalashga xizmat qilgan.

Undovlar tilda kishilar his-hayajoni, psixologik dunyosi bilan bog'liq holatlarni ifodalash vositasi sifatida qo'llaniladi. Undov so'zlar nutqda takror holda qo'llanilganda ta'sirchanlik, ifodaviylik, bo'yoqdorlik kuchliroq ifodalanadi.

*Ay, tutqinlar, ay, ezilgan,
Ay, qiynalgan, yo'qsil ellar,
Ay, umidsiz, ay chizilgan
Dor oldiga... Oppoq dillar!*

Cho'lponning "Vijdon erki" deb nomlangan she'ridan olingan yuqoridagi parchada undov so'zlarni qo'llash orqali shoir ezilgan, qiynalgan, kamsitilgan, og'ir ahvolda qolgan xalqning kechinmalari, boshidan o'tkazgan qiyinchiliklarini ifodalash bilan bir qatorda, ularga bo'lgan achinish, hamdardlik kabi tuyg'ularini ifodalashga harakat qilgan. Ayniqsa, undovlarning aynan takror qo'llanishi takrir san'atini yuzaga keltirib, "tutqin", "yo'qsil", "umidsiz" kabi so'zlar bilan birgalikda qo'llanilishi ta'sirchanlikni yanada oshirishga xizmat qilyapti. Ushbu she'rni o'qigan har bir kitobxonning ko'nglida xalqqa achinish, mustamlakachilarga nafrat uyg'onadi. Bunda undovlarning takror holda o'rinli foydalanganligi shoirning yuksak mahoratidan dalolat berib, nutqning ifodaliligi, ta'sirchanligini oshirgan.

Undov so'zlar kishilarning ichki kechinmalarini ifodalash uchun xizmat qilar ekan, og'zaki so'zlashuv nutqidan tashqari, badiiy asarlar, dramatik va she'riy asarlarda ham keng qo'llaniladi. Dramatik asarlarda qo'llanilgan undov so'zlarning ma'no ifodalanilishida ularning qanday ohang bilan aytilishi ham katta ahamiyatga ega. Ayniqsa, ular darajalanib kelganda. Undovlar graduonimiyasi ham sermahsul ekanligini hisobga olsak, ularning graduonimik qatoridan foydalanish nutqning ifodaliligi oshirish, ma'noni bo'rttirishda katta ahamiyatga ega. *Oh, voy, oh-voh, dod-voy* kabi darajalanishlar nisbiy bo'lib, bu qatorni davom ettirish va, ayni vaqtda, ohang orqali ulardagi ma'noni kuchaytirish yoki pasaytirish mumkin. Bunday vaqtda ulardagi darajalanish qatori nisbiy bo'lib qoladi (fikr takroran qo'llangan). Buni quyidagi misolda ko'rishimiz mumkin. Quyidagi parchada (bu ham takror) "Dod" va "voy" undovlari darajalanib kelgan. Aslida darajalanish qatorida "voy" undovi "dod"ga nisbatan kuchsiz bo'lib, ohangni kuchaytirish, "y" tovushini takror, cho'zib aytish natijasida bu qator shartli ravishda o'zgartirgan, ya'ni "voy" undovida ma'no kuchaytirib, bo'rttirib ko'rsatilgan.

Dod, voy bolam. Voy, boyim. Ikkisidan ham ayrildim. Erimni mozorg'a, bolamni Sibirg'a yuboralar. Voy, voy, voy-y-y (Behbudiy "Padarkush") [5].

Xulosa qilib aytganda, hayotimizda undovlarning ya'ni undov gaplarning ahamiyati kattadir. Undov gaplar nutq tushunarli va ishonchli, shuningdek, ta'sirchanligini oshirishda xizmat qiladi. Umuman olganda undovlarsiz gapni, undov gaplarsiz esa nutqimizni tasavvur etish mushkulligini ta'kidlash mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Yo'ldoshev I., Sharipov U. Tilshunoslik asoslari. -Toshkent., 2007. -B. 7.
2. Алибаева Н. М. Бадий матнларда эмоционал гаплар // Молодой ученый. - 2017. - №4.2. -Б. 2-3.
3. Ўзбек тили лексикологияси. -Тошкент: Фан, 1981. -Б.160.

O'ZBEK TILIDA SPORT LEKSIKOLOGIYASI

Z.X. Rustamova, o'qituvchi, TDPU, Toshkent

Annotatsiya. Sport tili til faoliyatining turli sohalari qatoriga kiritilishi mumkin. sport qoidalari tili, masalan, figurali uchish bo'yicha musobaqalarni o'tkazish bo'yicha ko'rsatmalar: «Elementning yakuniy GOE-si uning ishlashining ijobiy va salbiy tomonlari kombinatsiyasiga asoslangan. Elementning yakuniy GOE-si ijobiy tomonlarni va agar mavjud bo'lsa, mumkin bo'lgan pasayishlarni aks ettirishi muhimdir.

Kalit so'zlar: Sport tili, *gemeinsprache, fachsprachen*.

Аннотация. Спортивный язык можно включить в различные области языковой деятельности. на языке спортивных правил, например, руководства для соревнований по фигурному катанию: «Окончательный GOE элемента основан на сочетании плюсов и минусов его выполнения. Важно, чтобы окончательная GOE элемента отражала плюсы и минусы, если таковые имеются.

Ключевые слова: спортивный язык, *gemeinsprache, fachsprachen*.

Abstract. Sports language can be included in a number of different areas of language activity. the language of sport rules, for example, guidelines for figure skating competitions: "The final GOE of an element is based on a combination of pros and cons of its performance. It is important that the final GOE of the element reflects the pros and cons, if any.

Keywords: Sports language, *gemeinsprache, fachsprachen*.

Sport lingvistikasi bugungi kunda sport sohasi inson faoliyatining asosiy yo'nalishlaridan biridir. Sport doimo rivojlanib bormoqda, yangi sport turlari, ular bilan bog'liq haqiqatlarning nomlari, sport sohasiga xos bo'lgan yangi so'zlar, iboralar mavjud. Sport nutqida so'zlarda o'zgarishlar yuz beradi. Inson faoliyatining boshqa turlariga xos bo'lgan til birliklari sport kontekstida yangi ma'nolarga ega. Xuddi shunday vaziyat bilan biz qarama - qarshi yo'nalishda duch kelamiz, faqat sport sohasida ishlaydigan birliklar sport nutqidan tashqarida tobora ko'proq foydalanishni boshlaydilar. Shuning uchun sport tilini til tizimining alohida qismi sifatida ajratish masalasi paydo bo'ladi. Hozirgacha tadqiqotchilar bu haqda bahslashmoqda. Ko'p yillar davomida sport tilining faqat siyosiy nutqning bir qismi ekanligi haqida fikr bor edi. Biroq, so'nggi paytlarda uning hajmi va o'ziga xos xususiyati tufayli sport tili va sport so'zlari farq qiladi

Bu ma'noda sport tili faqat bitta ijtimoiy soha bilan cheklangan til muloqoti, muxlislarning so'zlari. Shuning uchun, bu holatda, muxlislar va muxlislarning bunday tili ma'lum bir yopiq guruh muxlislari faoliyat yuritadigan sport klubiga qarab farqlanadigan noto'g'ri xulosalar chiqarish mumkin. Shundan kelib chiqadiki, sport tili yopiq ijtimoiy guruhdir. Biroq, bu fikr haqiqatga to'g'ri kelmaydi. Til birliklari, ilgari faqat sport nutqida faoliyat, tilning boshqa qismlarida ko'chib, masalan, qora ot ibora ishlatiladi va sport tashqarida. Sport tilining yopiq ijtimoiy guruh emasligi sport tilining boshqa, xorijiy ta'riflaridan dalolat beradi. Misol uchun, nemis tilida sport tili umumiy tilga (*Gemeinsprache*) qarama-qarshi bo'lgan maxsus tillar guruhiga (*Fachsprachen*) tegishli.

V. Xlebda sport tilidan foydalanish sohalari "har qanday katta va ichki tabaqalashtirilgan jamoatning tili sifatida sport tili kamida to'rtta sub'ektdan tashkil topgan murakkab bir hodisa". Ushbu guruhlariga til aloqasining quyidagi shakllari kiradi: – "terminologiya to'g'ri ma'noda (odamlar, ob'ektlar, qobiqlar, harakatlar va jarayonlarning nomlari); – sportchilar, murabbiylar va xizmat ko'rsatuvchi xodimlarning jargoni; – sport sharhlovchilari, sharhlovchilar, matbuot, radio va televidenie jurnalistlarining tili; - sport muxlislari tili"

Boshqa tilshunoslar bu tasnifni kengaytiradilar, chunki sport tilida ko'plab sohalari mavjud bo'lib, sport tili til tizimining alohida, alohida qismi sifatida mavjud. Sport sohasidagi sub'ektlarning eng keng tasnifi A. Creekdir. Uning fikriga ko'ra, sport tilining kommunikativ faolligi, ya'ni. til bilan aloqa qilish, uning uchastkasi sport hisoblanadi:

1) sport qoidalari Tili, masalan, ma'lum bir sport turi bo'yicha musobaqalarni o'tkazish bilan bog'liq yozma ravishda tuzilgan qoidalar (masalan, sportchilarga nisbatan sport hakamlarini tushuntirish shaklida), sport ob'ektlari qoidalari, sport anjomlari va uskunalarini ishlatish bo'yicha ko'rsatmalar, shuningdek, sport klublarining ichki qoidalari;

2) sportdagi ilmiy til - so'zlarning maksimal darajada aniqligiga intiladi, shu bilan birga, aqliy kliklarni parallel ravishda ishlatadi. Ushbu til indikativ kayfiyatda to'liq va rivojlangan jumlar bilan ajralib turadi, unda kontseptual komponentlar mos ravishda joylashtirilgan. Sport tili faoliyatining ushbu sohasiga misol sifatida lug'at yozuvlari ko'rinishidagi atamalar va tushunchalarni

tushuntirishlari, shuningdek, ushbu sport turiga oid ilmiy ma'ruzalar va ma'ruzalar keltirilgan, masalan, Kanadalik yurist Richard Maklarenning Rossiyada doping qabul qilish to'g'risidagi hisoboti;

3) bosma nashrlarda sport sharhlari, sharhlari va jurnalistikasi tili - jurnalistikaning umumiy qoidalariga mos keladi (matnning ifoda darajasi va uslubi ushbu nashr ko'rsatadigan matbuot turiga bog'liq). Kommunikativ faoliyatning ushbu sohasining ustun xususiyati - bu vaziyatning realizmi printsipligiga asoslangan kontseptual va aqlli obrazlarni yaratish istagi. Ushbu tasvirlar konkret (ya'ni, ma'lum bir sintaktik so'z birikmasi bilan bog'liq) va mavhum tasavvurni (ya'ni butun sharh tomonidan qurilgan tasvir bilan bog'liq) rag'batlantirish maqsadiga ega;

4) televidion sport dasturlari tili. Eshittirish turiga qarab quyidagilarni ajratib ko'rsatish mumkin: sharh (agar jurnalist o'z tilshunosligini o'z-o'zidan tuzgan bo'lsa, davom etayotgan voqeaga parallel ravishda), tugallangan hodisani ko'rib chiqish (ma'ruzachi, jurnalist shu daqiqada efrida namoyish etilgan tomosha haqida gapirganda, lekin bu oldinroq tugatilgan va kuzatuvchi voqealar rivojiga oid eng muhim ma'lumotlarga ega), shuningdek sharhlar (jurnalist ilgari yakunlangan shou voqealarini aytib beradi, belgilaydi va ko'pincha baholaydi). Televizion dasturlar tasvir va tovushni birlashtiradi, bu esa ma'lumot oluvchiga bir xil ta'sir qiladi;

5) sport radioeshittirishlari tili - televizion eshittirishlar singari til bilan aloqa shakllarini amalga oshiradi, lekin ma'lumot oluvchiga faqat tovush shaklida ta'sir qiladi;

6) sportchilar va murabbiylarning, ya'ni sport faoliyati (mashg'ulotlar, musobaqalar) bilan bevosita bog'liq bo'lgan shaxslar yoki faol (sportchilar) yoki passiv (murabbiylar - murabbiylar, instruktorlar, o'qituvchilar, shuningdek hakamlar) tili. Bunday faoliyatning dinamikasi bilan bog'liq holda, lingvistik muloqotning situatsion xususiyati va uning ishtirokchilarining vakolatlari, mohiyatan, katta professionalizm va bayonotlar tuzilmalarini maksimal darajada soddalashtirish natijasida erishilgan kommunikativ noaniqlikni keltirib chiqaradi;

7) Muxlislarning tili, ya'ni bilvosita ishtirok etadiganlar, sport shousini tomosha qilish. U kommunikativ harakatlarning ikki turini o'z ichiga oladi: agar ma'lumot oluvchilar sport shousining bevosita ishtirokchilari bo'lsa yoki boshqa muxlislar bunday ma'lumotni olsalar. Birinchi holda, biz maqsadimiz sport shousining to'g'ridan-to'g'ri ishtirokchilarini qo'llab-quvvatlash yoki ularni qo'llab-quvvatlashdan iborat bo'lgan qo'shiqlar, she'rlar, undovlar shaklida boshqariladigan (odatda jamoaviy) yoki nazoratsiz (ayniqsa yuqori darajadagi ekspresivlik darajasi, ko'pincha individual) bayonotlarga duch kelamiz;

8) Sport namoyishi boshlovchisining tili - uning klassik ko'rinishida, faqat sport namoyishi paytida voqealar rivoji to'g'risida ma'lumot beruvchi qisqa xabarlar bilan cheklanadi va u bilvosita yoki to'g'ridan-to'g'ri ma'lumot oluvchiga yuboriladi. So'nggi paytlarda ko'plab tomoshabinlar ishtirokidagi etakchi musobaqalar ko'pincha muxlislarning muayyan xatti-harakatlariga sabab bo'lmoqda (bu nutq xatti-harakatlariga ham tegishli);

9) Suhbatlar, suhbatlar tili - bu sport jurnalisti (matbuot, radio, televidenie) yoki kamdan-kam muxlis va sportchi yoki murabbiy tilining birikmasi. Kommunikativ faoliyatning ushbu sohasi bevosita vaziyat bilan shartlangan, u nutq ma'lumotlarini dialog orqali uzatishi bilan tavsiflanadi.

Sport aloqasi tiliga shakli, mazmuni va faoliyati jihatidan har xil bo'lgan professional bo'linmalar kiradi. Ushbu birliklar tizimining asosiy qismi terminologiya bo'lib, u umumiy ilmiy va tarmoqlararo atamalar, tarmoq va tor tarmoq birliklari hamda yuqori darajada ixtisoslashgan nomlar bilan ifodalanadi. Sport atamashunosligining eng ko'p sonli guruhi tor tarmoq atamalaridan iborat. Sport kommunikatsiyalari tilidagi atamalar atrofida professional jargon va nomenklatura belgilari birlashtirilgan. Sport bilan aloqa qilish tilining individual qatlamlari o'rtasidagi chegaralar juda harakatchan: professionalizm va jargonizmlarni atamalar toifasiga o'tish mumkin.

Sport atamaları to'plami sport faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish uchun muhim bo'lgan tushunchalar tizimini aks ettiradi. Sport sohasidagi tushunchalar tizimi ma'lum bir sport faoliyati turi sifatida sport turi tushunchasiga asoslanadi. Sportning an'anaviy ravishda jamoaviy va individual sport turlariga bo'linishi ikkita o'zaro bog'liq tushunchalar quyi tizimlarini ajratish bilan to'ldirilishi mumkin: dinamik va statik sport turlari.

Sport terminologiyasini kelgusida tadqiq etish istiqbollari sifatida ayrim tushunchalarni individual sport turlari terminologiyasida aks ettirishning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish, turli xil tillarda sport terminologiyasini qiyosiy tahlil qilish asosida aqliy va lingvistik tuzilmalar o'rtasidagi munosabatlarning mohiyatini aniqlashni o'rganish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Savchenko A. V. "Sport tili" zamonaviy aloqada sublanguage ning maxsus turi sifatida // Jahon madaniyati makonida rus tili va adabiyoti: XIII MAPRYAL Kongressi materiallari (Granada, Ispaniya, 13-20 sentyabr, 2015). T. 2 .. - SPb.: MAPRYAL, 2015. - 145-150 betlar.

2. Sheigal E. I. Siyosiy ma'ruza semiotikasi. Filologiya fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun qilingan dissertatsiya referati. - Volgograd: Volgograd davlat pedagogika universiteti, 2000. - 31 b.
 3. Mixalchenko V.Yu (tahrir). Sotsiolingvistik atamalar lug'ati. - M.: Rossiya Fanlar akademiyasi, 2006. - 312 b.

UDC 811

VARIOUS METHODS OF PRODUCING MODERN ENGLISH MEDICAL TERMS

D.B. Sadullaev, teacher, Bukhara State Medical Institute, Bukhara

Аннотация. *Ҳозирги кунда тиббиёт терминологиясида иккита характерли ҳодиса мавжуд: 1) халқаро даражада аниқ ишлаб чиқилган ва бирлаштирилган анатомик номенклатура ва 2) тез орада ривожланаётган индивидуал клиник тармоқларнинг ностандарт терминологияси. Илгари тиббий атамалар морфологик жиҳатдан латин ва юнонча сўз ясаш компонентларини ҳосил қилиш ва компилятсия қилиш ёъли билан шаклланган бўлса-да, ҳозирги вақтда синтактик усул устун бўлиб, кейинчалик мураккаб сўзларни шакллантиришини назарда тутуди, кейинчалик қисқартмаларга айланади. Терминологиянинг энг кенг тарқалган усулларида ташиқари, оралиқ усуллари ҳам мавжуд. Ушбу жуда кам учрайдиган тиббий атамаларнинг маъносини тушуниш учун уларнинг этимологиясини ва уларни яратиш мотивларини ўрганиш керак. Мақоламизда оралиқ усулларга эътибор қаратиб, сўзни шакллантиришининг индивидуал усулларини кўриб чиқамиз.*

Калим сўзлар: *инглиз тиббиёт терминологияси, келиб чиқиши, таркиби, мураккаб бирикма атамалар, қисқартмалар, синонимия.*

Аннотация. *В настоящее время в медицинской терминологии наблюдаются два характеризующие ее явления: 1) точно отработанная и унифицированная на международном уровне анатомическая номенклатура и 2) быстро развивающаяся нестандартизированная терминология отдельных клинических отраслей. Хотя в прошлом медицинские термины формировались морфологически посредством деривации и составления латинских и греческих словообразовательных компонентов, в настоящее время преобладает синтаксический способ, подразумевающий формирование сложных терминов, которые впоследствии превращаются в аббревиатуры. Помимо наиболее распространённых способов терминообразования, существуют промежуточные способы. Чтобы понять смысл этих довольно редких медицинских терминов, необходимо изучить их этимологию и мотивацию к их созданию. В нашей статье мы рассмотрим отдельные способы словообразования, акцентируя внимание и на промежуточных способах.*

Ключевые слова: *английская медицинская терминология, происхождение, состав, сложные составные термины, аббревиатуры, синонимия.*

Abstract. *Currently, there are two phenomena that characterize medical terminology: 1) anatomical nomenclature that has been precisely developed and unified at the international level, and 2) a rapidly developing non-standardized terminology of individual clinical branches. Although in the past, medical terms were formed morphologically through derivation and the compilation of Latin and Greek word-formation components, at present the syntactic method predominates, implying the formation of complex terms, which subsequently turn into abbreviations. In addition to the most common methods of terminology, there are intermediate methods. To understand the meaning of these rather rare medical terms, it is necessary to study their etymology and the motivation for their creation. In our article, we will consider individual ways of word formation, focusing on intermediate ways.*

Key words: *English medical terminology, derivation, composition, compound terms, abbreviations, acronyms, synonymy.*

Introduction. *In the past century, clinical medicine has grown into many new branches. All this happened thanks to the development of science and technology. New diagnostic tools and methods have appeared, for example, computed tomography, sonograph, mammography, laparoscope, endoscope, colonoscope, magnetic resonance imaging (MRI), etc. While everyone uses a common language, the language of science requires a certain level of scientific education, since terms, being the names of certain concepts, indicate only their meaning. [7] Most of the anatomical and clinical terms used in medicine today are Latin or Latinized Greek words whose origins can be traced back to the 5th century BC. In order for medical terminology to function effectively and be understood, the terms must be correctly formed, received and must be pronounced correctly. Basic information on word formation and word analysis enables students to handle medical terminology*

more effectively. Instead of memorizing lists of terms, they can easily predict the meaning of other terms.

In medical terminology, two completely different phenomena can be observed: a very precisely developed, standardized international anatomical terminology and a rapidly developing clinical terminology in all medical fields, characterized by a certain terminological disorder. The main reason for this phenomenon is the rapid development of scientific knowledge and the need to name new devices, diseases, symptoms, etc. as soon as possible. All attempts to unify clinical medical terminology at the international level, in general, have not been crowned with success so far. The first attempt to create a unified international classification of diseases was already undertaken in the 19th century. This classification did not have uniform rules and, like today's International Classification of Diseases (ICD), is just a technical tool used for statistical purposes. The lack of a unified medical terminology is evident especially now, when computers have entered medicine and flawless international communication is required.

Materials and Methods. From a linguistic point of view, the study of clinical terminology is much more interesting due to its variability and colorfulness. Many of the examples in this article are taken from hematology because it is a relatively young branch of medicine. This terminology is in the process of its development, due to which many interesting phenomena can be traced.

The material for this study was the terms and terminological phrases, microtexts that define the basic medical concepts, which were selected by the method of continuous sampling from scientific articles related to various subject areas of medicine, including hematology, dictionaries, Internet sites devoted to medicine. This study required the complex use of methods and techniques used in modern linguistics. Linguistic analysis methods such as descriptive method, distributive method, component analysis method, contextual analysis method and comparative method were used in processing the factual material. Comparative interpretation and typological characteristics were the constituent parts of the comparative method.

Results and discussion. Medical terms can be broadly categorized into single word terms and multi-word terms. One-word terms can be simple (non-derivative) words, derivative words, compounds of derivatives and compound words. As a rule, new vocabulary is formed for three reasons: it is spread in three possible ways: 1. The emergence of new names, 2. The formation of a new meaning, and 3. Borrowing words from other languages. Some linguists divide the ways of forming new terms into groups: 1. morphological way of word formation - word formation, abbreviation; 2. syntactic, through the formation of phrases and phrases from several words; 3. semantic - narrowing (clarification) of the meaning of common words; metaphorical and metonymic transfer of the previous meaning; 4. borrowing words from other languages. The most productive way of forming terms is word production. The resulting medical terms can consist of a prefix, one or two word roots and suffix in various combinations, as shown in the following examples: myocardium = myo- (prefix) + card (ium) (root) endocarditis = endo- (prefix) + card (root) + -tis (suffix) cytology = cyt (o) (root) + -logy (suffix) gastroenterology = gastr (o) (root) + enter (o) (root) + -logy (suffix) adenoma = aden (o) (root) + oma (suffix) [6] The second most productive type of term formation is compounding. A compound word is a persistent expression consisting of two or more stems, for example, human being (person), blood donor (blood donor), hay fever (hay fever), Black Death (plague). While compound words are easily recognizable in German because they are always spelled together, in English the spelling of compound words varies. Phrases can be written: 1. A two / three word combination: blood pressure, blood group, heart attack, sleep walker, central nervous system; 2. Through a hyphen: life-span (life span), collar-bone (clavicle); or 3. as one word: gallstone (gallstone), haemophilia (hemophilia), leucocytopenia (leukopenia), pseudopolycytemia (pseudopolycythemia). 4. borrowing words from other languages. The most productive way of forming terms is word production. The resulting medical terms can consist of a prefix, one or two word roots and suffix in various combinations, as shown in the following examples: myocardium = myo- (prefix) + card (ium) (root) endocarditis = endo- (prefix) + card (root) + -tis (suffix) cytology = cyt (o) (root) + -logy (suffix) gastroenterology = gastr (o) (root) + enter (o) (root) + -logy (suffix) adenoma = aden (o) (root) + oma (suffix) [6] The second most productive type of term formation is compounding. A compound word is a persistent expression consisting of two or more stems, for example, human being (person), blood donor (blood donor), hay fever (hay fever), Black Death (plague). While compound words are easily recognizable in German because they are always spelled together, in English the spelling of compound words varies [10, 128-136]. Phrases can be written: 1. A two / three word combination: blood pressure, blood group, heart attack, sleep walker, central nervous system; 2. Through a hyphen: life-span (life span), collar-bone (clavicle); or 3. as one word:

gallstone (gallstone), haemophilia (hemophilia), leucocytopenia (leukopenia), pseudopolycythemia (pseudopolycythemia). There are no hard and fast rules for spelling difficult words. Sometimes some terms are written with a hyphen, sometimes as two different words or one word, for example, life span - life-span; gall bladder - gallbladder. Composing compound words looks older than word production from a diachronic point of view, since derivational affixes have developed from independent words. A similar process can be seen today in the process of prefixoids (pseudo-prefixes) and suffixoids (pseudo-suffixes), for example, myo-, arthro-, haemo-lhaemato-, adipo-, hepato, onco-, patho-; -aemia, -logy, -tomy, -pathy, -cyte, -algia, -ectomy, -scope, etc. Each of these pseudo-affixes carries a certain meaning, but they are not used as independent words. They were artificially formed from the roots of Greek and Latin words for scientific purposes - to give names to new concepts. Both types mentioned are also considered morphological because they undergo certain morphological processes [11, 627-631]. Although word production and word composition predominantly prevailed due to the use of roots and affixes of words of Latin and Greek origin in the past, the syntactic method now predominates - phrases from several words, for example: Acquired Immune Deficiency Syndrome (Acquired Immune Deficiency Syndrome), Bovine Spongiform Encephalopathy (bovine spongiform encephalopathy), Severe Acute Respiratory Syndrome (severe acute respiratory syndrome), Irritable Bowel Syndrome (irritable bowel syndrome). They are subsequently subjected to the abbreviation process as they are too long. In the past, medical terminology often borrowed medical terms from Latin, however, at present, this process of word formation is rather unproductive. Borrowings from other languages are characteristic of the modern period. A large number of English scientific words have entered the language from the French language. According to various sources, about 30% of all English words are of French origin. Among medical terms, the following words can be distinguished: bowel (intestines), cartilage (cartilage), cramp (spasm), curette (curette), degeneration (rebirth), deglutition (ingestion), delivery (childbirth), denture (denture), diarrhoea (diarrhea), diphtheria (diphtheria), disease (illness), dislocation (displacement), malaise (malaise), etc. Another 29% of words of Latin origin (femur - femur, humerus - humerus, occiput - occiput, mandible - lower jaw, puncture - puncture, pulp - pulp), 26% of words of Germanic origin are common words of daily use (hand, finger, nose, arm, chin, wrist, foot, head, hip, hair), about 6% of Greek origin (bregma - crown, chorion - chorion, diabetes - diabetes, emphysema - emphysema, myopia - myopia, ophthalmia - ophthalmia, pneumonia - inflammation lungs, stigma - stigmata, trauma - trauma) and about 6% are taken from other languages, and 4% are derivatives of proper names [12, 590-598]. While borrowed words are lexical borrowings, calques are borrowings from other languages with literal, word-for-word or submissive translation.

Conclusion. Although the formation of terms may seem formal and uninteresting to many people, in addition to the precise, pragmatic, structural forms of word formation, there are also many intermediate ways of forming terms that hide the whole story in their names. Sometimes a foreign language teacher may face a problem when trying to collect, study, generalize and even write about them, however, discussing the origin of terms with medical students gives them a deeper understanding of the history of medicine and they have the opportunity to look at certain terms from different points of view [13, 414- 419]. Another important issue is that in teaching medicine and applying it in practice, we must be absolutely and unconditionally confident in the meaning of the terms we use. Analyzing important medical terms forces us to reflect on their exact meaning and be aware of any possible ambiguity. "Medical terms are very similar to separate puzzles. They are built from small pieces that make each word unique, but these pieces can also be used in other words in various combinations." [3]

REFERENCES:

1. Andrews, E. A History of Scientific English: The Story of Its Evolution Based on a Study of Biomedical Terminology/ E. Andrews, A.B. Luckhardt. - NY: Richard R. Smith. 2012. - 352 p.
2. Besa, E. C. Hematology/ E.C. Besa, P.M. Catalano, J.A. Kant, L.C. Jefferies. - Baltimore: Harwal Publishing, 1992. - 335 p.
3. Chabner, D. E. The Language of Medicine. - New York: W. B. Saunders Company, 1996. - 1036 p.
4. Crystal, David The Cambridge Encyclopedia of the English Language. - Cambridge: Cambridge University Press, 1995. - 499 p.
5. Crystal, David A Dictionary of Linguistics and Phonetics 6th Ed. - Willey: Blackwell Publishing Ltd., 2008. - 529 p.
6. Druganova B. English Medical terminology - different ways of forming medical terms // JAHR. -2013. Vol. 4., № 7. - P. 55-69.
7. Marchand, Hans The Categories and Types of Present-Day English Word-formation. - Munchen: C.H. Becksche, 1969. - 545 p. doi: 10.2307/412387

8. Woywodt, A. Should eponyms be abandoned? Yes/ A. Woywodt, E. Matteson// BMJ. - 2007. Vol. 335. - P. 424-425. doi: 10.1136/bmj.39308.342639.AD
9. World Health Organization. International statistical classification of diseases and related health problems [Electronic resource] URL: www.who.int/classifications/apps/icd/icd10online (date of access 12/20/16).
10. Denis Bakhtiyorovich Sadullaev, "problems of understanding philosophical text as a linguistic phenomenon", journalnх - a Multidisciplinary peer reviewed journal, volume 6, issue 6, issn : 2581-4230, page no. 128-136
11. Садуллаев, Д. Б. Philosophical understanding of terms and concepts by an author as an object of linguistic investigations / Д. Б. Садуллаев. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 22 (312). — С. 627-631. — URL: <https://moluch.ru/archive/312/71010/>
12. Denis Bakhtiyorovich Sadullaev Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of XIX-XX centuries, held in Russia and Europe // Academia: an International Multidisciplinary Research Journal. Vol 10, Issue 10, October 2020. p. 590-598.
13. Sadullaev D. B. (2020). Historical reality concepts. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 04 (84), pp. 414- 419.

UDC 81-13

FIGURATIVE LANGUAGE OF CHILDREN'S PROSE: WINNIE-THE-POOH AND OTHER FAIRY TALES

Yu. Sattorova, Lecturer, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature, Tashkent

Annotatsiya. *Ushbu maqolada taniqli bolalar adabiyoti ertaklarida, hususan "Vinni-Puh va hamma, hamma, hamma" va Aleksandr Alan Milning boshqa ertaklarida ishlatilgan majoziy til vositalarida tahlili va talqini o'rganilgan.*

Kalit so'zlar: *bolalar adabiyoti, intertekstuallik, ikkilanish, rezonanslar*

Аннотация. *В статье исследуются анализ и интерпретация образных языковых средств, используемых в известных детских литературных сказках: «Винни-Пух и все, все, все» и других сказках Александра Алана Милна.*

Ключевые слова: *детская литература, интертекстуальность, амбивалентность, резонансы.*

Abstract. *This article examines the analysis and interpretation made on the figurative language means used in the famous children's literature fairy tales: in particular, "Winnie-the-Pooh and all,all,all" and other tales by Alexander Alan Milne.*

Key words: *children's literature, intertextuality, ambivalent, resonances*

Today it is difficult to imagine the book industry without its huge output of children's books. The mass production of children's books is taken for granted as a prominent and indispensable part of publishing activity. Society views childhood as the most important period of life and tends to account for most of adult behaviour on the basis of childhood experience. Society is so used to its understanding of what childhood is, as well as to the existence of books for children, that it forgets that both concepts, childhood and books for children, are relatively new phenomena; that is, society's present view of childhood is far removed from that which was held only two centuries ago.

Writing for children means that the writer does not have right to manipulate with the text if he or she wants the text to be accepted by children. Children's fiction might be impossible because it rests on the assumption that there is a child who can be addressed when, in actuality, 'children's fiction sets up the child as an outsider to its own process, and that aims, unashamedly, to take the child into miracle.

Some of the earliest children's books were adaptations of existing ones for adults, such as Robinson Crusoe and Gulliver's Travels. Children's literature has formed its inception a thoroughly intertextual literature of adaptations and retellings. These retellings, parodies, cross-cultural references, simple, subtle and complex forms of interaction between literatures from different languages and cultures are among the subjects of intertextuality studies. An interesting point is that not all fairy tales and stories were written from the first hand. As in adult's literature there is also intertextuality in children's literature. Most fairy tales which are popular around the world exist in many countries. All of them persuade readers that their story is the "true" one and they can provide very reliable sources to show that original story was born in their country. One of the most ever used texts belong to Shakespeare and Fyodor Dostoyevsky. Their works have been used with the method of intertextuality almost forty thousand times. The Holy Bible on his time was also widely used, not only in adults literature but at the same time in children's literature as well.

Коммуникативный метод использует разные методы обучения студентов. С одной стороны, это часть ограниченной практики, а с другой стороны, часть свободной практики. Говоря об ограниченной задаче, мы обращаемся к упражнениям (письменным или устным), которые сосредоточены на определенных языковых темах или грамматических проблемах. Например, мы можем использовать письменное упражнение «заполнить пробелы», чтобы учащиеся выучили новую лексику или новые грамматические элементы. В то же время устное упражнение может иметь в качестве основной цели запоминание слов, используемых в определенных коммуникативных ситуациях (например, бронирование номера в отеле, участие в собеседовании на определенную работу или должность в компании). Эти виды деятельности обычно проще, поскольку они ограничивают выбор студентов определенных тем. Что касается свободной практики, это вид деятельности, в котором студент должен иметь способность поддерживать беседу и логическое мышление. Как правило, это коммуникативная деятельность, требующая от студента способности вести диалог, отвечать и задавать вопросы. Это истина коммуникативной цели, методу к более подходящему, чем те, которые требуют от студентов выполнять упражнения по фиксированному шаблону, в которых нет воображения и необходимости говорить, оспаривать, следовательно, нет улучшения, продвижения. Сложные разговорные навыки - как беглость, так и точность - в конечном итоге являются целью коммуникативного метода, поскольку он ориентирован на студента и на его языковые потребности, удовлетворяя четкие цели, поставленные преподавателем после анализа потребностей студента.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Джим Скривенер - Learning Teaching, Macmillan Books for Teachers, Oxford, 2005.
2. Джереми Хармер - Практика преподавания английского языка, Longman, 1995
3. Стефен Д. Крашен - Принципы и практика освоения второго языка, Pergamon Press, 1984
4. David L. Chiesa, Ph.D. (Ed.), Ulugbek Azizov, Ph.D., Svetlana Khan, Klara Nazmutdinova, Komila Tangirova Reconceptualizing language teaching: an in-service teacher education courses in Uzbekistan
5. Corson, D. (1995). Discursive power in educational organizations: An introduction. In David Corson (Ed.), *Discourse and power in educational organizations* (pp. 3-15). Cresskill, NJ: Hampton Press.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКИ В ФОРМИРОВАНИИ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗОВ

Р.Б. Атаджанова, старший преподаватель, Янгиерский филиал Ташкентского химико-технологического института, Янгиер

Annotatsiya. *Ushbu maqola texnik universitetlar talabarlari uchun ixtisoslashgan terminologik lug'atni o'qitish metodikasining o'ziga xos xususiyatlariga bag'ishlangan. Ilmiy adabiyotlarni ko'rib chiqishi va nazariy izlanishlar olib borilishi natijasida tadqiqot gipotezasini asoslashga imkon berildi, unga ko'ra kasbiy atamalarni bilish texnik mutaxassisliklar talabalariga rus tilini o'rgatish jarayonida asosiy jihat hisoblanadi. Maqolada, shuningdek, texnik universitetlar va fakultetlarning o'qituvchi-tilshunoslari tajribasini tahlil qilish natijalari bo'yicha tavsiyalar berilgan.*

Kalit so'zlar: *termin; ixtisoslashgan lug'at; ekvivalent; kompetensiya; muloqot.*

Аннотация. *Данная статья посвящена особенностям методики обучения специализированной терминологической лексике студентов технических вузов. Обзор литературы и теоретические изыскания позволили обосновать гипотезу исследования, согласно которой знание профессиональных терминов является центральным аспектом при обучении русскому языку студентов технических специальностей. В статье также предложены рекомендации, основанные на результатах анализа опыта преподавателей-языковедов технических вузов и факультетов.*

Ключевые слова: *термин; специализированная лексика; эквивалент; компетенция; коммуникация.*

Annotation. *This article is devoted to the peculiarities of the methodology for teaching specialized terminology for students of technical universities. The literature review and theoretical research allowed to substantiate the research hypothesis, according to which knowledge of professional terms is a central aspect in teaching Russian to students of technical specialties. On the results of the analysis of the teachers' experience in teaching at technical universities and faculties some recommendations are also given in this article.*

Key words: *term; specialized vocabulary; equivalent; competence; communication.*

I. Введение. Одним из проблемных аспектов обучения русскому языку как иностранному в неязыковых вузах или факультетах является вопрос подбора правильной методики обучения терминологии (специализированной лексике) [1, 20] так как преподаватель русского языка в этом аспекте является одновременно и студентом, поскольку он, прежде чем начать процесс обучения, должен сам изучить соответствующую область и приобрести необходимые знания чтобы точно подбирать эквиваленты конкретных специализированных терминов той или иной области. При этом, само понятие «эквивалентность» является довольно спорным в научной, поскольку некоторые теоретики делают слишком сильный акцент на нем [2; 9], а другие – практически полностью игнорируют его [3; 5]. В техническом или научном тексте роль «эквивалентности» особенно важна. В связи с этим технический перевод обычно рассматривается в непосредственной связи с наличием знаний специального предмета и его терминологии. Очевидно, что курс русского языка в технических вузах не нацелен на подготовку переводчиков, а направлен на формирование коммуникативной компетенции будущих ученых, инженеров и техников, которым русский язык понадобится в их профессиональной жизни, и именно для этого требуется сфокусироваться на развитии знаний специализированной терминологии. Кроме того, целью курса русского языка в техническом вузе является ознакомление студентов с языковыми инструментами для работы в своей сфере, чтобы они могли решать любые языковые проблемы. В связи с этим преподаватель русского языка в техническом вузе должен учитывать потребности учащихся и сформулировать учебный план, который включает наиболее важные лингвистические проблемы и проблемы научно-технического русского языка: элементы грамматики и лексики, которые с большей вероятностью будут использоваться в данной области. В данной статье мы сосредоточимся на методике использования и роли терминологической лексики в формировании коммуникативных компетенций студентов технических вузов

II. Литературный обзор. Существуют несколько разных мнений относительно обучения иноязычной терминологии как части формирования коммуникативной компетенции студентов. Некоторые специалисты рассматривают обучение терминологии как главную цель

урока русского языка как иностранного в неязыковых вузах или факультетах [4, 4]. Другие специалисты возражают против такого подхода, считая обучение терминологии вообще не задачей преподавателя русского языка, поскольку термины можно найти в словарях, а большинство инженеров-профессионалов привыкли к такой специализированной лексике на собственном опыте [6, 90]. В нашем исследовании мы склонны поддержать второе мнение. Во-первых, хорошие специализированные двуязычные словари по-прежнему являются редкостью – в Интернете в открытом доступе существует множество банков терминологических данных [7, 49], но они в своем большинстве одноязычные и не всегда обеспечивают точную эквивалентность. Одна из основных причин отсутствия таких словарей – сложность составить исчерпывающий глоссарий, а также – сложность для лингвиста найти эквивалентность для областей, не имеющих ничего общего с его специальностью: право, медицина, биология, сельское хозяйство, инженерия, авиация и т.п. Кроме того, словари специализированной лексики (особенно – технической) довольно быстро устаревают. Техническая терминология пополняется и развивается каждый день, с учетом того, что профессиональные области, к которым она принадлежит, наиболее постоянно подвержены инновационному развитию. Открытия и инновации имеют место каждый день, и язык должен идти в ногу со временем [8, 625]. Будучи одним из основных языков технологического прогресса (наряду с английским и китайским), русский язык очень быстро обновляет ту часть своей лексики, которая касается технологического и технического прогресса. Естественно, преподаватель русского языка в техническом вузе не может за сравнительно короткий курс включить в процесс обучения все термины той или иной технической специальности (согласно статистическому исследованию, в среднем каждая техническая специальность обладает актуальным активным специализированным вокабуляром в количестве 5000 терминов [9, 88]). Таким образом, перед преподавателем русского языка в техническом вузе ставится задача подбора такого объема терминологической лексики, который можно изучить в данных временных рамках, а также достаточного чтобы сформировать достаточную коммуникативную компетенцию, т.е. способность студента понимать и поддерживать беседу на профессиональную тему. Преподаватель не может предложить студенту все термины и все эквиваленты, а студент не может усвоить всю выданную информацию, но важно, чтобы студенты понимали, что есть стратегии, которые они могут использовать, чтобы выбрать наиболее подходящий вариант в конкретной ситуации.

III. Методика и специфика использования терминологии в обучении языку в технических вузах. Уроки русского языка в неязыковых вузах или факультетах должны основываться на корпусе аутентичных текстов по соответствующей тематике и тщательно отобранных в соответствии с уровнем учащихся, как с точки зрения языковых навыков, так и с точки зрения их знаний в собственной области исследования [10, 35]. Например, студенты первого курса технических вузов ещё не обладают достаточно глубокими знаниями по конкретной специальности, поэтому преподаватель русского языка может предоставить в аудитории более простые и общие тексты, включающие широкие знания в этой области. Даже такие тексты будут содержать большое количество специализированных терминов.

Преподаватели русского языка в технических вузах могут, естественно, чувствовать себя неуверенно из-за отсутствия специальных знаний, поскольку они не могут хорошо разбираться в физике, технологиях производства или сельскохозяйственной технике, но они могут изучать и постепенно накапливать опыт в этих областях и использовать его при составлении программы и подборе учебных материалов для своих студентов. В любом случае, преподавателю русского языка в технических вузах необходимо иметь как минимум базовые знания в данной области, иначе терминологическая эквивалентность, которую они дают в аудитории, может оказаться ошибочной. Использование готовых материалов – простое и экономящее время решение, но чаще всего при обучении языку необходимо предоставить какие-либо дополнительные материалы. Кроме того, готовые материалы могут содержать лексическое содержание, которое не является достаточно сложным или достаточно специализированным для определенной категории учащихся [10, 36].

Не менее важно обучить студентов определенным «приемам», которые могут помочь им понять и использовать новые термины, которые не были охвачены во время занятий, а именно, как правильно комбинировать слова и формировать словосочетания, или как распознавать различия в написании терминологии на родном (узбекском) и на иностранном (русском) языках. Фактически, это означает обучение их навыкам и стратегиям, которые помогут им самостоятельно справляться с новыми языковыми ситуациями в специализированной области.

Видный ученый в области объясняет этот момент следующим образом: «Наука создала искусственные языки, в которых используются систематические особенности естественного языка и его потенциал для использования в качестве системы классификации. Эти искусственные языки обычно связаны с одним или несколькими естественными языками. Например, русская терминология в области информатики основана на английском языке, но в значительной степени русифицирована. Терминологические системы строятся на основе сужения функций естественного языка, а пользователям языка предоставляются правила для правильной реализации таких систем [10, 39]. Имена или термины, полученные в результате применения этих правил, составляют международный инструмент письменного общения. Продуктивность здесь заключается в регулярности процессов, которые управляют объединением элементов друг с другом и их созданием при помощи аффиксов.

IV. Результаты и рекомендации. В целом, анализ опыта преподавания русского языка как иностранного в технических вузах, позволил выявить определенные закономерности и разработать некоторые рекомендации. Так, рекомендуется сфокусировать программу курса на нескольких центральных темах, имеющих отношение к данной области. Центральные темы предварительно необходимо тщательно продумать, конкретизировать или обобщить, в зависимости от выделенной на курс часовой нагрузки. Кроме того, центральные темы обязательно должны содержать большую часть соответствующей лексики, которая понадобится учащимся, и поддерживать баланс между узкоспециализированными и общепрофильными терминами. Принимая во внимание длительность и объём курса русского языка в технических вузах Узбекистана, преподаватель обычно имеет возможность охватить не больше 10-12 центральных тем за семестр.

По каждой теме преподаватель может сделать свои разработки, но рекомендуется обязательно включить в одну из первых этапов занятия работу студентов с аутентичным текстом, взятым из энциклопедии или других специализированных источников с более широким охватом темы. Это позволит студентам одновременно получить наиболее легкий с терминологической стороны материал, в то же время наметить более узконаправленный ориентир согласно своей будущей профессии.

Наиболее распространенным видом задания является определение студентами специализированных технических терминов из текста и их подчеркивание. При выполнении этого задания студенты могут работать в парах. Сначала они подчеркнут те слова, которые кажутся научными, а также те термины, которые им не понятны. Общей проблемой на данном этапе является определение различий между узкоспециализированной лексикой и общей лексикой (словами, которые не относятся к предметной специальности, но которые регулярно встречаются в технических текстах). Так, студенты будут подчеркивать все термины, которые кажутся им техническим, и, поскольку некоторые из терминов будут встречаться почти в каждом последующем тексте, в какой-то момент студенты начнут легко их узнавать и понимать, и даже перестанут их подчеркивать, так как их значение уже для них известно. Выделенные студентами термины обсуждаются на каждом занятии, объясняются преподавателем, используются при составлении собственных предложений. Таким образом, у студентов постепенно формируется активный терминологический запас, который позволяет им участвовать в процессе общения по общим вопросам специальности на русском языке.

Другой тип учебной деятельности направлен на получение более глубоких знаний русскоязычных эквивалентов узкоспециализированных технических терминов – собственно перевод. Задания по переводу терминов – это не только один из наиболее универсальных типов учебной деятельности на занятиях по русскому языку в технических вузах, но и настоящий вызов для студентов-филологов. Даже для студентов-филологов задания по переводу обычно представляются довольно трудными, а для учащихся технических вузов такие задания усложняются обилием профессиональных терминов. Сначала, студенты составляют список всех подчеркнутых в тексте незнакомых технических терминов, потом они пытаются выполнить перевод, подобрать эквиваленты в узбекском (если перевод выполняется с русского) или русском (если перевод выполняется с узбекского) языках. Стандартно наблюдаемая в этом случае тенденция у студентов, особенно при низком уровне владения русским языком – переводить дословно или использовать заимствованный перевод и не беспокоиться о том, подойдет ли конкретно этот выбранный термин в данном контексте или ситуации. Вторая наиболее часто наблюдаемая ошибка – нарушение грамматической структуры русского языка, так как студенты переводят дословно и переносят правила родного (узбекского) языка в грамматическую конструкцию изучаемого (русского) языка.

Очень часто студенты технических вузов и факультетов интуитивно понимают многие специализированные термины, но найти для них точный и правильный эквивалент не так просто. Задание по поиску эквивалента рекомендуется проводить в форме обсуждения, в ходе которого преподаватель может напомнить студентам, что они в действительности уже знают обсуждаемый термин, указать на признаки, по которым можно выбрать наиболее подходящий эквивалент. Обсуждение - это средство пробудить память студентов, установить связь с их специализированными знаниями. Этот тип учебной деятельности пробуждает скрытую информацию, и многим студентам он нравится, так как они самостоятельно находят правильный ответ (положительная мотивация).

V. Заключение. Использование терминологии при формировании коммуникативной компетенции является одним из важнейших аспектов в преподавании русского языка студентам технических специальностей. Обучение терминологии и поиску соответствующего эквивалента – довольно сложная задача, хотя при использовании правильно подобранных материалов и методов она может оказаться приятной и эффективной. Несмотря на то, что преподаватель русского языка не является инженером-технологом, при обучении специализированной терминологии необходимо помнить, что некоторые методы лингвистики позволяют обучить студентов определенным методам и стратегиям, которые позволят им правильно подбирать перевод, а также в будущем самостоятельно разбираться с задачей понимания и перевода новых терминов в своей области.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Арутюнов А.Р. Теория и практика создания учебника русского языка для иностранцев. – М.: Русский язык, 2010. – 166 с.
2. Воронина А.В. Коммуникативный подход к обучению русского языка как иностранного. // Диссертация на соискание степени кандидата педагогических наук. – Киев, 2018. – 207 с.
3. Гайдамака Г.Г. Тестовый контроль уровня сформированности коммуникативной компетенции по русскому языку студентов национальных групп неязыкового вуза. – М.: МГОПИ, 2012. – 221 с.
4. Горина В.А. О системном подходе к анализу коммуникативной компетенции. // Сборник научных трудов. Выпуск 304. – М.: МГПИИЯ им. М. Тореза, 2008. – С. 4-11.
5. Даниленко В.П. Лексико-семантические и грамматические особенности слов-терминов. Исследования по русской терминологии. – М.: Научное издательство, 2011. – 211 с.
6. Кручинина Г.А., Патяева Н.В. Формирование профессионально-иноязычной компетентности студентов инженерно-строительных специальностей в контекстном обучении. – Нижний Новгород: ННГАСУ, 2012. – 104 с.
7. Матухин Д.Л. Особенности развития коммуникативных компетенций студентов нелингвистических специальностей. // Язык и культура. – 2011. №2(14). – С. 43-55.
8. Сергеевнина В.М. Из опыта составления учебных терминологических словарей для студентов неязыковых вузов. // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. – 2011. №6(2). – С. 624-627.
9. Харин С.К. Интернационализация технической терминологии. Современное положение и перспективы. – М.: МГУ, 2018. – 130 с.
10. Щукин А.Н. Методика преподавания русского языка как иностранного. – М.: Высшая школа, 2003. – 334 с.

УЎК: 811.512.133

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДА ШИРИНСЎЗЛИК, МУЛОЙИМЛИК, ДАҒАЛЛИК МАСАЛАСИ

А.А. Ахроров, ўқитувчи, Гулистон давлат университети, Гулистон

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек мақолларида нутқ маданияти, мулоқот одоби, муомала маданияти масалаларининг ифодаланиши, уларнинг ичида алоҳида гуруҳ сифатида олиши мумкин бўлган ширин сўзлик, мулойимлик, дағаллик ҳақидаги мақолларнинг комил инсон тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти кенг ёритилган.

Калим сўзлар: нутқ маданияти; муомала маданияти; мулоқот одоби; комил инсон; ширинсўзлик; мулойимлик; дағаллик.

Аннотация. В данной статье широко освещается роль и важность исследований в области речевой культуры, этики общения, культуры общения на примере групп слов, выражающих готовность к общению, вежливость или грубость в узбекских пословицах, а также роль и важность пословиц в воспитании всесторонне развитой личности.

Ключевые слова: речевая культура; культура общения; этика общения; гармоничная личность; общительность; вежливость; грубость.

Abstract. The following article widely enlightens role and importance of expressing problems of speech culture, ethics of communication, communication culture in Uzbek proverbs, also role and

importance of proverbs in growing up ideally developed person, which can be taken into separate groups such as communicativeness, politeness and rudeness.

Keywords: *speech culture; communication culture; ethics of communication; harmonious person; communicativeness; politeness, rudeness.*

I. Кириш. Тилнинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий функцияси, табиати, ундан фойдаланиш, нутқни шакллантириш, нутқ жараёнида тил бирликларидан фойдаланишга эътибор, муомала, мулоқот самарадорлигини таъминлаш, маъданий, нутқи шаклланган шахсларни тайёрлаш, комил инсонни тарбиялаш каби масалаларни ёритиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидандир. Мақоллар халқ тажрибасидан ўтган воқеа ҳодисаларнинг сўздаги ўзгармас ифодаси, десак, муболага бўлмас. Мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибаси умумлашган бадиий, образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўзларга айтилади. Мақол ўзбек тилида “мақол”, тожик тилида “зарбулмасал”, рус тилида “пословица”, арабларда “нақл”, турк тилида “ата сўзи” атамаси билан юритилади. Мақол атамаси арабча قول – қавлун – гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган. “Мақолларда сўз қиммати алоҳида ёрқин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қолиплашган ҳолда намоён бўлади” [8, 1].

Тилнинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий функцияси, табиати, ундан фойдаланиш, нутқни шакллантириш, нутқ жараёнида тил бирликларидан фойдаланишга эътибор, муомала, мулоқот самарадорлигини таъминлаш, маъданий, нутқи шаклланган шахсларни тайёрлаш, комил инсонни тарбиялаш каби масалаларни ёритиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидандир. Албатта, сўзлашув маданияти, мулоқот одоби, муомала маданияти муаммоларига, шунингдек, намунали нутқ тузиш малакасини эгаллаш каби инсон фаолияти борасидаги нозик муаммоларга жуда қадимдан алоҳида эътибор қаратилгани маълум. Миллий истиқлол ғоясини ватандошларимиз онгига сингдириш, юрт-ватан келажиги ёш авлодни комил инсон қилиб шакллантиришдек улуғ мақсадлар ва вазифалар давлатимиз дастури даражасига кўтарилди.

II. Тадқиқот методлари. Мавзусини ёритишда қиёслаш, тавсифлаш, таснифлаш, матний таҳлил, лексик-семантик, қисман статистик таҳлил, далиллаш методларидан фойдаланилди.

III. Эришилган натижалар. Сўзлашиш маданиятини, бой тилимиздан мақсадга мувофиқ фойдалана олиш малакасини эгаллаш, нутқий фаолиятда адабий тилнинг қонун-қоидалари, меёрларига амал қилган ҳолда, шунингдек, миллатимиз менталитетини ҳисобга олиб туриб, қабул қилинган урф-одатлар доирасида тўғри, тушунарли, аниқ, мантиқли, жуяли, тасирчан нутқ (ёзма ва оғзаки) малакасини эгаллаш инсоннинг маданийлик даражасини, қомиллигини билдирувчи, белгилаб турувчи бош хусусиятдир [1, 71]. Б. Каримов, Ш. Ризо, Ў. Азимов, Ў. Холматов, Ҳ. Зариф, М. Афзалов, С. Иброҳимов, С. Худойберганов, Р. Жуманиёзов, М. Аҳмадбоева, Э. Сиддиқов, Т. Мирзаев, К. Имомов, Ғ. Жаҳонгиров, С. Қосимов, З. Хусаинова, Б. Саримсоқов, А. Мусақулов, М. Жўраев каби ўнлаб олим ва зиёлилар халқ мақолларини тўплаш ва ўрганишда фаол иштирок этдилар. Сўзлашув маданияти, мулоқот одоби, муомала маданиятида тўғри, тушунарли, аниқ, мантиқли, жуяли, тасирчан нутқ бўлиши учун, албатта, нутқда ширин сўзлилиқ, мулойимлик бўлиши лозим бўлади.

Халқимизда мақоллар талайгина. Мақолларни тасниф қилишнинг бир турида мазмун етакчи ҳисобланади. Унга кўра Ватан, меҳнат, халқ, илм-ҳунар, мардлик, меҳмон, тадбиркорлик, муҳаббат ва вафо, яхши сўз – жами 30 га яқин мавзулар қайд этилган. Масалан, *Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин; Чиройли бўлгунча, чиройли сўзинг бўлсин* [6, 27]. Бу икки ўзбек халқ мақоли бир-бирига вариантдош, бир-бирини тасдиқловчи, тўлдирувчи, бир-бирига оҳангдош мақоллар бўлиб, кишиларни ёқимли, чиройли сўзлашга, мулоқотга киришишга даъват этади. Ёқимли, мулойим, ширин сўзлашнинг нақадар аҳамиятли эканини билдиради. Ёқимли, ширинсухан бўлмаган одамга нисбатан мутафаккир А. Навоий қуйидаги фикрни назмда қуйидагича ифодалайди:

*Ғунча оғизли санам нўш лаб,
Сўздин агар айласа ҳомўш лаб.
Сурат ила бўлса маҳи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.*

(Агар бирор санам осмондаги ойдек чиройли бўлса-ю, нутқ каби неъматдан маҳрум бўлса, ундай чиройнинг девордаги суратдан фарқи қолмайди – “Ҳамса”дан);

“Вақтида ўринли айтилган ёқимли сўз фақат ғариблар учун эмас, ҳамма учун ҳам яхши совғадир” [5, 72].

Шу ўринда яна бир халқ мақолини келтириб ўтаемиз: “Бир калима ширин сўз қилишни қинга киргизар”. Бу мақолнинг функционал маънодоши сифатида халқимиз: “Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан муслмон динидан”; “Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар” кўринишидаги вариант мақоллар ҳам яратилган. Баъзи одамлар борки, ўзлари басавлат, эҳтимол, хуник ҳам, овоздор дағалга ўхшаб кўринишади, бироқ бошқалар билан суҳбатлашганда ёқимли муомалада бўлади.

Алишер Навоидан Муқимийгача, Чўлпондан Ўткир Ҳошимовгача ўз асарларида фикрни ихчам ва тушунарли ифодалаш мақсадида мақол матнидан айнан фойдаланганлар. 1) “Масалдурким уйқу ўлимдир” (Алишер Навоий). 2) “Отнинг ўлими, итнинг байрами” (Абдулла Қаҳҳор).

Профессор, тилшунос, шоир, Фарғоналик олим Сиддиқ Мўмин ўзининг “Сўзлашиш санъати” китобида “Ассалуму алайкум” иборасининг туб маъноси яратилиш сабаби, этимологияси, қўлланишлари ҳақида “Сўз саломдан бошланади...” сарлавҳадаги мақоласида батафсил тўхталиб ўтади, ажойиб, қимматли фикрларни айтиб, тўғри саломлашишнинг қанчалик қимматга эга эканлигини қайд этади. Олимнинг бу китобини, аслида, тўлалигича мулойим сўзлаш, ёқимли гапириш, ширинсуҳан бўлиш ҳақидаги қомус дейиш мумкин. Китоб сарлавҳаларига эътибор қаратайлик: 1) “Яхшининг сўзи-мой...”; 2) “Яхши сўз-мухтасар”; 3) “Суҳбатга тайёрмисиз”; 4) “Ким билан гаплашасиз”; 5) “Сўз саломдан бошланур”; 6) “Бирини ака дегим, бирини ўртоқ...”; 7) “Сен” дейинму “Сиз” дейин?; 8) “Энг яхши дори”; 9) “Сотувчининг сеҳирли сўзи”; 10) “Бошқача қилиб айтинг”; 11) “Англа талаффуз қадрини” каби мақол кўринишидаги, мақолсимон иборалардан ташкил этган бу китобда ривоятлар, мақоллар, ҳаётий воқеа-ҳодисалар, донолар фикрлари – ҳикматлар – умуман олганда, ҳақиқатан ҳам, суҳбатдош билан, барча одамлар билан: эрми-хотинми, каттами–кичикми, оддий ишчи–хизматчими ёки раҳбарми, бойми-калбағалми қақбий назар, ишда, оилада, мактабда, бошқа жойларда, иложи борича ҳар қандай вазиятда, айниқса, беморлар билан, ғариблар билан ёқимли, ширинсўзликда, мулойим мулоқотда бўлиш ҳақида далилланган салмоқли фикрлар айтилган [2, 97].

Масалан, “Энг яхши дори” мақоласи Абу Али ибн Сино фикрини келтириш билан бошлайди: “Шундай ҳолатлар бўладики, уларни фақат сўз билан даволамоқ зарур”. Яқинда бир журналда “Беморларнинг 65% сўз билан, ширин муомала билан, 30% ўсимликлар, дори-дармонлар билан, 10% жарроҳлик билан даволанади”, - дейилган. Бу гапни ҳам Ибн Сино айтган экан. Адиб Сиддиқ Мўминнинг юқоридаги китобини яхши ўқиб-ўқиб олган ҳар бир киши айтиш мумкинки, “Барча соҳалар бўйича тараққиётга 65% ҳолатда яхши муомала, ширин, ёқимли сўз орқали эришилади, 30% билим, техника, бошқа воситалар билан эришилади, 10% ёки 5% га иқтидор билан эришилади”, - дейиш мумкин. Боринки, фоизлар миқдори сал бошқачароқ бўлган тақдирда ҳам, барибир, айтиш мумкинки, мулоқот, муомала, халқимизда нутқ маданиятининг юксак даражада бўлиши, биринчидан, умуммаданиятнинг юксалишини, иккинчидан, мамлакатимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам бошқа жиҳатлардан раванг топишини таъминлайди. Ў. Носиров таъкидлаганидек: 1) Нутқ маданияти кишиларнинг умуммаданиятини юксалтиришда, янги авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эга; 2) у ёки бу фикрни қандай ифодалаш-қандай воситалардан, қандай ўринлардан фойдаланишни билиш малакасига эга бўлиш одамларни жипслаштиради, фаолият самарадорлигини оширади [4, 115]. Шундан келиб чиқиб, муаллиф қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтади: 1) нутқ маданияти бирор тилда тўғри сўзлаш ва ёзишдир; 2) нутқ маданияти фикрни содда, аниқ, тушунарли ифодалашдир; 3) нутқ маданияти тилнинг тасвирий воситалари ва образли воситаларидан унумли, ўз ўрнида фойдалана билишдир; 4) Нутқ маданияти нутқнинг қисқалиги, ихчамлиги, аниқлиги, миллийлигидир; 5) нутқ маданияти нутқнинг жўялилиги ҳамдир [4, 117].

Фикрларда тўғри таъкидланганидек, нутқ маданиятида нутқнинг тўғри, аниқ, тушунарли бўлиши асосий шартлардан эканлиги аниқ. Бироқ булар нутқий маданиятликнинг айрим жиҳатлари, холос. Нутқий маданиятнинг қайд этилган белгиларидан қолишмайдиган яна бошқа асосий белгиларидан бири (улар кўп) хушмуомалалик, мулойимлик, ширинсўзлик, ёқимли, таъсирли, мантқили, рост гапиришлик кабилар ҳамдир. Нутқий фаолиятдаги маданийлик, айниқса, ана шу кейин қайд этилган белгиларда кўпроқ намоён бўлади. Масалан, ўқитувчи, тўғри, аниқ, тушунарли гапириш жуда маъқул. Бироқ у тарбия сифатида мулойим, хушмуомала, ширин сўз бўлиши ҳам керак. Бу хусусият, кўпроқ унинг маъданий шахс

эканлигини билдиради. Унга қўпол, дағал гапириш хушмуомала бўлмаслик ётдир. Ҳамма соҳа вакиллари ҳам шундай бўлишига ҳақарак қилиши муҳимдир. Халқ, донишмандлар томонидан ярилган мақолларда, айниқса, мана шу белгига катта эътибор қаратилгани бежиз эмас: 1) *Ширин сўзим – ризқу рўзим*; 2) *Ширин сўз – шакардан ширин*; 3) *Ширин сўз киши душманни ҳам дўст қилади*; 4) *Ширин сўз ҳаммага ёқар, ёмон сўз (тўнг сўз) кимга ёқар*; 5) *Сиз ҳам бир оғиздан чиқади, сен ҳам*; 6) *Сўз суякдан ўтар, таёқ этдан*; 7) *Сўз яхши одам тилида кундан ёруғ, ёмон одам тилида тундан қора*; 8) *Тилингда бўлса болинг, кулиб турар иқболинг*; 9) *Тили шириннинг дўсти кўп* [7, 32]. Мана бу мақолларда ҳам, яхши гап, яхши муомалаликнинг самарадорлиги ҳақида фикр берилган: 1) *Яхши сўз филни ҳам йўлга солар*; 2) *Яхши сўз – кўнгил подшоиси*; 3) *Яхшининг сўзи қаймоқ – ёмоннинг сўзи тўқмоқ*; 4) *Яхши муомалага туя ҳам чўқади ...* Бу мақоллар фақат ёшларни эмас, балки жамиятнинг барча аъзоларини умуммаданиятининг ажралмас таркибий қисми бўлган нутқий маданият борасида юксакликка чақиради.

Фақат таълим тизимидагина эмас, инсон фаолиятининг барча турларида, барча ўринларида яхши муомалада, самимий муносабатда, ёқимли сўзлаш, мулойим бўлишнинг катта куч эканлигини ана шу мақолларда аниқ кўриш мумкин. Қайд этилган мақоллар инсон маданиятининг, жамият маданиятининг юксалиши учун хизмат қилса, куйида келтирилган халқ мақоллари ёмон гап, дағал гап гапиришнинг оқибатларини, ёмон муомала, ёқимсиз сўз инсонни жамият аъзоларини тубанлик томон, жохиллик томон етаклаш мумкинлигини ифодалайди: 1) *Ёмон гап елдиришдай тез ёйилади*; 2) *Ёмон гап тарсакидан ёмон*; 3) *Ёмон гап ернинг тагида уч кун ётар*; 4) *Ёмон гап бошга бало*; 5) *Ёмон гапдан тилингни тий, текин ошдан нафсингни*; 6) *Ёмон сўзнинг қаноти бор*; 7) *Ёмон тил ё жонга ургай, ё имонга*; 8) *Гапи тўмтоқнинг ўзи тўмтоқ*; 9) *Ўзи совуқнинг сўзи совуқ, Сассиқ оғиздан, сассиқ сўз чиқар ...*

Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул қулуб” асаридаги “Табиблар зикрида” фаслида айтилган куйидаги фикрга эътибор берайлик:

*Ҳозик табиби хушгўй тан ранжига шифодур,
Омию Тунду бадхўй эл жонига балодур.*

(*Ширин сўз табиб тан тардига даводир, омию қўпол ва бадфеъл табиб эл жонига балодир*) [3, 55]. Алишер Навоийнинг бу байти юқорида келтирилган мақолларда қайд этилган фикрларни хулосалайди.

*Эй сўз не бало ажаб гуҳарсен,
Гавҳар неки, баҳри мавжварсен.
Гар сўз била элга жон бағишлаб,
Бир сўз била гаҳ жаҳон бағишлаб.
Берур ул бир ўликка жон сўзидин,
Тан аро киргизур равон сўзидин.*

IV. Хулоса. Халқ мақолларида нутқ маданияти, мулоқот одоби, муомала маданиятига алоқадор деярли барча масалалар камраб олинган (барча масалаларга алоқадор ибратли фикрлар ўз ифодасини топган). Айниқса, ўйлаб гапириш андиша билан сўзлаш, кўп тинглаш, ўринсиз гапирмаслик, эзмалик қилмаслик, сукут сақлашни билиш, мулойим сўзлаш, ширинсўз бўлиш, рост гапириш, одоп билан сўзлаш, аниқ, лўнда гапириш, тилга эҳтиёт бўлиш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилганлиги ва бу борада ҳали қилиниши лозимлиги бўлган ишлар талайгина эканлиги фикримизни хулосалайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремнологик лўғати. – Т: Ўқитувчи, 1984. – 235 б.
2. Мўмин С. Сўзлашиш санъати. – Фарғона: ФарДУ, 1997. – 97 б.
3. Навоий А. Маҳбуб ул қулуб. – Т: Ўқитувчи, 2018. – 201 б.
4. Носиров Ў. Нутқ маданияти ва давр. Нутқ маданиятига оид масалалар (ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган. // Республика тилшунослик конференцияси материаллари. – Т, 1973. – 120 б.
5. Тожиев Ё. Ўзбек нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т: Фан, 1994. – 130 б.
6. Ўзбек халқ мақоллари. Академик нашр. – Т, 1987-1988.
7. Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли лўғати. – Т: Фан, 1990.
8. <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar/867-uzbek-xalq-ogzaki-ijodi>

ИДИОМА ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

Г.Х. Бегматова, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада баъзи идиомаларнинг этимологиясига доир муаллиф кузатишлари баён этилган. Идиомаларнинг пайдо бўлишида тарихий, маданий ва бошқа омилларнинг ўрни ҳақида фикрлар билдирилган.

Калим сўзлар: идиома, маданият, этнография, идиомалар этимологияси, мифология.

Аннотация. В данной статье описаны авторские наблюдения по этимологии некоторых идиом. Были высказаны мнения о роли исторических, культурных и других факторов в возникновении идиом.

Ключевые слова: идиома, культура, этнография, этимология идиом, мифология.

Abstract. This article describes the author's observations on the etymology of some idioms. Opinions have been expressed about the role of historical, cultural and other factors in the emergence of idioms.

Keywords: idiom, culture, ethnography, etymology of idioms, mythology.

Идиома миллий ўзига хосликни билдирган бирлик сифатида халқнинг бошқа миллатларнинг дунёни тасаввур қилишдаги лисоний манзарасини ифодаловчи воситасидир. Тилшунос Ш.Т.Махмараимованинг таъкидлашича, ҳар қандай маданият тилда намоён бўлади, тилда ўзининг моддий қобиғини топиш билан бирга, атроф-муҳит таъсирида тараккий қилиб ўзгариб боради. Турли миллатлар маданияти бир-биридан воқеликни моддий ва маънавий ўзлаштиришдаги фарқи жиҳатидан ажралиб туради [3]. Мана шу жиҳат тилдаги миллий фразеологик бирликлар ва идиомаларни юзага келтиради. Россиялик филолог Тер-Минасова тилни маданият сақлайдиган хазинага қиёслайди. Унинг таъбирича, тил маданий қадриятларни ўз таркибидаги лексика, грамматика, идиоматикада, мақолларда, халқ оғзаки ижодида, бадиий ва илмий адабиётларда, қолаверса, оғзаки ва ёзма нутқда сақлаб келади [9].

Идиома таржимада бошқа тилдаги муқобилини талаб қилувчи фразеологик чатишма ҳисобланиб, уни тушуниш учун мазкур бирликнинг этимологиясини, келиб чиқиш тарихини ҳам ўрганиш талаб этилади. Ваҳоланки, идиомалар таржимасидаги бу мураккаблик турли тематик гуруҳларга таснифланувчи қатор омиллар эвазига юзага келади.

Идиома одатдаги эркин сўз бирикмаларидан семантик асосларни аниқлаш ва асослашнинг мураккаблиги билан ажралиб туради. Масалан, миллий маданиятимизда эътиқодий қарашлар, диний ривоятларга алоқадор тушунчаларни ифодаловчи *Кўҳи Қофдан топ, Даққи Юнусдан қолган* сингари бирикларнинг келиб чиқиш тарихи шаърий қарашларимизнинг асосларини ўрганиш орқали аниқланади. Бу тоифадаги идиомалар кундалик истеъмолдаги “*икки қўлини бурнига тиқиб*”, “*бутун маҳаллани бошига кўтармоқ*” каби бириклардан этимологик исботлаш, асослаш қийин бўлган бириклар экани билан фарқланади.

Идиомаларнинг тил тизимида пайдо бўлишига доир ҳолатларни тадқиқ этиш дунё тилшунослари томонидан ушбу турғун бирикмаларнинг турли мавзуй гуруҳларга ажратилишига олиб келган. Жумладан:

- диний асосларни ифодаловчи идиомалар (Муқаддас Қуръон оятлари, мусулмон эътиқодига мансуб шаърий қарашлардан таркиб топган идиомалар; инжил сюжетлари билан боғлиқ идиомалар – библеизмлар);

- муайян ижодкор фаолиятига алоқадор идиомалар;

- соматик тушунчаларни ифодаловчи идиомалар;

- “хайвон” семантик компонентли идиомалар;

- маиший буюмларни ифодаловчи идиомалар;

- таом, егулик номларини ифодаловчи идиомалар;

- мифологик асосга эга идиомалар.

Диний асосларни ифодаловчи идиомалар. Бу гуруҳга мансуб идиомаларнинг келиб чиқиши бевосита эътиқод ва диний қарашлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уларнинг этимологиясида шу мавзуга мос воқеалар мужассамлашган. Хусусан, бу гуруҳга мансуб “*Даққи Юнусдан қолган*” идиомасини мисол қилиш мумкин ва у ислом динида машҳур бўлган афсона ва ривоятлар асосида ҳосил бўлган идиомалар қаторига киради. Идиоманинг этимологиясига доир икки хил вариант мавжуд.

Жумладан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу луғавий бирликка қуйидаги иллюстратив таъриф берилган.

1) Дақёнус[а<лат]:дақёнусдан қолган. 1)қадимдан, алмисоқдан қолган, жуда эски, қадимий;

2) жуда ҳам эскириб кетган.

Алмисоқдан қолган идиомаси. ЎТИЛда қуйидаги таърифда Алмисоқ [а]: алмисоқдан бери (ёки буён) жуда қадим замонлардан бери. Алмисоқдан қолган қадимги замондан, дақёнусдан қолган, жуда эски.

Ислон дини таълимотида “*Алмийсоқ*” (*Алмисоқ* варианты ҳам мавжуд) тушунчаси ҳам бор бўлиб, бу одамларнинг Аллоҳ Таоло ҳузуридаги ваъдаси, унинг бир ва борлигига келтирилган иймон билан шарҳланади. Яъни қачондан бери мусулмонсан, деб сўралганда, “*Алмийсоқдан бери*” дея жавоб бериш фарз ҳисобланади.

Инжил сюжетлари билан боғлиқ идиомалар – библеизмлар. “Библеизм” - “Библия” диний китобидаги афоризмлар, фразеологизм ва идиомаларга нисбатан ишлатиладиган бирликлар ҳисобланади. Уларга қуйидаги ибораларни мисол қилиш мумкин.

Thirty pieces of silver – ўттиз танга, хоинлик ва сотқинлик нархи мазмунида ишлатилади. Исо Масихни 30 тангага сотиб юборган Иудия қавми ҳақидаги Евангелиядан парчага ишора.

Wash one's hands (of something) – қўлларни ювоқ, жавобгарликдан озод бўлиш. Диний қўл ювиш маросими бирор кимсанинг чўқинтирилиши билан боғлиқ жараёнга ишора. Иборанинг маъноси Понтий Пилат ҳақидаги афсонага бориб тақалади, унга кўра Пилат Исо Масихни қатл қилишга қайта олиб келган ва қатл маросимидан олдин қўлларини ювган: *he took water and washed his hands before the multitude, saying I am innocent of the blood of this just person: see ye to it.*

Муайян ижодкор фаолиятига алоқадор идиомалар. Инглиз фразеологиясида қўлланилиш даражасига нисбатан библеизмлардан сўнг иккинчи ўринда турувчи идиомалар. Мазкур гуруҳ идиомалари қаторига алоҳида олинган ижодкор фаолиятига алоқадор идиомаларни мисол қилиш мумкин. Хусусан, бу тоифадаги идиомалар мундарижаси муайян шахсларнинг ижодиётига тааллуқли бўлиб, улар давр ўтиши билан илк англатган маъносидан узоқлашиб, бошқа маънони ифодалашга хоҳланади, яъни “иккинчи ҳаётини бошлайди”. Масалан, инглиз идиоматикасида “шекспиризмлар” деб ном олган, инглиз драматурги ва ёзувчиси Уильям Шекспир асарларида учрайдиган машҳур жумлалар билан семантик алоқада яшаб келаётган турғун бирикмаларини олсак. В.М.Коваленко ўзининг инглиз тилида шекспиризмларнинг аҳамиятига бағишланган мақоласида бу турдаги фразеологик чатишмаларнинг аксарияти сўзлашувда ишлатилиб, ёзма нутққа тегишли эмас деган хулосага келади, ammo шу мақоланинг ўзида ўз фикрига қарши чиқиб, инглиз тилидаги кўпгина фразеологик бирликлар бадий адабиёт эвазига юзага келган деган фикрни илгари суради. Шунингдек, тилшунос олим инглиз тилидаги шекспиризмларнинг 100 дан ортиқ эканлигини таъкидлаб ўтади [4]. Бундан ташқари, Д. Некипелованинг “Шекспир и его вклад в английскую идиоматику” тадқиқотида эса бу рақам 157та эканлиги маълум қилинган ва машҳур “шекспиризмлар” қаторига қуйидагилар киритилган:

The observed of all observers (Hamlet) – умумэтибор марказида;

To the manner born (Hamlet) – туғма кўникмага эга;

Buy golden opinions – ўзгаларда ўзига нисбатан ҳайрат уйғотиш, ўзгаларнинг эътибор ва эътирофига сазовор бўлиш;

A fool paradise – “саробий бахт”, хаёллар дунёси [4].

Қайд этиш керакки, бу тоифадаги идиоматик қурилмалар ўзбек адибларининг ижодида ҳам учрайди. Масалан, Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясида келтирилган *онасини Учқўрғонда кўрмоқ* (ёки *кўрсатмоқ*) идиомаси асар сюжетига киритилган воқеа билан бирга изоҳланади [6]. Унга кўра кетмонтепалик кекса онахоннинг Норин дарёсига сувга тушиб оқиб кетиши оқибатида уни шиддат билан оқаетган дарёдан топишнинг иложи йўқлиги, дарё ўзани фақат Учқўрғонга келиб пасайиши боис яқинлари кидириб юришганда бир чолнинг: “Болам, онангни энди Учқўрғонда кўрасан” деганлари давр ўтиб халқчил мақом касб этган. Англашиладики, “Онангни Учқўрғонда кўрасан” деган гап ўшандан қолган бўлиб, халқ орасида “ҳеч қачон тополмаслик” мазмунида талқин қилинган. Кейинчалик ибора маъноси коннотатив-экспрессив жиҳатдан тараққий этиши эвазига ҳозирда ҳақорат, сўқиш, жазолаш мазмунида ишлатилаётганлигини кузатиш мумкин.

Учинчи гуруҳга **соматик тушунчаларни ифодаловчи идиомалар** мансуб (“соматик” – юн. *σῶμα тана*). Тилшунос Н.И.Скорук омад тилашда қўлланиладиган “*break a leg*” идиомаси

сўзма-сўз “оёқ синдириш” мазмунини англатиши ҳақида маълумот бериб, илк марта бу идиоманинг нашрда пайдо бўлиши 1900 йилларга бориб тақалишини айтади. Ҳақли савол пайдо бўладики, “оёқ синган” ҳолда қандай омад тилаш мумкин? Тилшуноснинг фикрича, турли халқлар этнографиясида омад тилаш билан ёвуз руҳлар ва девлардан огоҳлантириш ўзига хос тескари психологик трюк ҳисобланган [4]. Идиомаларнинг лисоний табиатидан келиб чиқилса, фразеологик чатишма таркибидаги сўзларнинг маъновий жамланмаси у ифодалаган мазмунга умуман боғлиқ бўлмайди. Демак, “break a leg”нинг асл мазмуни ёвуз кучларга панд бериш ва уларни чалғитиш эвазига омад тилаш ҳисобланади.

Тўртинчи гуруҳга **“хайвон” семантик компонентли идиомалар** мансуб бўлиб, бундай идиомаларнинг таркибидаги компонентлардан бири зоонимларни ифодалаб келади. Жумладан, Н.Н.Колобкованинг “Этимология и значение английских идиом с названиями животных” мақоласида келтиришича, “a white elephant” идиомаси қиммат, аммо керак бўлмаган ва ноқулай буюм маъносини билдиради. Муаллиф бу идиоманинг этимологиясини қадимги Сиам (ҳозирги Тайланд) даги кўҳна афсона билан боғлайди. Бунда давлат ҳукмдори томонидан жазоланиши керак бўлган ёки унинг ёмон муносабатига дучор бўлганлар шу ибора билан белгиланганлар. Бундан ташқари, “cat got your tongue” идиомасининг келиб чиқиш тарихи ҳам Яқин Шарқ анъаналари билан боғлиқ. Жумладан, ўтмиш замонларда ёлгон сўзлайдиган кишининг тили кесилиб, ҳукмдор мушугига едирилган. Вақт ўтиб, бу идиома ноҳўя гапириб қўймаслиги учун жим турган кишига нисбатан ҳам ишлатила бошлаган [1].

Бешинчи гуруҳга **маиший буюмларни ифодаловчи идиомалар** киради. Маиший буюмлар инсон турмуш тарзида муҳим воситалар ҳисобланиб, бевосита маданият белгиларини ўзида мужассамлаштиради. “*Бить баклуши*” идиомасининг этимологияси ҳам Қадимги Рус маданияти, турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлиб, ёғоч буюмлар, қошиқ ва идишлар ясашдаги хомашё тайёрлаш жараёнидаги тайёрламага нисбатан айтилган. Бу жараён анча содда технологияли иш бўлганлиги сабабли усталар бу ишга энди кириб келаётган шогирдларни жалб этишган. Кейинчалик *бекорчилик билан шугулланиш* мазмунида ишлатилган.

Ёки *red tape* идиомасини олсак (сўзма-сўз: *қизил тасма, боғич*). Хужжатчиликдаги бюрократия ва сансалорликни ифодаловчи бу бирлик XVI асрда юридик ва расмий хужжатларни бирлаштириб боғловчи қизил тасмага нисбатан ишлатилган: натижада уларни боғламдан олиш қийинлиги туфайли иш юритиш жараёни ва хужжатлар ҳаракатланиши, амалиётга оширилишининг сустигига ишора сифатида пайдо бўлган. Ҳозирда бу бирлик бошқа воқеа-ҳодисанинг билан боғлиқ тўсиқларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Олтинчи гуруҳга **таом, егулик номларини ифодаловчи идиомалар** мансуб. Н.И.Скорук америкаликлар нутқида учрайдиган “*piece of cake*” – (пирог, торт бўлаги) идиомаси ҳақида алоҳида тўхталади ва америкалик шоир Огден Нэшанинг “*Primrose path*” шеърида илк марта “*life's piece of cake*” шаклида қўлланилганлигини, асосан, *ширин ва осон ҳаёт* маъносидан ишлатилганлигини таъкидлайди. Олим инглиз тилида 25.000 дан ортиқ идиомалар мавжудлиги ва деярли барчаси ўзининг этимологиясига эга эканлигини таъкидлайди [4].

Ўзбек тилида ҳам идиоматик қурилмаларнинг мазкур мавзуй гуруҳига мансуб бирликлар учрайди. Шулар қаторида Сурхондарё вилояти ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли нутқидаги “*қўли атала ичган*” идиомасини мисол қилиш мумкин.

Еттинчи гуруҳда **юнон адабиёти ва мифологияси таъсирида пайдо бўлган идиомалар** мавжудки, уларнинг тарихи машҳур миф ва афсоналарга бориб тақалади. Хусусан, бир хил, машаққатли ва умуман охири йўқ ишга нисбатан қўлланувчи *Сизиф меҳнати* идиомасининг этимологияси қадимги юнон шоири Гомер (тахм. мил. ав. IX аср) нинг “Одиссея” достонидаги шу номдаги афсонада келтирилган. “Сизиф меҳнати” Рим шоири Проперций (мил. ав. I аср) томонидан қўлланилган. Бу каби идиомалар қаторига *Ахилл товони* (энг заиф ва кўп яраланувчи тана қисмига нисбатан), *Морфей қучоғи* (уйқу), *Троя оти* (ҳавфли ва ғалвали совға) каби идиомаларни мисол қилиш мумкин. Бу бирликлар миллийлик чегарасидан чиқиб, бутун инсоният ишлатадиган тушунчалар сафига ўтган. Бунга сабаб Юнонистон ва Рим маданияти жуда кўп мамлакатлар ҳудудига тарқалиши бўлса, иккинчи сабаб сифатида маданиятнинг миллий ва умуминсоний гуруҳларга бўлиниши деб ҳисоблаймиз. Гарчи идиомалар миллийлик ва ўзига хосликни ифодаласа ҳам, баъзи тушунчалар умуминсоний маданий бирликлар сифатида бутун инсоният учун тушунарли бўлади.

Изланишларимиз натижасида айрим идиомаларнинг тарихий воқеа асосида вужудга келиши ёки аксинча унинг номи янги тарихий воқеа, ҳодисага асос бўлиши аниқланди.

Жумладан, рус тилидаги *показать кузькину мать* идиомаси ўзига хос ҳарбий пойгани ифодаловчи “совук уруш” ихтироларидан бири бўлган водород бомбаси номини билдиради ва тарихан II Жаҳон урушидан кейин собиқ Иттифок ва АҚШ ўртасидаги сиёсий муносабатларда ишлатила бошлаган. Шунингдек, *казанская сирота* идиомасини рус маданиятида алоҳида ўринга эга бўлиб, унинг этимологияси рус подшоҳи Иван Грозний ҳукмронлик даврига бориб тақалади. Моддий вазияти яхши бўлишига қарамай, вазиятдан унумли фойдаланмоқчи бўлган инсонларга нисбатан ишлатилиб, ўзини қозонлик *етим* кўрсатмоқчи бўлган шахсларга кинояли қарашни ифодалаган.

Унутмаслик керакки, вақт ўтиши билан воқеа унутилиши, аммо унинг миллат маънавиятига кўрсатган таъсири сабабидан мазмуни сақланиши мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, қотиб қолган, мазмуни ва таркибидаги сўзлар семантикаси тубдан фарқланади дея таърифланган идиомалар қачонлардир тарихий асосга эга бўлган. Яъни, идиомалар фақат халқ томонидангина яратилмай, балки аниқ тарихий шахс ва тарихий воқеага асосланиб, кейинчалик ўз маъносини йўқотган бўлиши мумкин. В.А.Маслованинг фикрича, идиома ва фразеологизмлар маълум тарихий воқеа асосида шаклланади: фразеологизм юзага келиши келишидан аввал унга мос прототип вазият юзага келади, сўзларнинг бирламчи маъноси бу образда ўз изини қолдиради. Шу тарзда ички шакл ҳосил бўлади. Ушбу шаклда маданият билан боғлиқ асосий ахборот вужудга келади [2].

Идиомалар маъноси, гарчанд таркибидаги сўзлар маъносидан келиб чиқмаса ҳам, компонентидagi сўзлардан бирининг кўчма маъносига алоқадор бўлади, идиомалар таркибидаги сўзларнинг аташ, бирламчи маъноларининг йўқолиши ва бу луғавий восита билан янги маъно ифодаланиши уларнинг тил тизимидаги ўзига хос ифода воситаси эканлигидан далолатдир. Идиомалар миллатнинг кечаси ва бугунини боғлаб турувчи тарихий кўприқдир, шунингдек, бир даврда яшаб ўтилганларни иккинчи бир замонда қалбдан ҳис этиш имконини берувчи идиомалар нутқда интертекстуалликни вужудга келтириш воситаси ҳамдир. А.К.Ҳамидовнинг фикрича, идиомаларнинг нутқий, лингвопоэтик моҳияти бадиийлик ва эмоциалликни вужудга келтириши асосида таъсирчанликни таъминлаши билан белгиланади [5].

Хулоса шуки, таржима қилиб бўлмайдиган, қотиб қолган ва яхлит структурага эга, этимологияси ноаниқ дея таърифланган идиомаларнинг тарихий ёки адабий прототип вазияти аслида мавжуд бўлган. Аммо вақт ўтиши билан воқеанинг унутилиши ёки ўз аҳамиятини йўқотиши натижасида идиомаларни семантик-этимологик таҳлил қилиш қутилган самарани бермаслиги мумкин. Зеро, идиома семантикасини таркиб топтирувчи тегишли прототип вазият идиоманинг тарихий, маданий, этнографик, иқтисодий- сиёсий тарихига замин яратганини унутмаслик лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Колобков Н. Н. Этимология и значение английских идиом с названиями животных.// Вестник ВГУ. Серия: лингвистика и межкультурная коммуникация. 2017. №4. – С. 82.
2. Маслова В. А. Лингвокультурология: учебное пособие. – Москва: Академия, 2001. – С.62.
3. Махмаранмова Ш.Т. Лингвокультурология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2017.
4. Скорук Н. И. Этимология английских идиом и фразеологизмов: их значение и происхождение// Вестник МИТУ – МАСИ № 1/2018. – С. 96.
5. Ҳамидов А.К. Мурод Мухаммад Дўст асарлари лингвопоэтикаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Қарши, 2020. – Б. 20.
6. Саид Аҳмад. Уфк. Трилогия. Қайта нашр. – Тошкент: Сано-стандарт, 2019. – Б. 631.
7. www.fraze.ru/Мир фразеологизмов.
8. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/idioma-uz/>
9. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация: Учеб. пособие для студентов, аспирантов и соискателей по спец. «Лингвистика и межкультурная коммуникация». – М., 2000. – 262 с

УЎК 81-13

МАҚОЛ, МАТАЛ ВА ИДИОМАЛАР ТАРЖИМАСИДА ЭТНОМАДАНИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРНИНГ САҚЛАНГАНЛИГИ

М.Х. Будикова, ўқитувчи, Андижон Давлат Тиббиёт Институтини, Андижон

Аннотация. Ушбу мақоламизда биз мақол, матал ва идиомалар таржимасида этномаданий ўзига хосликларининг сақланганлигини таҳлил қиламиз. Муаллиф таржима муаммоларининг долзарблигини ўз малакасидан ва кўникмаларидан келиб чиққан ҳолда ёритган.

Калит сўзлар: мақол, матал, образ, асар, қаҳрамон, идиома.

Аннотация. В этой статье описываются взаиморазличия этнокультуроло-гических особенностей, сохранённых при переводе поговорок, пословиц и идиом. Авторы осветили актуальность проблемы перевода исходя из своего опыта и навыков.

Ключевые слова: поговорки, пословицы, образ, произведение, герои, идиомы.

Abstract. Contradistinction of ethnic cultural peculiarities kept in the translation of sayings, proverbs and idioms have been described in this article. Authors noted the topicality of the translation of this point taking into consideration their own skills and experience.

Key words: sayings, proverbs, figure, composition, hero, idioms.

Таржимашуносликнинг долзарб мавзуларидан бири бу бадий асарлар таржимасида этномаданий ўзига хосликларни очиб беришдир. Муаллифлар ўз асарларида ҳар бир халқнинг хулқ-атвори, айнан шу халқга хос бўлган киноя ва қочирмаларни мақол, матал ва идиомалар билан ифодалаб беради. Мақол халқ ақл идрокининг махсули, унинг ҳукми, кўп асрлик тажрибалари мажмуи, турмушдаги турли воқеа ходисаларга муносабатининг ифодасидир. Мақол кундалик ҳаётда, кишиларнинг бир бирлари билан муомилада бўлиши жараёнида туғилади. Халқ мақоли халқнинг мулкидир. Мақол қайғуси халқ қайғуси, мақол ғзаби халқ ғзаби, мақол кулгиси халқ кулгиси ва мақол кинояси халқ кинояси демакдир. Мақол ишлатмаган биронта халқ, мақол ижод қилмаган биронта ижодкор йўқ. "Дунёда тилсиз халқ бўлмагани каби. мақолсиз тил ҳам йўқ", деб айтган татар ёзувчиси Нокий Эсанбат.[1.20]

Мақоллар борки, "ширин" панд насихат қилади, ақл ўргатади - мард ва ботир бўлишга даъват этади;" аччиқ" айбингизни дангал юзингизга айтади, порахўр, муттахам, ёлғончи, ўғри, лўттивоз, икки юзлама, хушомадгуй, лаганбардор, қаллоб одамнинг таъзирини беради аччиқ сўзлар билан пичинг қилади, араз ва киноя аралаш бошлаб адаб беради. Мақол халқнинг панд насихати, маънавий ахлоқий хулосаси, халқ миллий руҳининг аксидир, мақол жуда чуқур ижтимоий мазмунга эга. Шунинг учун ҳам баъзи мақоллар бутун бир асарнинг мазмунини ёритиб туриши мумкин. Масалан, Н.В. Гоголнинг "Ревизор" комедияси учун эпиграф қилиб олинган башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама мақоли драманинг бошидан охиригача жаранглаб туради. Демак, бир мақолнинг мазмуни том - том китобларга татиши билан бирга, ўз навбатида, у том -том китобларнинг мазмуни замирида туғилади. Мақол халқ орасида туғилиб, ота боболар сўзи сифатида авлодлардан - авлодларга мерос бўлиб ўтади. Бу меросни халқ жуда эҳтиётлик билан кўз карачиғидай сақлайди. Халқ мақоллари ҳар бир киши амал қилиши лозим бўлган ахлоқий қоидаларнинг ўзига хос кодексидир.

Ҳар бир мақол ҳам маъно, ҳам шакл, ҳам стилистик функцияси жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Лекин шунга қарамай, ҳамма мақолларда ҳам қандайдир бир умумийлик бор. Аввало, мақол замирида халқ хикмати ётади. Ахмоққа жавоб сукут дейди ўзбеклар; руслар эса дурак ворчит, умный молчит деб айтадилар. Бу мақолларнинг қандай хикмати бор? Ахир, бир ахмоқ ҳақорат қилаверса. бундай пайтда жим туриб бўладими? Ха, жим туриб бўлади, дейди мақол. Нодон одам билан айтишиш осон, бироқ чидам билан сукут сақлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айтувчи ахмоқ бўлса, тингловчи доно керак дейди мақол. Бинобарин, ахмоққа қарата энг оқилона жавоб сукут қилишдир. Юқоридаги мақолнинг мазмуни, хикмати ана шунда. Бундан кўринадики, бир қанча оддий сўз билан таъбир қилинадиган чуқур ахлоқий ғоя қисқа, ихчам бир қолип шаклига кирган. Маълум бир миллатга хос бўлган мақоллар бошқа бир тилга таржима қилинганда уларда илгари сурилган ғоя, хикмат сақланиб қоладими деган саволнинг туғилиши табиий Ўзбекларда нодонга сўзлаган бекор сўзим, ўликка йиғлаган эссиз кўзим деган мақол бор. Руслар дурака учить что мёртвого лечить дейдилар Қанчалик зўр бериб йиғлаганинг билан ўлган одам қайта тирилмаганидек, нодон одамга қанчалик ақл ўргатмагин, у доно булмайди. Бу мақолнинг русча муқобили ҳам худди шундай фикрни олға суради.

Мақол турмушда синалган, маълум эзгу, тугал умумий маъно англатувчи, ихчам бир шаклдаги халқ хикматидир.

Матал нарса ва ходисаларни образли ифодолавчи, тилда кенг ишлатиладиган ибора ва нутқ оборотидир. Матал сўзловчининг ўз нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди. Матал киши хотирасида осонлик билан сақланиб қолади.

Шуни ҳам айтиш керакки, мақол ва маталларда қандайдир бир умумийлик ҳам бор. Бу умумийлик шундан иборатки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам нутқ таъсирчанлигини ошириш, фикрни тайёр нутқ формулалари билан ифодалаш ва уни мазмундор қилиш ниятида ишлатилади. Шунинг учун мақол билан матални бир биридан фарқлаш анча қийин.

Лекин тугал фикрни ифодолавчи мақоллардан маталларни фарқламок керак. Матал

айтмоқчи бўлган фикрни бирор восита орқали ифодаловчи кўчма маъноли содда жумла бўлиб, унда хуласа бўлмайди, балки унинг ўзи бирон хулоса чиқариш учун хизмат қилади. Матал фикрни тугал баён қилмай, балки унга ишора қилади. Масалан "у ахмоқ одам" дейиш ўрнига "унинг бир қайнови кам" дейди; "улар бир бирига жуда ухшайди" дейиш ўрнига "улар бир олманинг икки палласи" ёки "улар икки томчи сувдек" деб айтади.

Идиоматик бирикмаларсиз маълум асарни, ундаги образларни таъсаввур этиш мумкин эмас. Улар конкрет маънодаги немис эквивалентларига қараганда образли характери, мажозий маъно ташиши, экспрессив руҳи билан шубҳасиз устун туради. Бадий асарда қўлланилган мақоллар, маталлар барча образли ифодаларнинг бир тилдан иккинчисига тўғри, асар руҳига монад таржима қилиниши автор услубининг сақлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Юкорида мақол ва маталларга таъриф бериб ўтдик. Идиомани (юнонча *idioma* ўзига хос ибора дегани) таърифлаш эса янада қийинроқ. Буни идиомага берилган таърифнинг хилма хиллигидан ҳам билса бўлади. Шундай таърифлардан бир нечасини келтирамиз: "Идиома ... маълум бир тилга хос, унга ўзлашиб кетган ва бошқа тилга сўзма сўз таржима қилиб бўлмайдиган нутқ оборотидир". "Маъноси айна ибора таркибидаги сўзларнинг мазмунидан келиб чиқмайдиган иборага идиоматик ибора дейилади".

"Маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит холда маъно берувчи, ихчам ибора идиома дейилади".

Идиомашунос олим А.Я.Рожанский бундай ибораларнинг уч асосий белгисини ажратиб кўрсатади:

бирикмаларнинг барқарорлиги (турғунлиги)

бирикмаларнинг мажозий маъно бериши

бирикмаларнинг семантик бутунлиги

Бирикмаларнинг барқарорлиги (турғунлиги). Идиомалар ҳозир ишлатилмайдиган, маъноси кўпчиликка маълум бўлмаган, аллақачонлар истеъмолдан чиқиб кетган сўзларнинг ёхуд эски грамматик шаклларнинг сақланиб қолганлиги; жуда қадим замонларда машҳур бўлган афсоналарнинг мазмунидан келиб чиққанлиги; кўпгина идиомаларнинг диний мазмунда бўлиши; тарихий воқеаларни акс эттириши ҳамда яхлит ва ихчам шаклда бўлиши уларнинг барқарорлигини исботлайди. Бирикмаларнинг мажозий маъно бериши. Масалан, **оёқ узатмоқ** бирикмаси кишининг вафот қилганлигини билдиради, демак, бу маъно унинг таркибидаги сўзларнинг мазмунидан келиб чиқмаётган, балки шу бирикманинг кўчма маънода ишлатилаётганидандир. Зотан, у тўғри маънода ҳам қўлланиши мумкин.

Бирикмаларнинг семантик бутунлиги. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, синтактик таҳлилда идиома бир гап бўлаги вазифасида келади. Идиома маъно томонидан сўз, шаклан - кўпинча бирикма бўлиб келади. Идиома - шаклан бўлақларга ажралмайдиган, таркибидаги сўзларнинг тўғри ва аниқ; маъноси билан талкин қилинмайдиган, кўчма маъно англлатувчи барқарор сўз бирикмасидир.[2.14]

Бир тилдаги идиоматик ибораларни бошқа тилга бирикма таркибидиги сўзларнинг тўғри маъноси билан таржима қилинса, кўпинча тушунарли бўлмайди, шу тилнинг ўзида ҳам уларни тўғри маънода талкин қилиш, яъни тушунмовчиликка сабаб бўлади.

Идиоматик иборани мақол билан қиёс қилинса, унинг ўзига хос томонлари очиқроқ кўринади:

Мақол- образли мазмунга эга бўлган гапдир, уни синтактик бўлақларга ажратиш мумкин. Бирок, идиома барқарор лексик бутунлик бўлиб, уни на семантик жихатдан, на синтактик томондан бўлақларга ажратиб бўлмайди.

Мақол ва идиома мазмунан бир - биридан фарқ қилади. Мақолда тугал бўлган бир фикр баён қилинади. Идиома эса фақат кўчма маънода ишлатилмайдиган барқарор сўз бирикмасидир. Бошқача қилиб айтганда, идиомада ҳеч қандай халқ хикмати йўқ- Мақол билан идиома маъно ва шакл томондан бир - биридан жиддий фарқ қилса ҳам, мақол ва матал, матал билан идиома ўртасида ўхшашлик катта. Икки ёки бир нечта тилда ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам маънавий тарафдан айнан мувофиқ келадиган мутлоқ эквивалентлар ҳам топилади. Бирок бундай мутлоқ эквивалентлар сони кам. Аксарият холларда таржимон ҳар бир идиомага асарда тасвирланаётган воқеалар мазмуни, миллий муҳит ва услуб хусусиятига кўра, ўз тилидан муқобил ёки монанд эквивалентларни мосини танлаб оладилар. Шунга кўра, айна бир хил идиомани бир қанча ўринларда, маъносига қараб ҳар хил ўгириш мумкин. Лекин турли тилларда бир хил маънони ифодаловчи идиомалар ҳам учраши мумкин. Масалан: немисчада **Brennt ihm auf der Zunge**, русчада **у него язык чешется**, ўзбекчада **тили қичимоқ**. Ушбу матал ва идиомаларда бирикмаларнинг барча компонентлари бир-бирига мос келган. Баъзан

ўзбек тилига таржима қилишда ҳар муқобил вариант билан алмаштириш ва сўзма – сўз ўгириш тадбиридан ҳам фойдаланса бўлади.

Масалан: im siebenten Himmel sein (нем), быть на седьмом небе (рус) сўзма-сўз таржима: еттинчи осмонда бўлмоқ, муқобил ибора: оғзи кулоғида бўлмоқ. Идиомаларни таржима қилишда Янглиш Эгамова уларнинг мазмунини изоҳ йўли билан ифодалаган, сўзма-сўз таржима қилган ва эквиваленти ёки муқобили билан алмаштирган.

“Қашқирлар чанғалида” романида жуда кўп идиоматик бирикмаларга дуч келишимиз мумкин. Жумладан: ...die sich un persönlicher Vorteile willen zu will jährigen Subjekten der SS herabwürdigten, sie steckten mit den Block und Kommando Führern **unter einer Decke**, wurden zu deren Zuträgern und zu Zinkerz. Улар, ўз шахсий манфатлари учун эс эсчиларга югурдаклик қилишар, блок ва команда бошлиқлари билан **оғиз- бурун ўпишиб**, уларнинг айғоқчиларига айланиб қолишган эди. [2.26]

Асл нусхадаги “unter einer Decke” идиоматик ибораси ўзбек тилига муқобили билан ўгирилган. Агар таржимон сўзма- сўз таржима қилганида жуда ғализ ибора ҳосил бўларди ва таржима бир-бирига ёпишмасди. Муқобил вариантни қўллаб таржимон асар оригиналигини сақлаб қолган бу эса таржима тилининг ширали ва образли бўлишини таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бадий таржиманинг ақтуал масалалари. Тошкент Фан. 1977й. 230 б.
2. Бруно Апиц. Қашқирлар чанғалида. Тошкент Адабиёт ва санъат нашриёти 1986й 165 б.
3. Таржима назарисига кириш. Саломов Ф. Тошкент Фан 1978й. 219 б.
4. Адабий анъана ва бадий таржима. Тошкент Фан 1980й. 158 б.

УДК: 811.161.1

МЕТОД ПРОЕКТОВ КАК ТЕХНОЛОГИЯ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ЗАНЯТИЯХ РУССКОГО ЯЗЫКА

И.Э. Буриев, преподаватель, Гулистанский государственный университет, Гулистан

Annotatsiya. Ushbu maqola rus tilini o'qitishning zamonaviy metodikasida o'quvchilarga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyasi sifatida loyiha uslubining o'rni va rolini aniqlashga bag'ishlangan. Tadqiqotning nazariy (oldingi tadqiqotlarni qayta ko'rib chiqish va ushbu masala bo'yicha asosiy tushunchalarni aniqlashtirish) va amaliy (anketa so'rovi va uni tahlil qilish) bosqichlaridan foydalangan holda, loyiha usuli nafaqat talabalarning kasbiy kommunikativ kompetentsiyasini rivojlantirish, balki talabalarning umumiy motivatsiyasini oshirish, individual va guruhda ishlash ko'nikmalarini oshirish, kuchli va noyob imkoniyatlarini aniqlash va ulardan samarali foydalanish uchun ham muhim vosita ekanligi ta'kidlandi.

Kalit so'zlar: loyiha usuli; talabalarga yo'naltirilgan ta'lim; mustaqil ta'lim; ijodkorlik; texnologiya.

Аннотация. Данная статья посвящена определению места и роли метода проектов как технологии личностно-ориентированного образования в современной методике преподавания русского языка. С помощью результатов теоретического (обзор предыдущих исследований и уточнение основных понятий по данной проблеме) и практического (анкетирование и его анализ) этапов исследования, утверждается, что метод проектов является важнейшим инструментом не только развития у учащихся профессиональной коммуникативной компетенции, но и повышения общей мотивации учащихся, улучшения навыков индивидуальной и групповой работы, умения эффективно использовать свои сильные стороны и уникальные возможности.

Ключевые слова: метод проектов; личностно-ориентированное образование; самостоятельная работа; креативность; технология.

Abstract. This article is devoted to determining the place and role of the project method as a technology of student-centered education in the modern methodology of teaching Russian. Using the results of the theoretical (review of previous studies in the field and clarification of basic concepts on the issue) and practical (analysis of the questionnaire) stages of the study, it is argued that the project method is the most important tool not only for developing students' professional communicative competence, but also for increasing the overall motivation of students, improving their skills for individual and group work, the ability to identify and effectively use their strengths and unique opportunities.

Keywords: project method; student-centered education; independent work; creativity; technology.

I. Введение. Образовательная политика современного вуза направлена на удовлетворение потребностей личности, общества и государства. Среди востребованных личных качеств выпускников можно выделить индивидуальность, независимость, эрудицию, оригинальность, инициативность [1, 12]. Сегодня одним из приоритетов в образовательной сфере является качественное обучение языкам. Процесс обучения русскому языку как иностранному в вузах Узбекистана уникален с точки зрения образовательных условий и педагогических возможностей. Кроме того, узбекская методология преподавания русского языка как иностранного на текущем этапе своего развития всё ещё находится на стадии поиска эффективных методов и приемов обучения. Именно поэтому исследования в этой области являются актуальными и представляют интерес как для специалистов-ученых, так и для преподавателей-практиков. Актуальные задачи, поставленные сегодня перед Республикой Узбекистан, выдвигают новые требования к уровню знаний и навыков подрастающего поколения. Это относится и к сфере изучения родного и иностранного языков. Известно, что гармоничное развитие современного общества предполагает полное и всестороннее развитие каждой личности, ее креативности, самостоятельности, коммуникативных способностей. Все эти навыки не только облегчают молодёжи более мягкую интеграцию в современное общество, но и позволяют более успешно функционировать в нём. По мнению педагогов и методистов, решение вышеперечисленных задач наиболее очевидно в активном применении личностно-ориентированного подхода в образовании и метода проектов в обучении [2; 3; 5; 9].

II. Методы исследования. В данном исследовании использовались описательный и сравнительно-исторический методы, которые позволили уточнить терминологию по выбранной проблеме, а также хронологически проанализировать научную литературу по теме. С целью получения практических результатов был использован метод анкетирования (опроса) студентов, изучающих русский язык при кафедре русского языка и литературы Гулистанского государственного университета. В опросе-анкетировании приняли участие 40 студентов второго курса филологического факультета, из них 29 человек (%) – девушки, и 11 человек (%) – юноши; 75% всех опрошенных (30 человек) – 20 лет, 25% из опрошенных (10) – старше. Метод статистического анализа, а также метод сопоставления были использованы при обсуждении результатов, полученных при помощи двух предыдущих методов, а именно – результатов обзора литературы по выбранной для исследования проблеме и результатов анкетирования студентов.

III. Обзор литературы. Метод проектов был разработан в США учеными-педагогами Дж. Дьюи и У. Килпатриком. в начале XX в., и первоначально назывался «проблемным методом» [2, 11]. В России метод проектов активно разрабатывали М.И. Махмудов и И.Я. Лернер в 30-е гг. XX в., но данная технология не получила распространения [6, 18]. Сегодня метод проектов используется в обновленном и усовершенствованном виде. На современном этапе развития метода проектов, студенты вовлечены в самоопределение и определение своих будущих перспектив [5, 84], т.е. наблюдаются процессы самоидентификации и мотивации к получению дополнительной информации в области изучаемой дисциплины. Выполняя проектную деятельность, студенты не только выполняют задачи, с которыми они могут справиться, но и учатся работать в команде, где важно выслушивать партнеров, соглашаться или не соглашаться с ними, приводить аргументы в поддержку своего мнения, другими словами, выражать свою индивидуальность, что является проблемой для многих студентов. Работая вместе, студенты выполняют разные социальные функции: руководитель, инициатор, эксперт, исследователь [8, 30]. Таким образом, студенты пробуют себя в разных ролях и разыгрывают разные ситуации, которые могут случиться на работе. Личное взаимодействие повышает мотивацию студентов за счет социальных стимулов, таких как личная ответственность и удовлетворение от успеха всей группы [9, 225]. В результате проектная работа не только дает студентам конкретные знания, но и развивает их индивидуальные способности и навыки. Это преимущество было указано в исследовании О. Побоковой, которая отметила, что «проектная работа позволяет каждому учащемуся внести в общий проект свой уникальный вклад, отражающий его индивидуальные возможности и способности» [7, 15]. Помимо упомянутых выше преимуществ, метод проекта как технология личностно-ориентированного обучения может быть реализован через самостоятельную учебную деятельность, что особенно актуально в связи переходом с 2020-2021 учебного года многих вузов Узбекистана на кредитно-модульную систему обучения.

IV. Результаты исследования. Первый этап исследования (анализ научной литературы по данной теме) позволил сделать следующие выводы:

1. Личностно-ориентированный подход на занятиях по русскому языку предполагает активное участие преподавателя и студента. Учитывая индивидуальные особенности учащихся, преподаватель помогает им развить навыки самостоятельной работы и навыки работы в группе, учит проявлять творческий подход к решению поставленных задач и проблем.

2. Одной из педагогических технологий, обеспечивающих личностно-ориентированное обучение, является метод проектов.

3. Метод проектов предполагает наличие цели, научной идеи, разнообразных критериев оценивания и качественно новый результат, соответственно, сами проекты могут иметь исследовательский, познавательный, творческий, ролевой и практический характер. Все типы проектов легко применимы для обучения русскому языку.

4. Одна из наиболее интересных с методической точки зрения отличительных черт метода проектов как технологии личностно-ориентированного обучения русскому языку – специфическая форма организации процесса обучения, которая выражается в наличии определенных правил при планировании работы над проектом:

а) Тема занятия должна сочетать в себе элементы культуры как родной страны, так и страны изучаемого (русского) языка;

б) Первоначальным требованием, инициирующим работу студентов, является наличие такой проблемы, которая побуждала бы интерес учащихся, вызывала желание искать необходимую информацию, получать умения и навыки смежных дисциплин и т.п.;

в) Метод проектов должен включать в себя самостоятельную (индивидуальную) работу учащегося, в процессе которой он выступает одновременно и объектом, и субъектом учебной деятельности, так как учащийся самостоятельно выбирает объект исследования и решает какими источниками информации пользоваться для его изучения.

5. Применение метода проектов как технологии личностно-ориентированного обучения на занятиях по русскому языку актуально в рамках любой темы. Проектная технология легко сочетается с любыми учебно-методическими комплексами и разными учебными средствами, что позволяет использовать его на разных этапах работы, как на этапе речевой практики, так и на этапе развития коммуникативных умений русскоязычного общения. Важно отметить, что проектное задание адаптирует материалы учебника к индивидуальным особенностям учащихся и к особенностям образовательной ситуации в целом.

6. В основе каждого проекта лежит такая проблема, для решения которой, студентам необходимо применение не только знания изучаемого языка, но и информации по другим сферам человеческой деятельности. Кроме того, участие в проектной учебной работе учит студентов более эффективно использовать свои собственные творческие, коммуникативные и интеллектуальные умения.

Второй этап нашего исследования (анкетирование и опрос студентов) позволил сделать следующие выводы:

1. 85% студентов предпочитают творческие формы проектной работы, основанный на самостоятельной работе учащихся: поиск информации в Интернете, написание и отправка отчетов, создание видеороликов и т.д.

2. 70% опрошенных студентов предпочитают выполнять проектные работы, заданные в качестве домашнего задания в команде, так как в этом случае, по мнению студентов, они быстрее находят решение проблемы, а результаты запоминаются надолго.

3. 75% студентов считают, что полученная во время занятий по русскому языку информация недостаточна для высокого уровня овладения изучаемым языком, и что им хотелось бы работать с дополнительной информацией. Таким образом, анкетирование студентов выявило их желание участвовать в исследовательской проектной работе.

4. 95% респондентов остались довольны участием в экспериментальной проектной работе, проведенной автором статьи.

5. 90% участников не заметили каких-либо явных недостатков или ограничений проектного обучения, однако некоторые респонденты отметили ряд трудностей, возникших во время проекта, таких как недостаток времени и ограниченный доступ к новейшим техническим средствам и необходимому программному обеспечению.

6. 85% респондентов сообщили, что находят метод проектов эффективным для изучения русского языка, как и других языков, поскольку он стимулирует индивидуальный творческий потенциал и интерес студентов и побуждает их совместно работать в командной среде.

V. Выводы. В заключение отметим, что метод проектов как технология личностно-ориентированного обучения русскому языку имеет ряд преимуществ перед традиционными методами обучения. Метод проектов повышает мотивацию учащихся при изучении русского языка и дает свободу творческой и созидательной деятельности. При выполнении проектных заданий, студент получает возможность мыслить творчески, самостоятельно планировать свои шаги, прогнозировать варианты решения задач, реализовывать усвоенные им средства и способы работы. Таким образом, основными характеристиками метода проектов как технологии личностно-ориентированного обучения, выявленными на примере преподавания русского языка как иностранного являются: повышение мотивации студентов к учебной деятельности, развитие интереса к русскому языку, ориентация на практические результаты, расширение студенческого мировоззрения, наличие благоприятных условий для обогащения речи на изучаемом языке, развитие навыков профессионального общения. Кроме того, следует отметить, что участие в проектах учит студентов составлять свои портфолио с резюме, презентациями, сертификатами и дипломами. Это позволяет будущим специалистам представить свои уникальные достижения, развить навыки работы с документацией и осознать практическое значение своей учебной деятельности.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Арутюнов А. Теория и практика создания учебника русского языка для иностранцев. Второе издание. – Москва: Русский язык, 2020. – 232 с.
2. Блохин А. Метод проектов как личностно-ориентированная педагогическая технология // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Ростов-на-Дону: Ростовский государственный педагогический университет, 2005. – 28 с.
3. Богатырко А. Метод проектов как средство реализации личностно-ориентированного подхода при обучении иностранному языку // Современная педагогика. – 2015. №12. URL: <http://pedagogika.snauka.ru/2015/12/5143>
4. Гальскова Н., Гец Н. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. – Москва: Академия, 2008. – 184 с.
5. Егорова А. Метод проектов как технология личностно-ориентированного подхода // Lingua mobilis. – 2013. №6 (45). – С. 83-87.
6. Пассов Е., Киберева Л., Коларова Е. Концепция коммуникативного иноязычного образования. Методическое пособие для русистов. – Санкт-Петербург: Златоуст, 2007. – 120 с.
7. Побоква О. Новые технологии в обучении языку: проектная работа. – Иркутск: Пресс, 2003. – 140 с.
8. Романова Е., Бершедова Л., Рычихина Э. Психологические аспекты активизации самостоятельной работы студентов вуза // Системная психология. – 2014. №1 (9). – С. 29-38.
9. Серебрянцева О. Проекты как средство обучения национально-культурной специфике речевого общения студентов неязыкового вуза. // Современные гуманитарные исследования. – 2009. №6. – С. 223-228.
10. Щукин А. Современные интенсивные методы и технологии обучения иностранным языкам. – Москва: Филоматис, 2010. – 98 с.

УЎК 81-13

PATRIE KONCEPTI QADRIYATLI TARKIBINING DISKURSIV TAQDIM ETILISHI

*Т. Исмаилов, катта ўқитувчи, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,
Тошкент*

Аннотация. Ушбу мақолада “Patrie” концепти қадриятли таркибининг дискурсив тақдим этилиши кўриб чиқилади. Кузатиши материали сифатида Ушбу тадқиқотнинг материали сифатида Франция президентлари Николя Саркози, Франсуа Олланд ва Эммануэля Макронларнинг интернет-сайтларда эълон қилинган расмий нутқлари ва барча оммавий чиқишлари танлаб олинди. “Patrie” концептининг президентлар нутқида билвосита тасаввур этилишига хизмат қиладиган миллий қадриятларнинг бир қисми тавсифланди, таҳлилга тортилган қадриятларнинг президент дискурсида қўлланиши частотаси аниқланди ва уларнинг нутқ стратегияларига боғлиқ ҳолда воқеланиши ҳолатлари очиб берилди.

Калит сўзлар: Patrie, президент, президент дискурси, ватан концепти, ватан концептининг таркибий қисмлари, тушунча таркиби, образ таркиби, қадрият таркиби, нутқ стратегияси, Франция, Франция Республикаси.

Аннотация. В данной статье рассматривается дискурсивная репрезентация ценностного компонента концепта “Patrie”. В качестве материала данного исследования были выбраны официальные инаугурационные речи и все публичные выступления президентов

Франции Николя саркози, Франсуа Олланда и Эммануэля Макрона, опубликованные на веб-сайтах. Описаны некоторые из основных национальных ценностей, которые служат косвенным репрезентантом концепта “Patrie” в президентском дискурсе, определена частота применения анализируемых ценностей в речи президентов, выявлены их репрезентации в зависимости от речевых стратегий.

Ключевые слова: Patrie, президент, президентский дискурс, концепт родина, компоненты концепта родина, понятийная составляющая, образная составляющая, ценностная составляющая, речевая стратегия, Франция, Французская Республика.

Abstract. This article examines the discursive representation of the value component of the “Patrie” concept. The material for this study was the official inaugural speeches and all public speeches of French Presidents Nicolas Sarkozy, François Hollande and Emmanuel Macron, published on websites. Some of the main national values, which serve as an indirect representative of the “Patrie” concept in the presidential discourse, are described, the frequency of the analyzed values' application in presidential speech is determined, and their representations are identified depending on speech strategy.

Key words: Patrie, president, presidential discourse, concept Patrie, components of concept Patrie, conceptual component, imagery component, value component, speech strategy, France, French Republic.

Ҳар қандай маданият асосини кадриятлар ташқил қилиши ҳақида замонавий аксиологик тилшуносликда кенг тарқалган қоида асосий концепция сифатида қабул қилинади. Бундай кадриятлар қандай бўлмасин ҳаётнинг барча соҳаларида – мулоқотда, турмушда, санъатда, қонунчиликда ва давлат тузумида намоён бўлади [Jean-Michel Guy 2016, Bréchon 2000, Сорокин 1992].

Француз халқининг менталитети ўзининг бойлиги, жўшқинлиги ва ўз миллати билан фахрланиши бўйича ажралиб туради. Ушбу хусусиятлар аниқлик билан тил сатҳига кўчирилади. Французлар фақат фактлардан ва лўнда тезислардан иборат бўлган “қурук” нутқларни қабул қила олишмайди. Шу аснода, сиёсатчи нотиклар олдида тингловчиларни қизиқтира оладиган, уларнинг онгида ишончли тасаввурларнинг шаклланишига таъсир кўрсата оладиган нутқни сўзлашдек қийин вазифа туради. Сайловчилар эътиборини жалб қилиш учун эса турли хил лексик, грамматик ва стилистик воситалар билан бир қаторда, француз халқи маданиятида шаклланган ва ўз тасдиғини топган турди мазмундаги миллий кадриятлардан ҳам ўринли ва мақсадли фойдаланишга тўғри келади.

Француз маданий кадриятларининг лингвистик тасвири, одатда, тегишли маданий концептлар, “оламнинг кадриятли манзараси” билан боғлиқ ҳолда, бир қатор тадқиқотларда тақдим этилган [Кирнозе 2001; Грабарова 2004; Седых 2004]. Масалан, З.И.Кирнозе французлар миллий характерининг энг ёрқин кўрсаткичлари сифатида танқид кўзи билан қараш, эрксеварлик, республика кадриятлари, муҳаббат, меритократия, фидокорлик руҳи, шахсиятпарастлик, башанглик, тежамкорлик, комфортга бўлган ҳавас каби концептларни атайди [Кирнозе 2001]. Э.В.Грабарова ҳаётга бўлган француз муносабатининг ўзига хослигини аниқлайдиган savoir vivre концептини лингвомаданиятшуносликда қабул қилинган уч компонентли модел бўйича таҳлил қилади: образли таркибий қисм –бу мулоқотда, севгида, ҳаракатда, овқатланишда, янгиликни билишда, гўзалликни, модани ва ҳ.з тушунишдаги оддий дунёвий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ лаззат табассуми; тушунча компоненти – бу ҳаётга бўлган муносабатнинг бир кўриниши бўлиб, ўлимга, пессимизмга ва тирик қолиш заруратига қарама-қарши қўйилади; кадриятли компонент – бу француз лингвомаданиятининг доминанти ва француз мулоқот муомаласининг регулятори сифатида ҳаётга бўлган кўтаринки муносабатдир [Грабарова 2004: 7].

Кадриятлар сиёсий дискурснинг олға ҳаракат, мамлакатнинг миллий кадр-қиммати, буюк халқ каби идеологемаларини яратиш учун асосдир [Бакумова 2002]. Тақдим этилаётган кадриятларнинг характери бўйича идеологемаларнинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади: 1) умуминсоний, асосан, ахлоқий-этик (яхшилик, эзгулик, обрў-эътибор, виждон, ақл) фазилатлар билан боғлиқ кадриятлар; 2) группавий кадриятлар (жамиятдаги асосий сиёсий кучларнинг кадриятларни мўлжаллаб иш тутиш): патриотик (давлат, мамлакат), патерналистик (одалатлилик, таъминланганлик, ғамхўрлик), либерал (эркинлик, демократия, мулкка эгалик, мувоффақият); 3) касб-иш кадриятлари (тажриба, поклик, принципааллик, профессионализм) [ўша ерда: 60].

Ушбу тадқиқотнинг материали сифатида Франция президентлари Николя Саркози, Франсуа Олланд ва Эммануэля Макронларнинг расмий нутқлари ва барча оммавий чиқишлари танлаб олинди. Нутқларнинг матнлари куйидаги интернет-сайтларда эълон қилинган: Discours d'investiture d'Emmanuel Macron, le 14 mai 2017 [Электронный ресурс]; Discours d'investiture de François Hollande, le 15 mai 2012 [Электронный ресурс]; Discours d'investiture de Nicolas Sarkozy, le 14 janvier 2007/2012 [Электронный ресурс] ва бошқалар.

Ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва ундан ғурурланиш қадриятлари бу нутқларда юқори даражада намоён бўлади. Масалан: «Mais nous appartenons à la même Nation, avec ses valeurs, ses principes, sa culture, sa langue, ses institutions et nous aspirons donc au même avenir...» [Discours-programme de François Hollande] – Биз қадриятлари, тамойиллари, маданияти, тили, муассасалари бор бўлган битта Миллатга мансубмиз ва биз битта умумий келажакка интиламиз... Ушбу нутқ ватанпарварлик, янги анъаналар, фаол ишлаш истаги ва муваффақиятли ички ва ташқи сиёсат руҳига тўйинган. Французлар ўз ватанининг буюк ватанпарварларидир, шу аснода, президентлар ўз нутқларида “Ватан” лисоний концептининг семантикасини тез-тез куйидаги лексик бирликлар воситасида ифодалашди: la France (Франция), la République (Республика), la République française (Французская республика), les Français (французлар), l'Etat (давлат), la Nation (Миллат). La France c'est le nom de notre destin commun. La France c'est une solidarité. La France c'est une identité. La France c'est une culture [http://www.u-m-p.org/site/index.php].

Зикр этилган президентларнинг барчаси Франциянинг жаҳон аренасидаги ролини юқори баҳолайдилар ва бу ҳақда бир неча бор гапиришади. Хусусан, Эммануэл Макрон Франциянинг бутун дунё ҳамжамиятидаги эҳтиёжлари ҳақида гапиради. Нутқ давомида ўз мамлакатидан фахрланиш ҳисси яққол сезилиб туради. Президент тингловчиларда миллий рух туйғусини жонлантириш учун Франция Республикасининг шиорини тилга олади: Le monde et l'Europe ont aujourd'hui, plus que jamais, besoin de la France. Le monde a besoin de ce que les Françaises et les Français lui ont toujours enseigné : l'audace de la *liberté*, l'exigence de l'*égalité*, la volonté de la *fraternité* [Discours d'investiture d'Emmanuel Macron]. – Бугун дунё ва Европа Францияга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож. Француз халқига доимо ўргатиб келинган эркинлик жасорати, тенглик талаби, биродарлик иродаси унда сақланиб қолганлиги учун ҳам у дунёга керак.

Франция президентлари ўз ватанининг ўтмишини чуқур ҳурмат қилишади ва бунини яширишмайди. Франциянинг ҳар бир президенти ўзининг инаугурация нутқида ўзидан олдинги президентларнинг хизматлари ҳақида гапиради. Эммануэл Макрон Франциянинг шаклланишига катта ҳисса қўшган Шарл де Голлдан бошлаб ва XXI асрнинг долзарб “терроризм” муаммосига дуч келган Франсуа Олланд билан яқунлаган ҳолда, Бешинчи Республика президентларининг хизматларини таъкидлайди: Je songe au Général de Gaulle, qui œuvra pour redresser la France et lui rendre son rang dans le concert des nations. Je songe à Georges Pompidou, qui...; à Valéry Giscard d'Estaing, qui...; à François Mitterrand, qui...; à Jacques Chirac, qui...; à Nicolas Sarkozy, qui... Et je songe bien sûr à François Hollande, faisant œuvre de précurseur avec l'Accord de Paris sur le climat et protégeant les Français dans un monde frappé par le terrorisme [Discours d'investiture d'Emmanuel Macron]. – Мен Францияни оёққа турғазини ва унга миллатлар ҳамжамиятида аҳамият бериш учун ҳамма нарсани қилган Шарл де Голл ҳақида гапиряпман. Мен Жорж Помпиду, Валери Жискар д'Эстен, Франсуа Миттеран, Жак Ширак, Николя Саркози ҳақида, ва, албатта, “Париж шартномасини” имзолаган ва Францияни терроризмдан ҳимоя қилган мендан олдин фаолият кўрсатган Франсуа Олланд ҳақида гапиряпман.

Patrie концептининг президентлар нутқида мамлакат номлари орқали тақдим этилиш частотаси куйидаги кўринишга эга:

Қадриятнинг номи	Nicolas Sarkozy	François Hollande	Emmanuel Macron
Битта нутқда	Инаугурация нутқи 2007	Нимдаги нутқида 2012.29.03	Инаугурация нутқи 2017
France	13	9	20
Барча нутқларида			
France	214	197	248
français, les Français	104	71	116
République, républicain	118	55	74

France сўзининг тез-тез ишлатилиши мамлакатни ривожлантиришда кўплаб режалар ва истиқболлар мавжудлигини, сиёсатчининг ватан муаммо-ларини ҳал қилишга қизиқишини кўрсатади. Республикани ўз номи билан атаган ҳолда, сиёсатчи нутқни соддалаштиради,

мамлакат ва халқ орасидаги алоқани қўллаб-қувватлайди. Таъкидлаш жоизки, Эммануэл Макрон мамлакатни атига 3 марта республика деб атаган, шулардан бири Vive la République, Vive la France) шиорида учрайди, Николя Саркози буни 6 марта амалга оширган, Франсуа Олланд эса 9 марта la République сўзини ишлатган.

Президент ва француз миллатини Patrie концептининг қадриятли таркиби сифатида тасаввур этиш президентлар нутқида «je» ва «nous» олмошлари воситасида ҳам кўпинча амалга оширилади, масалан: 1. Je pense à la France Je pense à tous les Présidents de la Ve République qui m'ont précédé. Je pense au Général De Gaulle qui sauva.... Je pense à Georges Pompidou qui.... Je pense à François Mitterrand, qui.... Je pense à Jacques Chirac, qui... [Discours d'investiture de Nicolas Sarkozy] - мен Франция ҳақида ўйлайман... Мен Бешинчи Республиканинг барча олдинги президентлари ҳақида ўйлайман... Мен ... қутқариб қолган генерал де Голл ҳақида ўйлайман ... Мен Франсуа Миттеран ҳақида ўйлайман ...Мен Жак Ширак ҳақида ўйлайман. 2. Je mesure /Je l'affirme /Je crois en /Je proposerai /J'ai une pensée / J'adresse [Discours d'investiture de François Hollande] – Мен тушунаман / Мен тасдиқлайман / Мен ишонаман / Мен таклиф қиламан / Мен деб ўйлайман / Мен мурожаат қиламан. 3. Nous prendrons nos responsabilités /Nous vivons une période /Nous aurons besoin /Nous donnerons l'exemple /Nous aurons su dépasser /Nous ne pouvons plus [Discours d'investiture d'Emmanuel Macron] – Биз масъулиятни ўз зиммамизга оламиз /Биз даврда яшаймиз /Бизга керак / Биз намуна кўрсатамиз /Биз енгиб чиқдик / Биз энди қила олмаймиз.

Президентларнинг инаугурация нутқларида «je» ва «nous» олмошларининг қўлланиш частотаси қуйидаги кўринишга эга:

Олмош	Nicolas Sarkozy	François Hollande	Emmanuel Macron
je	24	19	17
nous	1	9	28

Психологларнинг таъкидлашича, «je» олмошининг қўлланиш частотаси нотик шахсияти ва президентнинг юқори мақоми даражасидан далолат берса, «nous» олмошининг ишлатилиш частотаси президент ва халқнинг бирлигини, ягона ғоя ва мақсал мавжудлигини кўрсатади.

Эътибор бериш жоизки, энг кўп частоталилардан бир «қадрият» (valeur) сўзи бўлиб, бу сиёсатчиларнинг қадриятларга катта эътибор беришлари ва уларнинг номларидан мақсадли фойдаланишини англатади. Ҳар бир президент бу қадрият номини аташ орқали қадриятни тўғридан-тўғри кўрсатади: «Мен шу ерда ва ҳозир эълон қиламанки, менинг қадриятим/антиқадриятим ...»: Mes valeurs sont celles de la droite republicaine. Ce sont des valeurs de merite, de tolerance, de respect, de dignité, d'ordre, de responsabilité, de liberté [http://www.u-m-p.org/site/index. php]. - Менинг қадриятларим ўнг республикачиларнинг қадриятларидир. Булар бағри-кенглик, ҳурмат, кадр-қиммат, тартиб, масъулиятлилик, эркинлик каби қадриятлардир.

Перформатик функцияни амалга оширишда президент нутқнинг муайян стратегиясидан фойдаланади. Хусусан, Nicolas Sarkozy ўз нутқининг ишонарлилиги ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида у ёки бу қадриятга мурожаат қилишда ўзига хос қуйидаги стратегияларидан фойдаланади:

1. Адресат билан бирлашиш стратегияси шундан иборатки, илгари сурилаётган устиворликлар шахсий (сиёсатчининг ўзидан келиб чиқадиган) деб тан олинмайди, аммо умумий, ушбу маданиятнинг барча вакиллари ҳеч бўлмаганда, нутқда бевосита иштирок этадиган сайловчилар учун муҳим деб тан олинади: «Нимадир қадрият, чунки ҳамма бунга қизиқади». Ушбу стратегияни амалга ошириш воситалари - nous, vous, notre, votre, tous, chacun олмошлари, «умумийлик, жамоа» семантикали commun, ensemble, la France, le peuple français, tous les Français сўзлари: 1. Mes valeurs sont les votres, celles de la droite republicaine. Ce sont des valeurs d'equite, d'ordre, de merite, de travail, de responsabilite. – Менинг қадриятларим - бу сизларнинг қадриятларингиз, ўнг республикачиларнинг қадриятларидир. Булар – адолат, тартиб, кадр-қиммат, иш, масъулият. 2. J'en ai assez de voir l'État abaissé. Parce que l'État c'est nous. Nous le construirons tous ensemble car ma conception de la France pésidente, c'est un pays où chacun et chacune ... sera à même d'apporter sa pierre, sa force, sa contribution à notre projet commun. – Мен Давлатнинг заифлашиб бoryтганини кўришдан чорчаяпман, чунки Давлат бизмиз. Биз барчасини биргаликда кураемиз, чунки менинг Франция президенти сифатидаги концепциям – Франция ҳар бир эркак ва ҳар бир аёл ўз тошчасини, ўз кучини олиб келадиган, умумий лойиҳамизга ўз хиссасини қўшадиган мамлакатдир.

2. Қадриятни бир-бирига зид сифатга қарама-қарши қўйиш орқали уни тасдиқлаш стратегияси: «нимадир қадрият, чунки агар ушбу мақсад фойдасига танлов қилинса, у ёмон

ходисадан қутилишга имкон беради»: Nous pouvons avoir la paix ou la guerre, la meilleure part de la civilisation mondiale ou le fanatisme, le dialogue des cultures ou l'intolérance et le racisme, la prospérité ou la misère, le développement durable ou la pire des catastrophes écologiques. - Биз тинчлик ва уруш, дунё цивилизациясининг энг яхши қисми ва фанатизм, маданиятлараро мулоқот ва бағрикенглик йўқлиги ва ирқчилик, фаровонлик ва қашшоқчилик, узоқ муддатли ривожланиш ва экологик офотлар орасидан бирини танлашимиз мумкин. Агар ўзиникига тўғридан-тўғри зид бўлган устуворликлар рақибга ёзилса, ушбу стратегия сиёсатчилар томонидан рақибни бодном қилиш учун ҳам қўлланади (бу ҳолда ушбу устуворликлар кадриятлар сифатида тушунилади): Pour le candidat Nicolas Sarkozy, on l'a compris, il y pense, nous dit-il depuis qu'il est tout petit. Son projet, c'est lui. Mon projet, c'est vous, c'est la France, c'est son rassemblement, c'est sa réussite et c'est son espérance. - Номзод Николя Саркози учун, мартабасининг бошидан ҳамма нарса равшан. Унинг лойиҳаси – ўзи, менинг лойиҳам – сиз, Франция халқи, унинг бирлашиши, муваффақияти ва умиди.

3. Баҳоловчи-тавсифловчи стратегияда précieux, terrible, insupportable, intolérable, fort, faible каби баҳоловчи сўзлар тушунчани ижобий ёки салбий сифатида баҳолаш имконини беради: 1. La France redeviendra plus forte et chacun d'entre nous le redeviendra aussi. Parce que la France est forte lorsqu'elle est rassemblée. - Франция кучаяди ва ҳар биримиз янада кучли бўламиз. Чунки Франция бирдамликда кучлидир. 2. Notre capacité de vivre ensemble est notre bien le plus précieux. - Биргаликда яшаш қобилиятимиз бизнинг энг муҳим бойлигимиздир.

4. Кескин вазиятни моделлаштириш стратегияси. Қадрият нимани йўқотиш мумкин ёки нима ноҳақ бостирилган тарзида чизилади. Пропозиция тахминан қуйидагича: «Нимадир - қадрият, чунки ушбу ходисанинг йўқ бўлиб кетиши ёки заифлашиши ёмон аҳволга олиб келади»: C'est notre capacité à vivre ensemble qui se trouve menacée. - Айнан биргаликда яшаш қобилиятимиз хавф остида.

5. Ваъда стратегияси: «нимадир – қиймат, мен шуни хоҳлайман ва мен бўлғуси президент сифатида шу учун курашаман» (ёки «нимадир – антиқадрият, ва мен унга қарши курашаман»). Келаси замон ва истак майлининг қўлланиши формал кўрсаткичлардир. Семантик кўрсаткичларга “истамок, хоҳламок” маъноли (vouloir, proposer, river, favoriser, soutenir), “учун ёки қарши курашмок” маъноли (lutter contre, défendre, mettre le fin à), шунингдек, келажак, истиқбол, ўзгариш маъноли (projeter, reformer, créer, garantir) феъллар семантик кўрсаткичларга киради: 1. Je veux un Etat que les fonctionnaires soient heureux de servir et dont les Français soient fiers. - Мен мансабдор шахслари хизмат қилишдан хурсанд бўла оладиган ва французлар фахрлана оладиган давлатни қўллаб-қувватлайман. 2. Je veux l'ouverture, l'innovation, la création, le progrès, la justice, la générosité. - Мен алоқаларни кенгайтириш, инновациялар, ижодкорлик, тараққиёт, адолат ва олижаноблик тарафдориман. 3. Je veux un Etat qui lutte contre le communautarisme. - Мен коммунотаризмга қарши курашадиган давлат тарафдориман.

6. Талқин стратегияси муайян қадриятнинг маъносини очиб бериш, конкретлаш ва бошқа қадриятлар орқали ушбу қадриятга эътиборни жалб қилишдан иборат. Таъкилаш жоизки, талқин расмий бўлиб, одатда баҳоловчи сўзлар воситасида амалга оширилади: 1. La France c'est un projet collectif, c'est la volonté de vivre ensemble et de construire ensemble. - Франция – бу умумий лойиҳа, бу биргаликда яшаш ва биргаликда куриш истаги. 2. La fierté d'être Français c'est ce que nous voulons partager avec ceux qui veulent devenir Français. - Француз бўлиш ғурури – бу француз бўлишни хоҳлаган кишилар билан биз баҳам кўрмоқчи бўлган нарсадир. 3. La citoyenneté ce n'est pas que des droits, la citoyenneté c'est aussi des devoirs. - Фуқаролик нафақат ҳуқуқлар, балки мажбуриятлар ҳамдир.

7. Аффектив стратегия. Шиорлар, мурожаатлар, риторик саволлар ва бошқалар унинг жанрли тимсолидир. Шиорли сўзлар, Е.И.Шейгалнинг фикрига кўра, қадрият жиҳатдан аҳамиятли тушунчаларни англатади, улар юқори ҳиссий заряд билан ажралиб туради [Шейгал 2000: 287]: Vive la République! - Яшасин Республика! Vive la France! - Яшасин Франция! Rassemblons-nous! - Бирлашамиз! Биринчи икки шиор президент нутқининг аъъанавий хулосаси сифатида қўлланади. Бу ҳолат ушбу стратегияга янада кўпроқ таъсир кучини беради.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, Франция президентлари Николя Саркози, Франсуа Олланд ва Эммануэля Макронларнинг расмий нутқлари ва барча оммавий чиқишларида, «ҳозирги даврнинг сиёсий қадриятлари» билан бир қатор, лингвомаданий қадриятлар фаол қўлланади. Дискурда ушбу қадриятлар перформатив, интерпретатив, аффектив дискурс стратегиялари воситасида етказиб берилади. Семантик сатҳда ушбу

кадриятлар, биринчидан, кадриятларни бевосита номлайдиган юкори частотали лексемалар ва уларнинг лексик-семантик гуруҳлари таркибидаги синонимлар билан, иккинчидан, антикадриятларни номлайдиган антоним лексемалари билан тақдим этилган. Президент дискурсида Patrie концепти миллий маданиятга хос кадриятларни вокалантирувчи лисоний воситалар орқали муайян нутқ стратегияларига боғлиқ ҳолда тақдим этилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Бакумова Е. В. Ролевая структура политического дискурса. Автореферат дис. ... канд. филол. наук. Волгоград, 2002.
2. Грабарова Э. В. Концепт “savoir-vivre” во французской лингвокультуре и его русские соответствия. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Волгоград, 2004.
3. Кирнозе З. И. Французское // Межкультурная коммуникация. Учебное пособие. Нижний Новгород, 2001.
4. Седых А.П. Коммуникативный портрет Николя Саркози // Политическая лингвистика. – Екатеринбург, 2011. – № 2. – С. 49–53.
5. Сорокин П. А. Человек. Цивилизация. Общество. М., 1992. – 543 с.
6. Шейгал Е. И. Семиотика политического дискурса: Монография. Рос. акад. наук. Ин-т языкознания. – Волгоград: Перемена, 2000. – с. 367.
7. Bréchon Pierre (ed.), *Les valeurs des Français: évolutions de 1980 à 2000*, Paris, Armand Colin, 2003 (2000). – 351.
8. Discours d'investiture d'Emmanuel Macron, le 14 mai 2017 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://ru.ambafrance.org/Discours-d-investiture-dupresident-Emmanuel-Macron>.
9. Discours d'investiture de François Hollande, le 15 mai 2012 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.elysee.fr/declarations/article/discours-de-mle-president-de-la-republique-ceremonie-d-investiture/>.
10. Discours d'investiture de Nicolas Sarkozy, le 14 janvier 2007 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.lemonde.fr/societe/article/2007/01/15/le-discours-d-investiture-de-nicolas-sarkozy_855369_3224.html.
11. Discours-programme de François Hollande au Bourget, le 22 janvier 2012 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.lejdd.fr/Electionpresidentielle-2012/Actualite/L-integralite-du-discours-de-Francois-Hollande-au-Bouget-467953>.
12. Jean-Michel Guy. Les représentations de la culture dans la population française // Dans Culture Études 2016/1 (№ 1) – P. 1-16.
13. Nicolas Sarkozy: Discours 2007 // Union pour un Mouvement Populaire <http://www.u-m-p.org/site/index.php>.
14. Présidence de la République // Élysée.fr. URL: <http://www.elysee.fr/president/les-actualites/discours> (дата обращения: 19.11.2010).

УЎК 821.51

ЛИРИКАДА ДИАЛОГ ЭСТЕТИК ИДРОК ВОСИТАСИ СИФАТИДА

С.Г. Матякунов, ф.ф.н., доц., Нукус давлат педагогика институти, Нукус

Аннотация. Мақолада шеърятда диалог ва унинг коммуникатив-эстетик моҳияти ўрганилади. Шунингдек, шеърда диалогик тафаккур тақдими, шоир ижодий индивидуаллиги, лирик ва драматик шакллар уйғунлиги муайян асарлар таҳлили мисолида илмий-назарий таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: диалог, фалсафий идрок, бадий коммуникация, эстетик моҳият, поэтик нутқ, ривож техникаси, шоир позицияси, муносабат, ифода йўсини.

Аннотация. В статье исследуется поэтический диалог и его коммуникативно-эстетическая сущность. А также анализируется развитие диалогического мышления в стихотворении, творческая индивидуальность поэта, сочетание лирических и драматических форм на примере анализа отдельных произведений.

Ключевые слова: диалог, философское восприятие, художественная связь, эстетическая сущность, поэтическая речь, техника повествования, позиция поэта, мироощущение, способ выражения.

Abstract. The article examines the dialogue in poetry and its communicative and aesthetic essence. Furthermore, there is analysed the development of cognitive peculiarities of speech, the poet's creative individuality, the harmony of lyric and dramatic forms on the example of the analysis of individual works.

Key words: dialogue, philosophical perception, literary communication, aesthetic essence, poetic speech, storytelling technique, the position of the poet, attitude, way of expression.

Кириш. Муайян шеърый шаклда кўнгил кечинмалари ҳамда руҳиятга кўчган туйғулар ифодаси ҳамisha бадий маҳорат билан пайвандланади. Шу маънода, тасвир руҳиятининг ўзига хослиги ҳамда ифода йўсини бетакрорлигига интилиш чинакам истеъдод соҳибларига хос. Тинимсиз изланиш, руҳий изтироблар натижасида шоир нозик кузатиш ва жонли мушоҳадани бир-бирига уйғунлаштиради. Ижодкор ҳар бир адабий талқинда инсон идрокини

тафтиш қилиш баробарида ҳаётий зиддиятларнинг фалсафий умумлашмаларини яратади. Бу жараёнда диалогик талқин аслида муаллиф ва қаҳрамон муносабати бирикувини таъминлайди. “Агар мунозара предмети – фалсафий масаладан иборат бўлса, шеър табиатига мувофиқ медитацияга айланади” [1.39]. Унда ижод фалсафаси ва ҳаётий мантиқ ўзаро яхлитлашади. Манфаат ҳамда эҳтиёж зиддияти поэтик диалог мустақиллигини юзага келтиради.

Мавзунинг долзарблиги ва ҳозирги ҳолати. Рухият тасвирининг намоён бўлиши шеърятда анча мураккаб кечади. Негаки, асосан оний кечинма асосига қуриладиган лирик ифодада таҳлил ва талқин ўзаро уйғун келиши лозим. Айниқса, шеърый асар диалог орқали ифода қилинса, бу жараён янада мураккаблашади. Маълумки, диалог асосан драматик ва насрий асарларда кўп қўлланилади. Бу ҳақида адабиётшунос олимларимиз томонидан бир қатор тадқиқотлар, илмий мақолалар яратилган. Лекин шеърятда диалог ва унинг бадиий талқини масаласи ўзбек адабиётида монографик тадқиқотга объект бўлмаган. Бу муаммо ҳозирги кунда адабиётшунослигимизда ўрганилиши лозим бўлган масалалардан биридир.

Олинган натижалар таҳлили. Аслида санъат ифодаси ва реаллик даражаси муаллиф позициясининг икки босқичи бўлиб, субъектив ибтидодан объектив интиҳога ўтиш тизими таҳлил малакасини белгилайди. Унда тавсиф, таъриф, муқояса ҳамда танлов марказий нуқтага кўчади:

Қадим донишмандлар демишлар бундоқ:
– Уч одамнинг бири Хизр эрур, боқ.
Мен-ку ишонаман, Хизрдир бири,
Қолган иккови ким? Буниси жумбоқ! [4.76].

Тушунча мустақиллиги ҳамда ғоя муқобиллиги асосига қурилган шеърда муаллиф ва қаҳрамон муносабати яхлитликда намоён бўлади. Идрок қалити – эстетик баҳолаш мезони айнан ижоднинг ҳаёт билан узвий алоқасини далиллайди. Шоир одатий қарашлардан бадиий ҳақиқат ҳосил қилади: фалсафа ҳамда мантиқ ҳамкорлиги ҳукм-хулосанинг ўзига хослигини таъминлаган ҳолда мифопоэтик талқин инсон руҳий ҳолати мураккаблигини тасдиқлайди.

Шеърдаги “Қолган иккови ким?” – ўзгача йўсинда берилган мазкур савол залвори ўта мунозарали. Яширин моҳиятга кўчган риторик муносабатда ифода ҳамда тасвир бир-бирини тўлдиради. Эътиборли жиҳати, мулоқот шаклида ҳам монологик кайфият, ҳам диалогик кескинлик акс этади. Фалсафий мушоҳаданинг тадрижий такомилли (“Буниси жумбоқ!”) таъсирчанликни янада оширади. Ифода тугалланмаганлиги эса мунозара китобхон қалбига кўчишига йўл очади. Кучли ижодий қувватга асосланган сатрлар сезги ва дунёқараш мувоzanатини кўрсатади.

Одатда, сўзнинг ички шакли ва онг моддий даражаси диалогик талқинга асос бўлади. Бадиий мазмунни белгиловчи омиллар бўлган оҳанг ва маром тифизлиги натижасида воқелик идроки янгиланади, бадиий шартлилик эса қайта ижодий тасаввурни шакллантиради. Негаки, лирикада сўз ва шакл уйғунлиги поэтик яхлитлик ҳосил қилади. Тушунча ва тимсол зиддияти эса эстетик қийматни оширади. Таъкидлаш жоизки, назмда монолог ва диалог қоришиқ ҳолда нутқнинг шаклда ифодаланишининг ўзига хос тарзини белгилаган ҳолда учинчи шахс – “Мен” тасвир руҳияти дахлсизлигини таъминлайди. Ўзига хос туйғуни тасвирда акс эттириш ва мушоҳадани ифода орқали англатиш жараёни лирика мағзини тайин этади:

Кўзларимга санчилгучи ушбу он,
Айтинг менга, анов кўзлар дўстмикан?
Ғамда ғамгин, қувонч кунимда шодон,
Найдай содиқ дўст йўқлиги ростмикан? [6.29].

Лирик субъект мурожаати асосига қурилган шеърда тазод - муносабат кескинлиги риторикани асосий ўринга кўтарган: “Айтинг менга” ундалмаси руҳий ҳолат зиддиятини қуюқлаштирган. Байтлар орасида вужудга келган қарама-қаршилик эса нутқий даражанинг монологдан диалогга кўчишини таъминлаган. Ҳаяжонли сатрларда туйғу ва онгнинг бир-бирини тақозо этиши муаллиф позициясидан қаҳрамон нутқига ўтган ҳолда адабий талқинни вужудга келтирган. Бир қарашда, савол залвори дил изҳори ҳамда шахс моҳиятидан иборатдек туюлса-да, моҳиятан ечимсиз муаммо ўқувчи дунёқарашда ғалаён уйғотади. Негаки, поэтик лавҳада ҳам ташбеҳ, ҳам тафсилот, ҳам тимсол мавжуд.

“Чинакам шеърда мантиқдан кўра туйғу устуворлик қилади. Бундай битикда мантиқ изчиллиги эмас, ҳиссиёт ва кайфият мунтазамлиги акс этган бўлади. Шоир олам ҳодисаларининг барча одам илғай оладиган реал кўринишини эмас, балки фақат уларнинг ўз руҳиятида қолдирган манзарасини чизади” [3.368]. Мазкур иқтибосдаги бир нечта жиҳат эътиборни тортади: биринчидан, ҳиссиёт ва кайфият мунтазамлиги муносабатни тавсифлайди,

иккинчидан, реал воқелик ҳамда руҳият манзараси бир-бирига рақобат ҳосил қилади, учинчидан, туйғу шеър асосини тайин этади. Айнан лирика “миссияси йўқ нарсани яратиш”дан (Хосе Ортего-и-Гассет) иборат экан, бадий нутқ даражаланиши муҳим вазифа бажаради. Мақсад ва вазифа тафовути муаллиф позициясини белгилайдиган етакчи омилларни, яъни сўзловчи ва тингловчи муносабати, таҳлил, талқин ҳамда тасаввурни туташтиради:

Дедилар: – Аё, пир, айлагил шафқат,
 Ҳақиқат бормикан, ростин айт фақат.
 Пир деди: – Тириксан, ҳақиқат шулдир,
 Бир куни ўлгайсан, бул ҳам ҳақиқат [4.105].

Мазкур мулоқот шаклида азалий ҳақиқатнинг мантикий таъкиди акс этади. Салобатли саволга ҳаётини зиддият ечим топади (“Тириксан, ҳақиқат шулдир, Бир куни ўлгайсан, бул ҳам ҳақиқат”). Шоир мавжудлик жумбоғига жавоб ахтаради. Зеро, тириклик ва ўлим ҳақиқатнинг икки томони. Муаллиф ва лирик қаҳрамон муносабати ҳаёт эстетик қийматини тадқиқ саҳнига чиқаради. Уни баҳолаш мезони фалсафий-бадий таҳлилга боғланади. Шу маънода, ифода билан бўйлашадиган руҳий кечинма тасвир аналогиясини вужудга келтириб, муқояса “тезис-антитезис” андозасини асослайди. Шеърда шаклдаги барқарорликдан мазмундаги аниқликка ўтиш диалоглашган тафаккур табиатини белгилайди. Бу эса муаллиф ва лирик қаҳрамон алоқасини туташтирадиган асосий ришта сифатида тасаввур, талқин ва таҳлил орқали намоён бўлади. Тасдиқ-инкор эса мунозара-муносабат асосини белгилайди.

Таъкидлаш керакки, лирик ифода субъекти ва тасвир объекти бир-бирини тақозолайдиган категориялардир. Ижодкор позициясининг бевосита ҳамда билвосита таъсири муносабатни тавсифлайди. Тасаввур жараёнида шеърини қаҳрамон шахсияти муаллиф дунёқараши билан тўқнашади ҳамда диалогик ифода воситаси сифатида ҳаракатдаги бадий воқеликни юзага келтиради. Доимий ўзгарувчан маъно ҳодисаси аслида ғоявий-эстетик моҳиятни асослайди. Унда мақсад ва вазифа бадий нутқнинг ўзига хослигини тайин этган ҳолда мулоқот шакли матн даражасини белгилайди.

Юқоридаги шеърда лирик ва драматик шакллар уйғунлиги сезилади. Лирик ва драматик кечинмалар уйғунлигида акс эттирилган диалогик тасвирда шоир лирик “мени”ни ифода қилишда жуда қўл келган. Ваҳоланки, “Поэтик образ қалб оламидаги зоҳирий ва ботиний жараёнларни асосий тасвир объектига айлантириш, унинг фикр ва ҳиссиёт тарзини, ахлоқий қиёфасини кашф этишда анъанавийлик билан янгича ёндашув тамойиллари дадил омукталаштирилмоқда. Табиийки, бу жараёнда шаклий-услубий изланишлар соҳасида ижодий тажрибалар қилиш, янги кутилмаган ифода йўллари кўллашга зарурат туғилади” [2.8-9].

Дарҳақиқат, ҳар бир фалсафий концепция мантикий изчилликда моҳиятни бирлаштиради. Ваҳоланки, адабий талқинда муқояса (монолог ва диалог) рақобат ҳосил қиладиган дунёқараш босқичларини белгилайди. Аниқроғи, ижодкор кўнглида ҳам давр руҳияти, ҳам муаллиф шахси, ҳам қаҳрамон индивидуаллиги қоришиб кетади. Унда ижтимоийлашган мушоҳаданинг концептуал асослари бирлаштирилади. Шартли ифодада фаолият, дунёқараш, онг ва туйғу таҳлили барпо бўлади. Аслида ҳам давр руҳияти, ҳам шахс манфаатини боғловчи ришта ижтимоий муносабатлар дахлдорлигига боғланади. Шахс, ирода йўналиши мустаҳкамлиги инсонни муҳофаза қиладиган етакчи мезон ҳисобланади. Адабий талқинда айнан шоир руҳий кечинма эстетик қийматини баҳолашга интилади. Ҳар бир шеърда ижодкор инсон ботинида қабариб кўринадиган сезим товланишларини таҳлил марказига олиб чиқади. Унда адабий лойиҳа - муаллиф позицияси дахлсизлигига йўл очади. Туйғунинг реаллик даражасини белгилаши тасвир руҳияти ўзига хослигини тайин этади. Муттасил мавҳумликдан аниқликка кўчадиган лирик кечинма моҳиятан бадий мазмун танловига таянади. Сўз, маъно силжиши муаллиф ўй-мулоҳазаларини индивидуаллаштириш баробарида поэтик мантиқни уйғунлаштиради. Бинобарин, ғоявий-эстетик мақсад ва ижод фалсафаси умумий ҳолат манзарасидан тасвир миқёсининг аниқлиги томон кўчишига замин ҳозирлайди:

Сен, эй сен ҳилқатнинг ёвуз бандаси,
 Не бало солғайсан маъсум бошларга,
 Бўғилиб ётгандир виждонинг саси,
 Бошингни ёрсанг-чи уриб тошларга [5.18].

Мазкур шеърдаги лирик қаҳрамон мурожаатида муносабатли нутқ (адресат-адресант) зиддияти акс этади. Урғуланган поэтик ундалма (сен, эй сен) аслида “ҳилқатнинг ёвуз бандаси”га кучли нафратдан ҳосил бўлган. Эътиборли жиҳати, монолог шиддатида ҳам тавсиф,

хам ифода, ҳам таҳлил бир-бирига мослашади. Шеър тугал мунозара асосига қурилган бўлиб, унда сўз ички мантиғида уйғунлашган таҳлилда тасвир кескинлиги сақланади. Вафо истаётган лирик субъект “жафо ундан минг карра кўпроқ” эканидан ларзага тушади, “қадимий савол” залвори оғир ва оғриқли руҳий кечинма ҳосил қилади.

Шеърда фойдаланилган нутқ шаклига назар ташласак, кундалик мулоқот тизими иккинчи шахсга йўналтирилганлигини англаймиз. Айни пайтда, лирик тасвир объекти фақат ёрдамчи восита, муаллиф концепсияси ўз нуқтаи назарини белгилаб олишга интилади. Шунингдек, поэтик муддао ҳаётини амалиёт ёрдамида асосланади. Зеро, ҳукм-хулоса жиддийлиги шунга ишора қилаётгандек таассурот уйғотади. Мисралар ҳарорати, эстетик оҳанг ва идрок сезгиси ўзига хос манзара яратади. Шоир яратган сатрлар адабий талқин соддалиги, илғор анъаналарга муштарақлиги, нафислиги билан ажралиб туради. Унда сўз-мушоҳада-ғоя бирикуви баҳолаш мезонини вужудга келтиради, тасаввур намоиши муносабат аниқлигини белгилайди. Аслида туйғу ва онг зиддияти поэтик яхлитликда маромига етади. Тасвир руҳиятини белгилайдиган ички ва ташқи омиллар моҳиятан тушунчадан тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади:

Бугун синдирдингми кўнгилда найни,
Мулзамсан, гуноҳкор зотсан баайни?
Оҳ, виждон уйғонди!
Сўнг йиғлаб деди:

– Кеча сотган эдим сени, оғайни [4.97].

Бе ерда муаллиф сўз бадий кувват-ҳофизасини ошириш воситасида унга кўшимча фалсафий маъно юклайди. Шеърда бетакрор ривоя услуби, бир бутун бадий воқелик устуворлашади. Универсал ғоя ва унинг яхлит тасаввурга кўчган ифодаси ижодкор концептуаллигини белгиловчи омил бўлиб, муаллиф дунёқараши ҳиссий идрокни тартибга солади. Китобхон шоир яратган тасаввур орқали у билан руҳий кечинмадош бўлади. Негаки, бадий нутқда моддийлашган тушунча ахборот ҳамда образ диалогик тафаккур натижасида бунёд бўлади. “Бошқача айтсак, тилдан фойдаланишнинг ўзга шаклларида сўз ўзи атаётган нарса-ҳодисадан узилса, бадий нутқ таркибида, аксинча, у билан бирлашади, бунда сўзнинг номинатив-тасвирий маъноси актуаллашади” [7.255-256]. Айнан адабий талқинда сўз тушунча номинациясидан образ идрокига кўчади. Мазкур ҳолатда тасаввур аналогияси туйғу воқеланишига замин ҳозирлайди. Семантик ҳамда грамматик боғлам ривоя техникаси ўзига хослигини тавсифлайди. Тасаввурда аниқлашган ҳиссий даража эса истилоҳни шарҳлайди:

Шоир бир шеърида куйлади гулни,
Уни ўқиганлар: – Такрор! – дедилар.
Яна бир шеърида ёзди булбулни,

Уни ҳам: – Бу эски ашъор, - дедилар [4.61].

Бадий коммуникация лирик ифода субъектини белгиловчи етакчи омил, унда муносабат ва таҳлил бир-бирини тўлдирувчи аъзоларга айланади. Монологда диалог белгилари жилваланганидек, мулоқот шаклида ҳам изҳор, истак, иқрор, илтижо ҳамда эҳтиёж уйғунлашади. Туйғу манфаати аслида шеър тадрижини белгилайди. Мазкур тўртлик тасвир мувозанати негизига қурилган. Унда шоир ва шеър, гул ва булбул муқобиллиги поэтик объект таҳлилинини шакллантиради. Тасдиқни инкор қилиш тамойили икки байт алоқасини боғлайди.

Хулоса. Маълумки, шеър – идрок сезгисини янгилаш воситаси, сўз – туйғуни тасаввурга кўчириш курали, тушунча – мавҳумликни моддийлаштириш усули. Муносабат шакли эса мушоҳада тугаллигини шакллантиради, ифода мароми нутқ манзарасини гавдалантиради.

Умуман, лирикада диалог матн коммуникатив сарҳадларини ойдинлаштиради. Англаш воситаси сифатида бадий нутқ вазият-позиция-ахборот бирикувини таъминлайди. Бадий амалиётга йўналтирилган шеърини дунёқарашида муаллиф ҳамда қаҳрамон мунозара-алоқаси эстетик танловни таҳлил марказига олиб чиқади. Қадриявий мезон моҳиятан концептуал асосга эга. Ахборот узатиш ва қабул қилиш жараёнида лирик идрок субъекти ҳамда поэтик тасвир объекти орасидаги масофани муаллиф муносабати белгилайди. Муаллиф муносабатидан шоир шахсияти ўсиб чиқади, шоир шахсиятидан эса адабий талқин малакаси шаклланади. Бир қарашда, ижодкор диалог шаклида ифода ўйинини ўтказиб китобхон маънавий дунёсига дахл қилади ҳамда ўз ахлоқий ақидасини қатъийлаштириб олади. Унда субъектив ибтидо объектив интиҳо миқёсларини янги поэтик макон ҳамда замонга кўчиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Круглова Т.С. Лирический диалог как способ эстетического самоопределения русского символизма // Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова, № 4. 2009. – С. 39-43.

2. Жуманиязова Н. Истиклол даври ўзбек лирикасида услубий изланишлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011.
3. Йўлдошев Қ. Очкич сўз. – Т.: Тафаккур, 2019.
4. Орипов А. Адолат кўзгуси. – Т.: Адолат, 2005.
5. Рауф Парфи. Тавба. – Т.: Ёзувчи, 2000.
6. Шахрибону. Таниш сўқмоқлар. – Т.: Ёзувчи, 2001.
7. Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Академнашр, 2018.

УДК 81-13

ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Г.Д. Махмудова, преподаватель, Андижанский государственный медицинский институт, Андижан

Annotatsiya. Ushbu maqola ingliz tilini o'qitishda loyiha texnologiyasi, interfaol ta'lim, elektron o'quv qo'llanmalaridan foydalanish va kompyuter taqdimotlaridan foydalanish haqida bayon etiladi.

Kalit so'zlar: bolalarni o'qitishda innovatsion texnologiyalar, zamonaviy ta'lim tendentsiyalari.

Аннотация. в статье представлены технологии проекта, интерактивное обучение, использование электронных учебных пособий и использование компьютерных презентаций при обучении английскому языку.

Ключевые слова: инновационные технологии в обучении детей, тенденции современного образования.

Abstract. this article presents project technology, interactive learning, the use of electronic teaching aids and the use of computer presentations in teaching English.

Key words: innovative technologies in teaching children, trends in modern education

Знание иностранных языков сегодня не только культурная, но и экономическая потребность, условие успешной деятельности человека в самых разных сферах производства, бизнеса. Коммуникативно-речевое и социокультурное развитие школьников, развитие их способностей использовать иностранный язык как инструмент общения в «диалоге культур» помогают учащимся осознать роль иностранного языка как средства международного общения. Тенденции современного образования, в том числе и ученики заставляют учителя идти в ногу со временем, осваивать новые педагогические технологии. Согласно образовательному стандарту, обучение английскому языку преследует две основные цели: развитие иноязычной коммуникативной компетенции, которая подразумевает развитие речевой, языковой, социокультурной, учебно- познавательной компетенций; развитие и воспитание способности и готовности к самостоятельному и непрерывному изучению английского языка: а) дальнейшему самообразованию с помощью английского языка в других областях знаний; б) развитие способности к самооценке через наблюдение за собственной речью на родном и английском языках; в) личностному самоопределению учащихся в отношении их будущей профессии; г) формирование гражданина и патриота. Поставленные цели могут быть реализованы при применении всех групп образовательных технологий, в том числе инновационных.

Применение инновационных технологий в обучении английскому языку. В соответствии с современными требованиями, предъявляемыми к системе образования и результатам обучения, образовательный процесс строится на основе деятельностного подхода, использования интерактивных форм и методов обучения, предполагаемые задания носят личностный смысл и направлены на активное речевое развитие. В основе интерактивных методов обучения лежит совместное обучение или обучение во взаимодействии. Следует отметить, что образовательные технологии не используются изолированно. Идет активный процесс их интеграции. Технология интегрированного обучения является основополагающей на занятиях английского языка. Интегрированные занятия не отличаются от традиционных занятий по типам и формам. Это занятия формирования навыков и умений, занятия их развития, занятия их применения на практике и занятия контроля и проверки. Различие в том, что все типы и формы интегрированных занятий подразумевают достаточно большой информационный блок на самом занятии и самостоятельную работу по решению какой-либо задачи. Исходя из опыта, могу утверждать, что изучение материала небольшими блоками не ведет к формированию системы знаний. Процесс осознанного, глубокого усвоения материала замедляется. Технология интегрированного обучения позволяет сделать процесс изучения

английского языка более эффективным. Здесь эта технология реализуется посредством применения разнообразных методов и форм работы. Основная задача преподавателя в обучении детей умениям самостоятельно добывать нужную информацию, анализировать получаемые знания и применять их для решения новых задач. Для этого в своей работе я применяю несколько описанных ниже технологий.

Интерактивные технологии. Интерактивное обучение – это специальная форма организации познавательной деятельности. Она имеет в виду вполне конкретные и прогнозируемые цели. Одна из таких целей состоит в создании комфортных условий обучения, таких при которых ученики чувствуют свою успешность, свою интеллектуальную состоятельность, что делает продуктивным сам процесс обучения. Суть интерактивного обучения состоит в том, что учебный процесс организован таким образом. Что практически все ученики оказываются вовлеченными в процесс познания, они имеют возможность понимать и рефлексировать по поводу того, что они знают и думают. Это базируется на сотрудничестве, взаимном обучении: ученик – учитель, ученик – ученик, при этом каждый является равноправным, равнозначным субъектом обучения. Интерактивные формы успешно решают задачи активного погружения учеников в языковую среду, включения в освоение языкового материала посредством практической деятельности, способствует повышению мотивации в изучении английского языка, формированию умения самостоятельно ее решить, развитию навыков самостоятельной работы с учебным материалом, работы в команде, самоконтроля. Учебный процесс проходит в постоянном взаимодействии всех учеников и преподавателя. К интерактивным технологиям относятся активные формы и методы, такие, как: игры – соревнования, ролевые игры, круглый стол, дискуссии, занятия - фантазии, карусели, аквариумы.

Технология обучения в сотрудничестве. С первых занятий в группе выявляются сильные и слабые ученики, и в дальнейшем это разделение становится все больше. Сильный ученик быстро усваивает материал и не допускает ошибок в выполнении заданий, это означает, что он научился его выполнять, и ему дополнительная практика не нужна. В то время, когда слабому ученику требуется еще помощь и время, сильный ученик всегда желает идти вперед. Технология обучения в сотрудничестве помогает решить эту проблему. Согласно этой технологии предполагается, что оказание помощи слабым ученикам дети в состоянии взять на себя, если они будут работать в небольших группах и отвечать за успехи каждого. Именно сотрудничество, а не соревнование лежит в основе обучения в сотрудничестве. Это означает также, что каждый ученик учиться в силу собственных возможностей и поэтому имеет шанс оцениваться наравне с другими. Если каждый затрачивает одинаковые усилия для достижения своего уровня ЗУН, то будет справедливо, если их усилия будут оценены одинаково, при условии, что каждый сделал, что мог. Помочь другу, вместе решить любые проблемы, разделить радость успеха или горечь неудачи должно быть естественным для каждого ребенка. Технология сотрудничества решает одну из главных задач на учебном занятии – обеспечение активной деятельности каждого ученика в течении всего занятия, максимальное увеличение времени говорения каждого. Групповое взаимодействие, направленное на решение учебной задачи, в которое каждый вносит свой вклад, стимулирует активность каждого ученика. Сюда относятся работа в парах с постоянно меняющимся или постоянным собеседником, малые группы и ротационные (сменные) тройки.

Технология проектов. Технология сотрудничества является основной при работе над проектом. В основе технологии проекта лежит развитие познавательных навыков учеников, умений самостоятельно конструировать свои знания и ориентироваться в информационном пространстве. Работая над проектом, ученики понимают, для чего они изучают новые слова и грамматические явления, где и как они смогут эти знания применить. Задача преподавателя – организовать самостоятельную познавательную деятельность каждого ученика в ходе работы над проектом. Проекты могут быть творческие, информативные, фантастические и др. Работая над проектом по одной теме, ученики изучают все аспекты проблемы. Выполняя проектные задания, предусмотренные программой, учащиеся приобретают опыт творческой и поисковой деятельности, готовя проекты как индивидуально, так и в небольших группах, осуществляют самостоятельный поиск и организацию дополнительного материала, в том числе с использованием новых информационных технологий. Ученики объединяются в группы и у каждого ученика в группе своя задача, выполнение которой и является важной формой работы, обеспечивающей успешный результат. Технология проекта дает положительные результаты и на начальной ступени обучения. Более того, чем раньше ученики начнут работать над

созданием проектов, тем выше будут их учебные достижения. Поэтому работа по созданию проектов становится неотъемлемой частью учебного процесса. Именно эта технология помогает моделировать ситуации, при которых изучение английского языка проходит при погружении в культурную среду носителей языка. При драматизации (одна из технологий работы с видеокурсами) ученики учатся быть речевыми партнерами, совершенствуют коммуникативные навыки через общение на английском языке. Использование информационно-компьютерных технологий. Пособия, содержащие интерактивные игры, анимации, помогают решить проблему мотивации: привнесение элементов творчества – все это способствует оптимизации учебного процесса. Сейчас имеется большое разнообразие современных мультимедийных учебных пособий, например: «Профессор Хиггинс. Английский без акцента» особенно хорошо помогает в проведении фонетических зарядок. Учащиеся наблюдают на экране компьютера за артикуляционными движениями и воспринимают на слух правильную интонацию. «Английский базовый курс» содержит 60 текстов для аудирования на темы по истории, культуре, быту Великобритании и США. «Учим английский язык» - мультимедийный курс, рекомендуемый для детей от 3 до 8 лет, но некоторые материалы можно использовать и для других возрастных групп. Технология компьютерных презентаций. Применение компьютерных презентаций в учебном процессе позволяет интенсифицировать усвоение учебного материала учениками и проводить занятия на качественно новом уровне, используя вместо аудиторной доски показ слайд – фильмов с экрана компьютера. Визуальная насыщенность учебного материала делает его ярким, убедительным и способствует интенсификации процесса его усвоения. Компьютерные презентации позволяют акцентировать внимание учеников на значимых моментах излагаемой информации и создавать наглядные эффектные образы в виде иллюстраций, схем, диаграмм, графических композиций. Презентация позволяет воздействовать сразу на несколько видов памяти: зрительную, слуховую, эмоциональную и в некоторых случаях моторную. Обладая такой возможностью, как интерактивность, презентации позволяют эффективно адаптировать учебный материал под особенности учеников. Использование компьютерной презентации на уроке позволяет: повысить мотивацию учеников; использовать большое количество материала; вовлечь учащихся в самостоятельный процесс обучения, что особенно важно для развития их обще учебных навыков.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. А.В. Могилёв “Интернет приходит в школу”, Воронеж, ВГПУ, 2001.
2. А.Б. Антопольский, Т.С. Маркарова, Е.А. Данилина Правовые и технологические проблемы создания и функционирования электронных библиотек. - М.: ИНИЦ «Патент», 2008.
3. Белкова М. М. Информационные компьютерные технологии на уроках английского языка//Английский язык в школе. 2008.
4. Беляева Л.А., Иванова Н.В. Презентация PowerPoint и ее возможности при обучении иностранным языкам//Иностр. языки в школе.2008, №4.
5. Бершадский, М. Информационная компетентность//Народное образование. - 2009 - №4. - с.139

УДК 808.3

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МОТИВАЦИОННЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ИГРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА В ВУЗАХ

Е.В. Милованова, старший преподаватель, Каршинский Государственный университет, Карши

Аннотация. Ушбу мақола олий ўқув юртларида рус тили ўқитиши сифатини оширишнинг асосий жиҳатларидан бири сифатида педагогик ўйинлар ва ўйин технологияларидан фойдаланиш хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ этишига бағишланган.

Калит сўзлар: мотивация, ўйинлар, рус тили, таълим сифати.

Аннотация. Данная статья посвящена изучению и исследованию особенностей использования педагогических игр и игровых технологий в качестве одного из главных аспектов повышения качества обучения русскому языку в вузах.

Ключевые слова: мотивация, игры, русский язык, качества обучения.

Abstract. This article is devoted to the study and research of the features of using pedagogical games and game technologies as one of the main aspects of improving the quality of Russian language teaching in higher education.

Key words: motivation, games, Russian language, the quality of education.

«Игра в руках хорошего организатора, - по словам К.Д. Ушинского, - превращается в действенное орудие, как обучения, так и воспитания, требуя от учеников большого умственного напряжения и в то же время принося им огромное удовольствие и удовлетворение». Отличительная особенность игр заключается в том, что они являются не только развлечением или кратким перерывом, отдыхом, но и в том, что они могут быстро перерасти в обучение, воспитание, творчество, модель типа человеческих отношений и проявлений в труде. Известно, что с древних времен, игры применялись с целью обучения младшего поколения старшими передавать набранный опыт. Огромный интерес для нашей работы представляет материал проведенные исследования вышеуказанных ученых в области структуры, преимущества, особенностей, функций игровых технологий, которые исследованы вышеуказанными учеными служат основой для изучения поставленной проблемы в данной работе. Умственная активность обучающегося повышается при наличии и применении интересных игр на занятии, так как при помощи них учащийся может легче решить задачу, кажущейся изначально трудной. Однако это не подразумевает того, что урок полностью сопровождается игровыми элементами, поскольку игра- это один из методов, широко применяемых к настоящему времени, и эффективность подобного метода достигается лишь в сочетании с другими методами и приемами, к примеру, наблюдения, беседы, дискуссии, парные и групповые работы и обсуждения и т.д. Играя, обучающиеся учатся применять свои знания и умения на практике, пользоваться ими в разных условиях.

Стоит отметить важным тот факт, что проводимые преподавателем организационно-обучающие игры в процессе обучения студентов русскому языку значительно способствуют активизации вовлеченности обучающихся в учебную деятельность, также организация в учебной аудитории различных проектных работ, круглых столов для обсуждения в нескольких группах ту или иную тему, особенно ролевых игр и других индивидуальных, парных или командных работ служит основным источником для повышения мотивации студентов к изучению русского языка и сравнительно ускоренному усвоению учебного материала. Основным мотивирующий элемент применения педагогических игр и игровых технологий в ходе обучения русскому языку в вузах с неязыковой направленностью образования является то, что они создают возможность для каждого обучающегося вырабатывать в себе желание проявлять собственную инициативу и стремление к самостоятельности, что, в свою очередь, способствует повышению интереса студента к содержанию, целым и задачам обучения.

Однако когда речь идет о преимуществах применения ролевых игр в обучении русскому языку в профессиональных высших учебных заведениях, стоит заметить, что и помехи, возникающие в процессе их использования требуют от преподавателя разработки отдельных подходов к решению таких сложностей, как:

- нехватка необходимого навыка (как у педагога, так и у студентов)
- дисбаланс информации
- ошибка в оценке уровня подготовленности учащихся
- несоответствие упражнений теме занятия и уровню знаний учащихся

В ходе широкого введения ролевых игр в учебную деятельность современного образования стало известно, что показатели интерактивности студентов в процессе изучения учебного материала, а в данном случае русского языка в вузах, сравнительно высокие, так как в ролевых играх студентам предлагается активно взаимодействовать друг с другом, а также с преподавателем, исполнять различные роли, применяя, например жесты и мимику, продемонстрировать определенную ситуацию или решить определенную проблему. Подобные приемы помогают совершенствованию не только навыков профессионального общения и речевой деятельности на русском языке, но и навыков критического мышления, логики, когнитивных способностей обучающихся, умение находить разумные решения в различных проблемных ситуациях. К примеру, исполняя роли различных сказочных персонажей, героев произведений на занятии русского языка, студенты могут развивать не только свои творческие способности, но и навыки эффективной речевой деятельности на русском языке с профессиональной позиции, а также формирование общеучебных умений. Помимо воспитательной, обучающей, стимулирующей функций игровых технологий и ролевых игр, в них присутствует и социальная значимость, подразумевающая как активизацию знаний, так и развитие коллективных форм общения студентов. В вузе игровая деятельность может использоваться в следующих случаях: в качестве самостоятельной технологии для освоения определенной темы; в качестве целого занятия или его части (введения, объяснения, закрепления, контроля или упражнения); при организации

внеаудиторной работы. При систематическом использовании на уроках игровых технологий наблюдаются следующие результаты:

- формируются терпение, настойчивость, ответственность, любознательность;
- стремление к познавательной деятельности;
- вырабатывается умение самостоятельно добывать знания и применять их на практике;
- создается положительный морально-психологический климат в группе;
- повышается уровень развития коммуникативных навыков студентов;
- развивается наблюдательность, умения видеть необычное в знакомых вещах. По

причине того, что коллективный характер является другой важной особенностью игры, необходимо чтобы эта особенность подразумевала строение отношений друг с другом на основе сотрудничества, укрепление которого относится к задаче преподавателя. Для того, чтобы эффективно воспользоваться имеющимися мотивационными возможностями игр и игровых элементов в процессе обучения русскому языку студентов специальности педагогу, прежде всего, требуется обладать такими качествами, как внимательность, наблюдательность, тщательность при оценивании знаний учащихся, а также энтузиазм при проведении занятия, ибо на повышение мотивации студентов оказывает позитивное влияние не только ролевая игра или другая игровая технология, но и тот энтузиазм, с которым преподаватель преподносит студентам учебный материал.

Таким образом, если всецело рассмотреть современные методы, педагогические приемы и подходы, используемые в процессе преподавания русского языка в качестве иностранного студентам с направленностью образования, то можно сделать вывод, что введение элементов игры и игровых технологий в учебно-образовательную деятельность.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Эльконин Д.Б. Психология игры. - М., 1991.
2. Ливингстон К. Ролевые игры в обучении иностранным языкам. - М., 1988.
3. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. - М.: Народное образование, 1998.

УЎК: 869.0(81)

ГЁТЕНИНГ “ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ” АСАРИДА ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАР ТАРЖИМАСИ

М.Х. Назарова, ўқитувчи, Гулистон давлат университети, Гулистон

Аннотация. Мақолада таржима жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романининг немис тилидан ўзбек тилига қилинган таржималарида тасвирий воситалари мисолида тахлил қилинди. Қиёсий тахлил шуни кўрсатдики, тарихий ва маданий маънога эга сўзлар, шунингдек мажозий маънога эга бўлган сўзларни таржима қилишида ўзига хос хусусиятларига эга.

Калим сўзлар: бадий таржима; тасвирий воситалар; мажозий маъно; тарихий субматн; маданий субматн.

Аннотация. В статье анализируются особенности процесса перевода в целом, а также особенности перевода образительных средств в частности на примере переводов романа И. В. Гёте «Страдания юного Вертера» с немецкого на узбекский язык. Путём сопоставительного анализа выявляются особенности перевода слов, имеющих переносное значение, а также слов с историческим и культурным подтекстом.

Ключевые слова: художественный перевод; образительные средства; переносное значение; исторический подтекст; культурный подтекст.

Abstract. The article analyzes the specific features of the translation process as a whole, as well as the features of the translation of artistic means, in particular, taking as an example the novel “The Sufferings of Young Verter” written by Goethe and its translation from German into Uzbek. Comparative analysis reveals the specific features of the translation of the words that have a figurative meaning, as well as words with historical and cultural implications.

Keywords: literary translation; artistic means; figurative meaning; historical implication; cultural implication.

I. Кириш. Маълумки, бадий-тасвирий воситалар бадий асарнинг ташқи беағи ҳисобланади. Бинобарин, бирор бадий асарни таржима қилганда ундаги ана шу тасвирий воситаларни тўғри қайта тиклаш лозим. Ана шундагина у таржима тилида сўзлашувчи

китобхонда худди асл нусхадек таассурот қолдиради. У ёки бу асардаги бадий-тасвирий воситаларнинг ўзбек тилида берилиши масаласини илмий тадқиқ қилиш таржима назариясидаги энг ўзак масалалардан бири бўлиб, тадқиқотчининг илмий-амалий хулосалари таржимонга маълум асарни бутун бадий жилоси, таровати билан қайта тиклашда ёрдам бериши табиий. Ҳалигача кенг миқёсда тадқиқот объекти қилиб олинмаган, немис тилидан бевосита ўзбек тилига таржима қилинган, турли даврларда яратилган, турлича характерга эга бўлган асарлар таржимаси мисолида ушбу масаланинг номзодлик диссертацияси учун мавзу сифатида танланиши беҳад муҳимдир.

II. Тадқиқотнинг мақсади ва қўлланилган усуллар. Тадқиқотнинг мақсади - танланган мавзу доирасида ўзбек тилига бевосита немис тилидан таржима қилинган, юқорида қўрсатилган романни илмий таҳлил қилиш ва ундаги бадий-тасвирий воситаларнинг нечоғлик ўзбек тилида тикланганини ёритиш, шу таҳлиллار асосида илмий хулосалар чиқариш. Тадқиқот объекти ва методи қилиб, ўзбек тилига немис тилидан бевосита таржима қилинган немис мумтоз ёзувчиси Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романи (таржимон Янглиш Эгамова) таржималари олинади. Тадқиқот қиёсий-услубий метод асосида олиб борилади. Бу усул муаллиф ва таржимон услуби ва сўз қўллашдаги маҳоратини қиёсий йўсинда тўғри очиб бериш имконини беради.

III. Натижалар ва уларни таҳлили. Таржима ҳақида сўз борар экан, уни чин маънодаги санъат деб айтишимиз мумкин. Санъат бўлганда ҳам улкан меҳнат талаб қилувчи машаққатлар эвазига эришиладиган санъатдир. Таржиманинг роли ҳозирги кунда бениҳоя ортиб, бир тилдан иккинчи тилга кўплаб асрлар, шеърлар, илмий матнлар ва кинофильмлар таржима қилинмоқда. Таржима – бу бир халқнинг маънавий бойликларини етказиб беришда ҳамда илмий алоқаларни йўлга қўйишда энг тўғри йўлдир. Бадий таржима туфайли жаҳон адабиётининг инглиз, немис, испан, рус, қозоқ ва ўнлаб тиллардаги асарларини ўзбек тилида ўқишимиз мумкин. Албатта, бунда моҳир таржимонларнинг ўрни беқиёсдир. Буюк рус олими В.Г. Белинский таржима хусусида қуйидаги фикрни илгари сурганди: “Бадий таржиманинг битта қоидаси бор: бу – таржима қилинаётган асарнинг руҳини беришдан иборат, бунинг учун эса асарни, агар автор башарти рус бўлганида, ўзи ҳам шундай ёзган бўлар эди - деган мақомда таржима қилиш керак. Бадий асарларни бундай ўгириш учун туғма санъаткор бўлиш даркор” [5, 34]. Шундай қилиб, В.Г. Белинскийнинг фикрича, бадий таржимада асарга бирон нарса қўйиш, ундан бирон нарсани олиб ташлаш ёки уни ўзгартириш мумкин эмас. Таржима қилишдан мақсад – тилни билмаслик натижасида китобни ўқишга муяссар бўлолмаган кишиларга уларнинг ўз она тилида ўқиб баҳра олишлари учун мумкин қадар асл нусха ўрнини босадиган асар яратишдан иборат, токи ана шу таржима орқали китобхон асардан баҳраманд бўлсин ва у тўғрида фикр юрита олсин [5, 35].

Ўзбек тилига таржима қилинган, асл нусха ўрнини боса оладиган, китобхон баҳраманд бўлиб, у ҳақида фикр юрита оладиган кўплаб асарларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шундай асарлар сарасига кирувчи ўзбек тилига бевосита немис тилидан таржима қилинган асар “Ёш Вертернинг изтироблари” хусусида фикр юритмоқчимиз. Бу асар буюк немис шоир ва ёзувчиси И.В. Гёте қаламига мансуб бўлиб, жаҳон адабиёти тарихида бошқа бирон бир асарга насиб этмаган шон-шухрат билан йўғрилган романдир. 1774 йил эса тарихда ана шу асарнинг яратилиши билан машҳурдир. Ўша вақтларда немис тилининг ўрни халқи орасида жудаям паст бўлиб, кўплаб йиғинлар, мажлислар бошқа тилда олиб борилар, хатто задогонлар оилаларида француз тилида сўзлашишарди. Немис тили ва адабиётининг асосчиси сифатида И.В. Гёте ўз асари орқали немис тилининг бениҳоя гўзал ва бой тил эканлигини исботлаб беролган. Асар босилиб чиққаниданок қўлдан-қўлга ўтиб, тез орада юзлаб тилларга таржима қилиниб, жаҳон бўйлаб тарқалиб кетди. Ёзувчи ушбу асарида ўша пайтларда урф бўлган эпистоляр, яъни хат усулидан фойдаланган ва роман қаҳрамонининг ўз дўстига ёзган хатлардан иборат. “Ёш Вертернинг изтироблари” романида ёш Гёте ўша даврдаги ҳар тарафлама илғор фикрли, зукко ва сезгир қалбли йигитнинг гўзал кечинмалари, эҳтиросларини ўзида жамлаган қаҳрамон образини яратиш билан адабиётда янги шакл ва янги мазмун яратиш тарафдорларига хос бўлган қирраларини очиб берди. Юракларни титратувчи, ларзага солувчи бу роман қаҳрамони – покиза қалб эгаси Вертернинг муҳаббати, унинг кечинмаларини ўзбек китобхонларига етказиб берган таржимон Янглиш Эгамова ўрнини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир.

Гётенинг дастлабки насрий асари ҳисобланган “Ёш Вертернинг изтироблари” романи ўзбек тилига 1975 йилда таржима қилиниб, китоб нашрдан чиққач ўзбек китобхонлари орасида тез тарқалиб кетди. Ўша йиллардаги таржима ноёб нусхага айланиб кетган. У 2006

йилда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан айнан ўз ҳолича қайта нашр қилинди ва бу 1975 йилги нашр ўрнини босади. Таржимон Гёте асарларини доим мутолаа қилиб, ёзувчи услубининг оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган сирларини астойдил қидириб топа бошлаган ва ўз таржимасида ҳам бу нарсаларни акс эттира олган. Асарни ўқир эканмиз, унинг тилимиз хазиначидан усталик билан фойдаланганлигини кўрамиз ва таржимоннинг бадиий маҳорати ва ҳалол меҳнати “Ёш Вертернинг изтироблари” романининг ўзбек тилида муваффақият билан қайта тикланишини таъминлади деб айта олиш мумкин.

Я. Эгамованинг фикрича: “Таржимон асарнинг унда тасвир этилган воқеаларнинг ичига кириб бориши, қаҳрамонлар билан бирга йиғлаши, бирга кулиши, бирга ўйлаб ҳис этиб, бирга ҳаракат қилиши, хуллас ўшалар орасига қўшилиб кетиши зарур” [1, 4]. Романни ўзбек тилида мутолаа қила туриб, шундай хулосага келиш мумкинки, таржимон ҳам ўзи айтганидек қаҳрамонининг дардларига шерик бўлиб, у билан бирга ҳис этиб, бирга кулиб, бирга йиғлаб унинг дилидаги қайғу ва қувончларини ўз тилимизда табиий ифодалашга, бадиий тасвирнинг гўзаллиги ва жонлилигига эриша олди. Фикримиз далили сифатида романнинг асл нусхасидан ва ўзбекча таржимасидан мисол келтирсак:

Немисчаси: Wenn da diese herrliche Natur so starr vor mir steht wie ein lackiertes Bildchen und alle die Wonne keinen Tropfen Seligkeit aus meinem Herzen herauf in das Gehirn pumpen kann und der ganze Kerl vor Gottes Angesicht steht wie ein versiegter Brunn, wie ein verletzter Eimer. Ich habe mich oft auf den Boden geworfen und Gott um Tränen gebeten, wie ein Ackermann um Regen bittet, wenn der Himmel ehern über ihm ist und um ihn die Erde verdürstet. [2, 79]

Ўзбекчаси: “Мана шу кўркам табиат худди суратдек жонсиз туюлади менга: мана шу гўзалликларнинг бариси юрагимда заррача хаяжон уйғотолмайди ва сезгиларга таъсир этолмайди; мен шўрлик тангрим назарида суви қуриган кудукқа, қақраган челаққа ўхшаб турибман. Қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, ер сувсизликдан ҳансираб ётганида деҳқон ёмғир тилаб, худога ёлворганидек, мен ҳам кўз ёши сўраб, тиз чўкиб худои таолога тинимсиз илтижо қиламан.” [3, 84]

Кўряпмизки, таржимон ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрларни тўлақонли, шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзбек тили луғат бойлигидан унумли фойдаланиб ўзбек ўқувчисига етказиб беришга муваффақ бўлган. Таржимада ўхшатиш, сифатлаш каби тасвирий воситалар ҳамда асар қаҳрамонининг ҳолати ҳам ўз ўрнида тўғри ёритилган: diese herrliche Natur - мана шу кўркам табиат; so starr..wie einlackiertes Bildchen - худди суратдек жонсиз; alle die Wonne - гўзалликларнинг бариси ; vor gottes Angesicht - тангрим назарида. Таржимон der ganze Kerl бирикмасини бутун бошли бола деб эмас, балки мен шўрлик деб, sich auf den Boden werfen жумласини “ерга ўзини отмоқ” деб эмас, “тиз чўкиб илтижо қилмоқ” деб, “die Erde verdürstet” жумласини эса “ер чанқаб ётганда” эмас, балки “ер сувсизликдан ҳансираб ётганда” деб қаҳрамон руҳиятидан келиб чиқиб, ширали қилиб ўгирган. Мисолда келтирилган ўхшатишларнинг таржималари ҳам wie ein versiegter Brunn - суви қуриган кудукқа; wie ein verletzter Eimer - қақраган челаққа ўхшаб; wie ein Ackermann um Regen bittet - деҳқон ёмғир тилаб худога ёлворганидек, ўзбек тилида ўз муқобиллари билан узукка қўйилган кўздай мос тушган, деб айтиш мумкин. Маълумки, бошқа – бошқа тил системаларига мансуб бўлган немис ва ўзбек тилларининг синтактик табиати бир – биридан фарқ қилади. Ушбу таржимада ҳам жумла қурилиши ўзбек тили қонун - қоидаларига мос ҳолда ўтирилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ёзувчи ушбу асарда эпистоляр яъни хат усулидан фойдаланган бўлиб, асар қаҳрамони бошидан кечирган ҳамма воқеа ҳодисалар ва ўзининг ички кечинмаларини, ўз дўстига ҳикоя қилиб хат ёзади. Шоир табиатли Вертер ҳаётда ўзини ёлғиз ҳис этиб, табиат манзараларини кузатаркан, улардан завқ олади ва бу бевафо дунёда у ўзига ҳақиқий дўст кидиради. Атрофидаги одамлар, болалар ва уларнинг яшаш тарзи-ю фикр ўйларига ҳаммасига у бефарқ эмасди ва уларга имкони доирасида ёрдам қўлини чўзарди. Таржимон талқинидаги ўзбекча сўзловчи “Вертер” ҳам ана шундай қаҳрамондир. Шоиртабиатли қаҳрамонимиз гўзал табиат манзараларидан завқ олиб, сокинлик, танҳоликни ўз қалбига дармон деб биларкан шундай гапларни хаёлидан ўтказади:

Немисча: Jeder Baum, jeder Hecke ist ein Strauss von Blueten, und man moechte zum Maikaefer werden, um in dem Meer vom wohlgeruechen herumschweben und alle seine Nahrung darin finden zu koennen [2, 75]

Русчаси: Каждое дерево, каждый куст распускаются пышным цветом, и хочется, быт майским жуком, чтобы плавать в море благоуханий и насыщаться ими (4, 83)

Ўзбекча: Ҳар бир дарахт, ҳар бар бутуқ бамисоли гулдастадек туюлади ва хушбўй ҳидлар денгизида сузиш ҳамда улардан лаззатланиш учун капалак бўлиб қолгинг келади [3, 84]

Ўзбек тилидаги “Ёш Вертернинг изтироблари”ни ўқиганда таржимонга қахрамонларнинг характериға хос бўлган танҳолик, изтироб, хаёлпарастлик каби хусусиятлар, унинг фикрлаш тарзигача яхши таниш бўлганлиги маълум бўлади. Таржимон гўё қахрамоннинг ўзи бўлиб ҳис қилади: *Wie ich mich unter dem Gespräch in den schwarzen Augen weidete! Wie die lebendigen Lippen und die frischen muntern Wangen meine ganze Seele anzogen* (2, 36).

Суҳбат давомида мен унинг тим қора кўзларига шу қадар ҳавас билан тикилдимки! Унинг роҳатбахш лаблари ва тиниқ, хушрўй чехраси бутун борлиғимни шу қадар ўзига ром этган эдики! [3, 40]. Бу ерда “die lebendigen Lippen” ҳамда “die frischen muntern Wangen” сўзлари таржимаси диққатга созовордир. Уларни ўзбек тилида ифодалашда шундай сўзлар танланганки, гап унинг севгилиси ҳақида эканлиги дарҳол аён бўлади. Вертернинг нутқидаги Лоттага бўлган муҳаббатини ифодаловчи туйғулари аниқ сезилиб туради. Ўзбек тилида ҳам шу мазмунга мос келадиган “роҳатбахш лаблари” ва тиниқ, хушрўй чехраси каби чиройли сўзлар танланган.

Вертернинг биринчи саҳифаларидаги хатлардан унинг ўй-хаёллари билан бирга табиат манзаралари, ижтимоий муаммолар ва унинг атрофидаги одамлар ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Табиат манзаралари тасвирини ўқир эканмиз, гўё ўзингизни ўша гўзал манзарада Вертер ёнидагидек ҳис қиласиз.

Немис тилида: *Wenn das liebe Tal um mich dampft und die hohe Sonne an der oberfläche der undurchdringlichen Finsternis meines Waldes ruht und nur einzelne Strahlensich in das innere Heiligtum stehlen, ich dann im hohen Grase am fallenden Bache liege und näher an der Erde tausend mannigfaltige Gräschen mir merkwürdig werden; wenn ich das Wimmeln der kleinen Welt zwischen Halmen, die unzähligen, unergründlichen Gestalten der Würmchen, der Mürkchen näher an meinem Herzen fühle, und fühle die Gegenwart des Allmächtigen, der uns nach seinem Bilde schuf, daswehen des Allliebenden, der uns in ewiger Wonne schwebend trägt und erhält* [2, 153].

Ўзбек тилида: Кўркам водийдан ҳовур кўтарилиб, тушки куёш ним қоронғу қалин ўрмон устида турган ва якка – ярим нурлари унинг қадам етмас оралиғига ёриб кирган чокда мен жўшқин анҳор бўйида, ўсиқ ўтлар устида ётганимча ердаги минглаб ажойиботларга ҳайрат билан боқаман: ўт-ўланлар орасида ғимирлашга митти мавжудотларнинг, сон-саноксиз қурт-қумурсқаларнинг юрагимга яқинлигини ҳис этаман; бизни шу йўсинда яратганинг қудратини мутлак, ҳузур-ҳаловат оғушига етакловчи олло-таолонинг ҳозирлигини сезаман [3, 167].

Шу тариқа таржимон китобхонни қахрамон характеридаги муҳим бўлган ҳиссиётлар билан таништиради. Таржимани ўқиганда, Вертернинг табиат манзараларидан нечоғлик баҳра олишини, бу манзаралар унинг ички оламига нечоғлик уйғун эканлигини ҳис этамиз.

IV. Хулосалар. Асардаги бадиий – тасвирий воситалар, кўриб утганимиздек, турли – туман стилистик мақсадларда қўлланилади, улар бадиий асарнинг мағзини, ширасини ташкил этади. Муаллиф мақсадини, қахрамонлар руҳий оламини, изтиробу шодлиқларини, табиатга, одамларга муносабатини лўнда, ширали тилда очиб беришга ҳаракат қилади. Улар таржимада ҳам айнан ўз аксини топса, таржима ўқувчиси ҳам ўша асардан худди асл нусхани ўқигандек баҳра олади. Шунингдек, аслият тилидан бевосита ўгирилган ҳар қандай асар таржимаси асарнинг мазмун ва шакл бирлигини сақлаб қолишга хизмат қилади ва бу эса унинг билвосита қилинган таржималардан афзаллик томонларини кўрсатади. Ғарб ва Шарқ адабий алоқаларини кузатишда, таржимон маҳорати сирларини ўрганишда назарий дастур ва қўлланма бўлиши мумкин. Шунингдек, тадқиқотда олиниши кутиладиган натижалардан таржима назарияси ва амалиёти курсларини ўқитишда, олмон адабиёти тарихи, немис-ўзбек адабий алоқалари юзасидан ўтиладиган машғулотларда фойдаланиш мумкин. И. В. Гёте инглиз, француз, хитой, славян, итальян, форс, араб адабиётларини таҳлил қилиб, дунёдаги барча халқлар ва адабиётлар учун хос бўлган муштарак хусусиятларни, уларни бир-бирига боғлаб турувчи умумий тараққиёт қонунларини кашф қилишга интиланган. Хулоса сифатида у биринчи бўлиб “Жаҳон адабиёти” истилоҳини қўллаган. Шоир инглиз, иброний, итальян тилларини яхши билган. Араб тили ҳақида етарли маълумотларни эгаллаган. “Ким ўзга тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушунмайди”, деган сўзлари тагида ҳам шоирнинг Ер қуррасидаги барча халқлар маданиятини бир-бирига яқинлаштиришдек эзгу нияти ўз ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эгамова Я. Истеъдод ва меҳнат самараси. – Т: Таржима санъати, 1998.
2. Goethe J.W. Die Leiden des jungen Werthers. – Berlin: BPL, 2015.
3. Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. Таржимон Я. Эгамова. – Т: Янги аср авлоди, 2006.

4. Гёте И.В. Собрание сочинений. Том 6: Страдания юного Вертера. Пер. Н. Касаткиной. – М: Художественная литература, 2008.
5. Саломов Ф. Тил ва таржима. – Т: Фан, 1996.

УЎК 81-13

“АСИЛ ВА КАРАМ” ДОСТОННИНГ ТУРКМАН ВЕРСИЯСИ ҲАҚИДА

Ў.С. Норбоев, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада “Асил ва Карам” достонининг туркман версиясининг бошқа туркий версиялар билан алоқаси ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади. Достондаги образлар, мотивлар, турли топонимик номлар, туркман бахшилари репертуарларидаги миллий вариантлар қиёсий аспектда тадқиқ этилади.

Калим сўзлар: “Асил ва Карам”, достон, туркман, вариант, версия, образ, мотив

Аннотация. В статье анализируются сходства туркменской версии дастана “Асил и Керем” с другими тюркскими версиями и ее своеобразие.

В сравнительном аспекте исследуются образы, мотивы, топонимы из дастана, национальные варианты из репертуара туркменских бахши.

Ключевые слова: “Асил и Керем”, дастан, туркмен, вариант, версия, образ, мотив

Abstract. The article analyses the relations and specific features of turkmenian version of the epic poem “Asil and Karam” with other turkish versions. The article comparatively studies characters, motives, different toponymic names, national variants in the repertoire of turkmenian bakhshis (epic poem singer) as well.

Key words: “Asil and Karam”, epic poem, turkmenian, variant, version, character, motive

Достоннинг туркман версияси оғзаки ва ёзма нусхалар орқали оммалашган. Туркман олимларининг таъкидлашларича, мазкур достон XIV-XV асрларда Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Қорабоғ, Диёрбакир, Курдистон, Ироқ каби вилоятларда тарқалган оқ қўйли ва қора қўйли туркман қабилаларининг турмушига алоқадор асарлардандир [1].

“Асли –Карам” достони бўйича номзодлик диссертация ёзган Амангул Дурдиева ҳам ўша фикрни тасдиқлайди [2]. Достоннинг туркман версияси 1943, 1965 йилларда чоп этилган [4].

Туркменистон мустақилликка эришгандан сўнг халқ ижодига бўлган этибор кучайди. А.Дурдиева “Асли –Карам” достонининг турли вариантлари ва қўлёзма нусхалари асосида тўла матнини тайёрлаб, 1998 йилда чоп эттирди. Аслида достоннинг чоп этилишида унинг 1916 йилда Тошкентда босилган тошбосма нусхаси асос қилиб олинган. Бироқ, мазкур достон ўша тошбосма нусха орқали кўплаб туркман қиссахонлари репертуарига ўтиб оммалашган ва аста-секин бахшиларнинг оғзаки ижросига кўчган. Бахарден мавзеида яшаган Човдир бахши ва Хўжаназар бахшилар бу достонни оғзаки равишда куйлаб юришган.

1928 йилда рус мусиқашуноси ўша бахшилардан “Асли –Карам” достонига алоқадор кўшиқларни ёзиб олган [3].

А.Дурдиеванинг ёзишича ҳозирги даврда (1970 йиллар) “Асли –Карам” достонини тўлалигича биладиган бахши йўқ [3].

Дарҳақиқат “Асли –Карам” достони “Саёт ва Ҳамро”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”га ўхшаш достонлар сингари оғзаки вариантларда Хоразмда ҳам кенг оммалашмаган. Бу достон туркманларда ҳам Хоразм минтақасида ҳам асосан қиссахонлар ва халфалар репертуарида тарқалган. Шу сабабли достоннинг қўлёзма нусхалари бир-биридан жиддий фарқларга эга эмас. Биз илгариги фаслимизда таҳлил этганимиз Хоним халфа репертуаридаги оғзаки вариант матнида сезиларли ўзгаришлар мавжуд. Чунки бадеҳағўйлик фақат оғзаки ижрога хос хусусиятдир.

Достоннинг туркман версияси кўплаб ёзма ва оғзаки вариантлар асосида тайёрланганлиги сабабли ўзбек версиясидан муайян фарқларга эга. Бироқ сюжетдаги мотивлар деярлик бир хил.

Туркман версиясида воқеалар қуйидагича берилди:

1. Табриз подшоси Зиёдхоннинг бефарзандлиги, унинг Имом Ризо қабрига сиғиниб, ўғил фарзандга эга бўлиши ва фарзандига Маҳмуд исмини қўйиши.

2. Маҳмуднинг куш учирлиши, унинг изидан қувиб, арманилар маконига келиши ва Зухра исмли қизга дуч келиши. Шу жойда уларнинг Карам ва Асил исмларини қабул қилишлари. Карамнинг қиз хузурида 40 кун қолиб кетиши.

3. Зиёдхоннинг Карамни қидиртириши ва тополмагани. Ногоҳонда Карамнинг уйига кириб келиши ва ғам-ғуссага ботиб ётиб қолиши.

4. Боқирхон исмли бир ошиқнинг саройга ташриф буюриши ва Карамнинг ишқ дардига мубтало бўлганлигини аниқлаши. Зиёдхоннинг Қора Маликни саройга таклиф қилиб, қизини ўғлига сўраши. Қорамаликнинг бу таклифга рози бўлиши ва бу элдан Румга кўчиб кетиши.

5. Карамнинг Асилхонни излаб йўлга чиқиши. Отасининг унга вазир бошчилигидаги лашкарни кўшиб жўнатиши. Сал вақтдан сўнг, Карамнинг битта ҳамроҳи билан йўлни давом эттириши, Чўпонга йўлиқиши, Чўпоннинг Карамга ёрини топиб бериши.

6. Шу аснода чўпоннинг Асилхонни севиб қолиши, Қора Маликни ўлдириб, қизига уйланмоқчи бўлгани.

Қора Маликнинг чўпон билан келишиб, Карамни ўлдиришни, шундагина қизини унга беришини айтиши.

7. Чўпоннинг Карамни тутиб ўлдираётган пайтида унинг ҳамроҳининг бу йигит Зиёдхоннинг ўғли эканини билдириши ва чўпоннинг кўрқиб ахдидан қайтиши. Карамга мурувват қилиб ёри билан учраштириши.

8. Қора Маликнинг янги бир вилоятга келиб, шу вилоят ҳокимига қизини бермоқчи бўлгани. Бу воқеа устига Карамнинг етиб келиши. Тўйнинг бошланиши арафасида Карамнинг изтироб билан кўшиқ куйлаши. Бу кўшиқни эшитиб, ҳокимнинг тўйни тўхтатиши ва қизни Карамга никоҳлаб беришни буюриши.

9. Қора Маликнинг яна ҳийла билан кўчиб кетиши, Карамнинг ёрини излаб қор остида қолиб, кетиши, дўстининг ҳалок бўлиши, Карамни савдогарларнинг қор остидан топиб олишлари. Уни таниб Табризга мажбуран олиб кетмоқчи бўлганлари. Шу пайтда Карамнинг дуо ўқиб тоғни иккига бўлиши, бундан кўрққан савдогарларнинг уни ташлаб кетишлари.

10. Шу аснода Асилхоннинг онасининг туш кўриб, Карамнинг келганидан огоҳ бўлиши ва Азрак исмли кишини уни ўлдиришга ёллаши. Буни сезиб Асилхоннинг Азракни фикридан қайтариши. Тиш олдириш эпизоди. Карамнинг аёл кийимида қизлар базмига бориши, у ерда қўлга тушиб, ўлимга ҳукм этилиши.

11. Карамнинг турналар билан мулоқоти. Унинг бу кароматидан ҳайрон бўлган подшонинг йигитга мурувват қилиши, Асилхоннинг отасини чақириб, тўй бошлашни буюриши.

Қора Маликнинг олов чиқарадиган 40 кунлик тилсим ишлаши, Карамнинг ёниб ҳалок бўлиши. Подшонинг Қора Малик ва унинг шерикларини ўлдириши.

12. Асилхоннинг гумбаз қурдириб, мужовирлик қилиши. Алининг каромати, икки ёшнинг қаптарга эврилиб, бирга қанот қоқиб, осмонда кўздан ғойиб бўлишлари.

Карам образи туркман версиясида ўзига хос миллий алоҳидаликларга эга. Ушбу версияда Карамнинг ёр васлига етишиш йўлида кечирган барча қийинчиликлари ўзбекча версиядаги воқеаларга ўхшасада, айрим эпизодларда Карам бошқача тарзда ҳаракат қилади. Баъзан у сеҳргар, дуоғўй қилиб тасвирланса, баъзан қаҳри қаттиқ бир шаҳзода тарзида ҳам намоён бўлади. У бир муножот ўқиганда тоғ иккига бўлинади, об-ҳаво ўзгариб кетади [4]. Қора Малик Карамни ўлдириш учун Азрак исмли кимсага пул бериб жўнатганда Карам буни сезиб, уни шахсан кутиб олиб, нима мақсадда келаётганини Азракнинг ўзига айтиб беради [4].

Карам Хунхоршоҳ деган подшони ўз санъати билан қойил қолдириб, унинг ишончини қозонгандан кейин эса, подшо нима тилагинг бор деб сўраганда “Имди Ғара мелекниң жезасы бу турар ки, өйи тарач олсун ве өзуни өлдурмек герек ки, ыбрат олсун!” [4] дейди.

Бу нутқ уни қаҳри қаттиқ бир шаҳзода сифатида гавдалантиради. Туркман версиясида ҳам Карам ёниб ҳалок бўлади, лекин яна тиради. Ўша эпизодда у янада художўй қилиб тасвирланади. У тирилиб ўрнидан турар экан: “Жаным сизге пида олсун. Нечук беҳиштиң хуйр леринден жыда кылып, мени бу дунйэйи-паныга гетирдингиз?» деб қайта ҳаётга келганидан норози бўлади. Туркман версиясидаги бу эпизодлар мифологик мотивлар таъсири натижасида келиб чиққандир.

Туркман версиясида Асилхон ҳам бирмунча бошқачароқ тасвирланади. Бу версияда у маълум даражада, жаҳлдор тарзда ифодага тортилади. Ўзбекча версияда у Карам билан биринчи учрашувда, йигит қушини талаб қилгандаёқ дарҳол қушни унга беради. Бу версияда эса у Карам билан тортишиб, айтишиб қолади. У Карам қушини талаб қилганда шундай жавоб қайтаради: “Не бир бихая ве бикерем оғлан сен, эгер мыхман олмасадың, гөрердиң башына не иш гетирердим!” [4].

Шунингдек, туркманча версияда Асилхон ҳам художўй қилиб тасвирланади. Унинг мусулмон динига кирганлиги, Худога сиғинишлари таъриф этилади. У Карамни кўриш

истагида Худога илтижо қилганда, ногоҳ Карам унинг ёнида пайдо бўлади! Бундан ташқари, у Карам ҳалок бўлгандан кейин узоқ йиллар Худога ёлборади. Бунинг натижаси ўлароқ Карам тирилади. Асилхоннинг ўзи ҳам қайтадан яшаради. Карам билан умрини қайтадан бошлайди.

Қора Малик образининг фаолияти туркман версиясида янада кенгроқ тасвирланади. У Асилхоннинг Карам билан учрашганини кўриб, қизини ўлгунча калтаклайди. Ҳатто у Карамни ўлдирсанг, қизимни сенга бераман деб, чўпонни алдайди. Чўпон эса бу гапга ишониб, Карамни ўлдирмоқчи бўлганда унинг бегуноҳлигини билиб, бу фикридан қайтади.

Қора Малик Карамнинг ёниб ҳалок бўлганини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлади. Бу эса унинг пасткаш ва раҳмсизлигини яна бир бор исбот қилади.

“Асил ва Карам”нинг туркман версияси дostonнинг асосий тадқиқотчиси Омонгул Дурдиеванинг қайд қилишича, Туркменистон миллий қўлёзмалар институтида дostonнинг қуйидаги тошбосма ва қўлёзма нусхалари мавжуд.

1. Тошбосма нусхалар: №316, №335, №365, №3839.

2. Қўлёзма нусхалар: №292, №571, №628, №728, №736, №1042, №6149, №7034.

Дostonнинг оғзаки вариантлари ҳам анчани ташкил этади.

Тадқиқотчининг кўрсатишича, дostonнинг умумий ғояси ва мотивлари туркман халқи орасида машҳур бўлган “Шоҳсанам-Ғариб”, “Саёт –Ҳамро”, “Ҳурилиқо –Ҳамро”, “Нажаб ўғлон” сингари дostonларга яқин туради. Бундан ташқари, “Асли –Карам” таркибидаги айрим шеърлар ҳам ўша дostonлардаги шеърини парчаларга жуда ҳамоҳанг келади. Масалан, “Шоҳсанам Ғариб”даги 7 тўртликдан иборат “Дейсам ўлдирарлар, деймасам армон” шеъри “Асли –Карам”да ҳам 5 бандлик шеър сифатида учрайди. Ўз навбатида “Асли –Карам”даги “Синди найлайин” шеъри “Шоҳсанам –Ғариб”да “Дўнди найлайин” шаклида намоён бўлади. Шунингдек, “Асли Карам”даги “Ё сен мусулмон бўл, ё ман армани”, “Турнам”, “Соғ алимнан сўл алима олинча”, “Асилхоннинг жайронидур, бу жайрон”, “Гул қирмизи кийинибдур”, “Қўрдингми” каби шеърлар “Саёт ва Ҳамро”да “Арманидир армани”, “Турнам”, “Соғ алимнан сўл алима солинчам”, “Ўз элимнинг жайронидур бу жайрон”, “Ёр қирмизи кийинибдур”, “Менинг ёрим кўрдингизму” каби шеърларни эсга солади. Булардан ташқари биз сўз юритаётган дostonдаги “Сўнам келдими” шеъри “Нажаб ўғлон”даги шу номли шеърга, “Тоғлар” шеъри “Зухра ва Тоҳир”даги шеърлардан бирига жуда менгзаш келади.

Бизнинг фикримизча, дostonлардаги ушбу шеърини ҳамоҳангликлар сўнгги даврларнинг маҳсули бўлиб, ўша дostonларнинг ижрочилари томонидан баъзан айрим ўзгаришлар билан, баъзан тасодифан истифода этилган намуналардир. Ёхуд ушбу дostonларнинг котиблари бўлмиш шахсларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Чунки бундай ҳоллар ёзма адабиётда ҳам учрайди. Махтумқулининг айрим шеърлари “Тўрўғли” эпосида айнан такрорланади.

Шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Туркменистон миллий қўлёзмалар институтидаги фондларда сақланаётган айрим намуналар жиддий ўзгаришларга учраб ўзбекча версиядаги муқобилларидан анча узоқлашган:

Ўзбекча версияда:

Мадорим йўқ бора билмам йўллара,

Думон келди, кечди соғу сўллара,

Кўздин ёшим оқди манинг еллара,

Ман бу йўлни қайсисина борайин. (Ошиқнома, II китоб, 277-бет.)

Туркман версиясида:

“Duman gelip gondi çayli billere

Gözümnden yaş akip döndü sillere

Ahirimizda düşdüm garip illere

Men şu yolun hay si birine barayin,”

Ўзбек версиясида:

Думон гала-гала бизни қасд этди,

Шул яратган икболимни паст этди,

Юзи баланд йўлдин бошимдин ўтди,

Ман бу йўлни қайсисина борайин. (Ошиқнома, II китоб, 277-бет.)

Туркман версиясида:

‘Duman gele-gele meni boy etdi,

Hayp boldi, gül cernalim zay etdi

Yüzügara belet yoldan gaytdi

Men şu yolun hay si birine barayin”.

Туркман версиясининг 1965 йилда нашр этилган вариантида ушбу шеъринг парчалар ўзбекча муқобилларига жуда ўхшаш келади.

Институт фондидаги айрим тўртликлар эса ўзбекча версияга анча яқинлиги билан эътиборни тортади:

Қурбон ўлам зулфларини торина,
Тўкиб юрар ҳам соғина, сўлина,
Дўсти қўйнинг мангзар жаннат боғина,
Ўлтирсанг то анда боғбон қувгунча. (Ошиқнома, II китоб, 258-бет.)

Туркман версиясида:

“Gurban olam zülüplernin tarina
Dökülüpdür hem sağina, soluna
Bir gül berdim nazli yarin eline
Öldürme, köydürme gözden salınçam”.

Ўзбекча версиясида:

Қора Маликнинг қизиман,
Мажлиснинг сўзлар сўзиман,
Барча қизларнинг кўзиман,
Карам келди, Карам келди. (Ошиқнома, II китоб, 271-бет.)

Туркман версиясида:

“Gara Meleğin diziyam
Şirin kebabın duzuyam
Tamam gizların göziyem
Kerem geldi Kerem geldi”
Бошқа бир фондда унинг яна бир варианти мавжуд:
“Gara Meleğin giziyam
Şirin –Perhadin öziyem
Keremin iki göziyem
Geldi geldi Kerem geldi”.

Достоннинг оғзаки ва ёзма нусхалари қанчалик кўп бўлса, шеърлардаги вариантлик шунчалик кўп бўлади.

Ўзбек версияси фақат қўлзма нусха ва битта оғзаки вариантдан иборат бўлганлиги сабабли бундай вариантликлар анча кам.

Туркман версиясининг айрим шеър бандлари ўзбекчадаги вариантга қараганда туркча вариантга анча яқин келади:

Ўзбекча:

Кийикдай қора қошлари,
Инжудай оқдур тишлари,
Товус мисол юришлари,
Нозли маҳбулар келибдур. (Ошиқнома, II китоб, 287-бет.)

Туркман версиясида:

“Galam bilen çekilipdir gaşların
Hünci sadap düzülipdir dişlerin
Her tarapa dokuz örüm saçların
Astan-astan değer yarin byline”.

Турк версияси:

İncü midir sedef midir dişleri,
Kale mile çekilmişdir kaşları.
Sağ yanında siyâh- siyâh saçları,
Salındıkça döker ince beline. (Duymaz, 2001. S.264)

Барча версиялардаги айрим шеъринг парчаларнинг ўзаро ўхшаш келиши генетик алоқаларнинг акссадосидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аслы-Керем. –Ашгабат, БТДН, 1943. –Б.9.
2. Дурдыева А. Туркменский народный дестан «Аслы и Керем». АҚД. Ашхабад. 1970. (18)
3. Успенский В. Беляев В. Туркменская музыка. Ашхабад, 1979. –С.46. (380)
4. Аслы –Керем, Ашхабад -1965, 62-бет.

ПОНЯТИЕ ПОЛЕВЫХ СТРУКТУР В ЯЗЫКОВОЙ СИСТЕМЕ

Д.Ф. Нурмухаммедова, доцент, Гулистанский государственный университет, Гулистан

Annotatsiya. Ushbu maqola tilshunoslikda “maydon” tushunchasini o’rganishga bag’ishlangan. Qiyosiy-tarixiy va qiyosiy-lingvistik tahlil yordamida mavzu bo’yicha avvalgi ilmiy ishlarning natijalari sharhlandi va “maydon” fenomeni tushunishning turli yondashuvlari tahlil qilindi. Ushbu tadqiqot natijasida “maydon” atamasining ta’rifiga aniqlik kiritildi, maydon tuzilmalarining xususiyatlari va zamonaviy tilshunoslarning tadqiqotlarida ushbu mavzu bo’yicha tendentsiyalari aniqlandi.

Kalit so’zlar: maydon; kontseptual maydon; semantika; leksik maydon; leksika; tuzilish; yadro; periferiya.

Аннотация. Данная статья посвящена исследованию понятия «поле» в лингвистике. С помощью сравнительно-исторического и сравнительно-лингвистического анализа были проинтерпретированы результаты предыдущих работ по теме и проанализированы различные подходы к пониманию феномена поля. В результате данного исследования было уточнено определение термина «поле», были выявлены особенности полевых структур и тенденции по данной теме в исследованиях современных ученых-лингвистов.

Ключевые слова: поле; понятийное поле; семантика; лексическое поле; лексика; структура; ядро; периферия.

Abstract. This article is devoted to the study of the concept of “field” in linguistics. With the help of comparative-historical and comparative-linguistic analysis, the results of previous works on the topic have been interpreted and various approaches to understanding the field phenomenon have been analyzed. As a result of this study, the definition of the term “field” was clarified, the features of field structures and trends on this topic in the studies of modern linguists have been identified.

Key words: field; conceptual field; semantics; lexical field; vocabulary; structure; nucleus; periphery.

I. Введение. В современной лингвистике все более актуальными становятся исследования, посвящённые изучению так называемой полевой модели системы языка, что позволяет некоторым специалистам в этой области говорить о выделении нового направления, именуемого «полевой лингвистикой». За последние 15-20 лет полевая модель системы языка не только «вытеснила» из передовой лингвистики одну из её первых моделей языка – уровневую, но и утвердилась в качестве новой ступени в системном изучении феномена языка [1]. Несмотря на стабильность понятия «поле» в лингвистической литературе, оно имеет множество вариантов трактовки. Именно по этой причине подчеркивается актуальность данного вопроса, который предполагает рассматривать поле как металингвистический феномен. Следует также отметить, что сегодня теория поля находится в центре внимания многих современных исследователей семантики, поскольку законы семантики раскрываются не в отдельных словах, а в группах и системах слов, в «словесных полях».

II. Методы исследования. На настоящий момент изучение системной организации лексического строя языка вызывает большой интерес лингвистов и изучается методом полевого структурирования. Здесь следует отметить, что полевой подход к лексике является сравнительно молодым методом, но при этом уже имеет свои традиции и специфику. Исследователи, принадлежащие к разным временным периодам, языковым школам и направлениям трактуют понятие «поле» по-разному, но это скорее свидетельствует о разном опыте разработки данной проблемы, чем о различиях фундаментального теоретического характера. Таким образом, метод структурирования поля имеет множество интерпретаций и аспектов.

III. Обзор литературы. Полевой принцип системной организации языковых явлений является ключевым открытием в современной лингвистике. Определение термина «поле» тесно связано с определением языка как системы, являющейся сложным, постоянно изменяющимся и развивающимся механизмом, что теоретически обосновали И.А. Бодуэн де Куртэнэ и Ф. де Соссюр. Многие лингвисты [4; 7; 11; 13; 16] в своих работах подчеркивают тот факт, что язык представляет собой сложную систему. Как известно, систему языка создают языковые единицы, которые находятся во взаимосвязи и взаимодействии. А.А. Гируцкий отмечает, что «язык как орудие мышления и общения, прежде всего система слов, именно в слове язык обретает свою цельность и завершенность, формируясь в процессе взаимодействия».

слов» [8, 36]. Основоположниками теории поля Г.С. Щур называет немецких учёных Г. Ипсена и Й. Трира [20]. Действительно, понятие семантического поля получило наибольшее распространение после публикации Г. Ипсена, в которой оно определялось как совокупность слов, обладающих общим значением. В свою очередь, И. Трир расчленил понятия «лексическое поле» и «понятийное поле» и, соответственно, ввёл данные понятия-термины в современную лингвистику. Изучая феномен «поля», Й. Трир отмечал, что оно является лингвистической реальностью, существующей между отдельным словом и общим словарным составом. Ученый также отмечал, что поля являются частью целого [2, 11]. О.С. Ахманова дополняет данное определение и понимает под термином «поле» совокупность содержательных единиц (понятий, слов), покрывающую определённую область человеческого опыта [3, 16].

IV. Обсуждение результатов. Ученые-лингвисты выделяют несколько видов полей: лексические, семантические, ассоциативные, словообразовательные и функционально-семантические [4, 11]. Для нашего исследования необходимо сфокусироваться на лексических, семантических и ассоциативных полях. Известно, что в отличие от таких объединений, как синонимы, антонимы, тематические и лексико-семантические группы, включающие слова только одной части речи, – в понятие «поле» могут включаться слова, относящиеся к разным частям речи, доминирующая часть которых – имена существительные. Таким образом, термин «поле» обычно применяется к достаточно обширным группам слов. Разные ученые подходили к изучению системности лексики по-разному и выделяли поля, опираясь на разные основания:

1. Поля М.М. Покровского – названные так в честь русского ученого, впервые в 1890-х годах поставившего задачу системного изучения лексики. Поля такого типа сейчас называют «семантическими»; они выделяются на основе совместного применения трех критериев: 1) тематическая группа – слова относятся к одному и тому же кругу представлений, 2) синонимия, 3) морфологические связи (например, слова одной части речи, одного словообразовательного типа) [5, 63]. Систему представлений М.М. Покровский связывал с системами явлений общественной жизни (например, традиции, орудия труда и т.п.). На сегодняшний день этот тип полей остается одним из самых актуальных объектов большинства лексико-семантических исследований.

2. Поля Й. Трира. «Й. Трир иерархически разделяет всю систему языка на два параллельных друг другу типа полей: понятийные поля и словесные поля. Каждое из полей подразделяется на элементарные единицы – понятия или слова, при этом составные компоненты словесного поля, подобно камешкам мозаики, полностью покрывают сферу соответствующего понятийного поля» [2, 14]. Другими словами, лексическое (словесное) поле состоит из слов и, согласно современной лингвистике, основывается на семантической структуре слова и его многочисленных ассоциативных элементах, в том числе словообразовательных). Лексическое (словесное) поле – часть понятийного, т.е. понятийное поле («обширная система взаимосвязанных понятий, организованных вокруг центрального понятия» [2, 15]) сближается с пониманием семантического.

3. Поля В. Порцига, основанные на принципе того, что исходной точкой необходимо считать сами языковые факты. В. Порциг обращает особое внимание на следующие моменты: например, русское слово «схватить» предполагает наличие такого слова, как «рука», в результате два слова образуют стильную семантическую связь, так же как в парах слов «лгать» – «собака», «белокурые» – «волосы»). Ученый отмечает, что ядром подобных элементарных семантических групп обычно является глагол, либо прилагательное. В 1960-1990-х гг. поля Порцига не только стали теоретической базой для исследований в сфере «глубинной семантической структуры языка» [5, 3], но и явились прототипом ассоциативных полей.

Если Л.М. Васильев, Н.Г. Долгих и И.М. Кобозева понимают под термином «поле» совокупность лексических единиц языка, объединенных не только общностью содержания, но и общностью формальных показателей, а также отражающих понятийное, предметное или функциональное сходство обозначаемых явлений [6, 105; 10, 91; 12], то И.В. Арнольд понимает поле как «существующие между отдельными словами и общей лексикой лингвистические реалии, которые являются частями схожих слов, способные объединяться в высшие единицы лексики» [2].

Во многом классическое определение поля дал В.Г. Адмони, в понимании которого этот термин объединяет элементы лексики на основе системных отношений, в результате чего в нём можно выделить так называемое «ядро» - центральную часть, элементы которой обладают

всеми признаками, характерными для всей группы, и так называемую «периферию», элементы которой обладают как признаками поля, к которому они относятся, так и признаками соседнего поля или сразу нескольких соседней полей [1]. Таким образом, В.Г. Адмони считает, что структура поля неоднородна – чем ближе слово к ядру – тем более сильны доминантные признаки, и чем дальше слово от ядра – тем более сильны периферийные (факультативные) признаки.

Т.И. Дещериева под семантическим полем понимает «лексическую парадигму, возникающую при сегментации лексико-семантического континуума на различные отрезки, соответствующие отдельным словам языка» [9, 24]. Исследование Т.И. Дещериевой явилось важным моментом в изучении теории семантических полей, так как благодаря именно её работе почти все изыскания в данном направлении начали проводиться с использованием метода компонентного анализа. Так, например, А.А. Мецлер отмечает, что «метод компонентного анализа предполагает принятие в качестве теоретической точки отсчета представление о полевой структуре лексико-семантической системы языка» [14, 76]. Другим примером может послужить исследование Л.М. Босовой [5, 2] которая применила данный метод при анализе прилагательных, обозначающих признак красоты в русском и английском языках.

Интересны результаты исследований теории поля представителей Воронежской школы [15; 17; 19], которые рассматривают «поля» как «системные языковые образования с типичными для любой системы отношениями между составляющими её элементами, и, вместе с тем, обладающие специфическими свойствами и признаками». Соглашаясь со структурой поля «ядро-периферия», предложенной В.Г. Адмони, О.В. Сивергина отмечает, что отличительным признаком подобной структуры является концентрация основных полеобразующих слов в ядре [18, 44]. Другим отличительным признаком такой системы является то, что отдельные поля могут пересекаться, т.е. существуют общие сегменты для нескольких полей, а также зоны семантического перехода как между полями, так и внутри самого поля (переход от ядра к периферии).

V. Заключение. Таким образом, как любое системно-структурное явление, поле обладает специфической конфигурацией. Наличие конфигурации поля предполагает наличие определённых групп элементов внутри множества, наличие различных отношений между элементами внутри группы и между группами. Более того, каждое семантическое поле может иметь в своём составе несколько микрополей, обладающих относительной самостоятельностью. Представленный в статье анализ различных интерпретаций понятия «поле» не говорит о неустойчивости данного термина. Наоборот, проделанный анализ свидетельствует о систематичности изучения феномена поля в лингвистике, а также позволяет применять научный метод в любых современных исследованиях в данном направлении.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Адмони В. Полевая природа частей речи // Вопросы теории частей речи. – 2008. – С. 98-106.
2. Арнольд И. Основы научных исследований в лингвистике. – М.: Высшая школа, 1991. – 183 с.
3. Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. 4-е издание. – М.: Энциклопедия, 2016. – 605 с.
4. Бондарко А. Направления функционально-грамматического описания «от формы» и «от семантики» // Вестник МПУ им. А. Герцена, 2018. – С. 5-11.
5. Босова Л. Соотношение семантических и смысловых полей качественных прилагательных: психолингвистический аспект: автореферат докторской диссертации. – Барнаул, 1998. – 25 с.
6. Васильев Л. Теория семантических полей // Вопросы языкознания. – 2011. – № 3. – С. 105-113.
7. Власова Ю., Дашко Ю. Функционально-семантические и словообразовательные поля в лингвистике. – Ростов: РГПУ, 2018. – 360 с.
8. Гируцкий А. Введение в языкознание. – Минск: ТС, 2011. – 284 с.
9. Дещериева Т. Структура семантических полей. – М., 2014. – 300 с.
10. Долгих Н. Теория семантического поля на современном этапе развития семасиологии // Филологические науки. – 2013. – №1. – С. 89-98.
11. Караулов Ю. Лингвистическое структурирование тезауруса литературного языка. – М.: Наука, 2011. – 363 с.
12. Кобозева И. Лингвистическая семантика. – М.: Мир, 2000. – 352 с.
13. Лекомцев Ю. Дискретные лексические поля и строение семантических единиц. – Алматы: КазНУ, 2009. – 218 с.
14. Мецлер А. Прагматика коммуникативных единиц. – Кишинев: Штиинца, 2019. – 103 с.
15. Попова З. Полевые структуры в системе языка. – Воронеж: Издательство Воронежского университета, 2009. – 198 с.
16. Ревзина О. Структура словообразовательных полей в славянских языках. – М.: МГУ, 1969. – 154 с.
17. Ротова М. Лексико-фразеологические поля в современном русском языке. – Воронеж: Скиф, 2005. – 113 с.

18. Сивергина О. О достаточном расположении слов в семантическом поле // Лингвистические исследования в научной речи. – 2019. – С. 37-56.
19. Стернина М. К проблеме категориальной полисемии. – Воронеж: Издательство Воронежского университета, 2007. – С. 167-172.
20. Щур Г. Теория поля в лингвистике. – М.: Наука, 1974. – 256 с.

УЎК 81-13

ПАХЛАВОН МАХМУД ПИРЁРВАЛИЙ ОБРАЗИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

О. Очилова, ўқитувчи, Урганч шаҳар 29-сон мактаб, Урганч
Р. Машарибова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада донишманд, шоир ва машҳур курашчи Паҳлавон Маҳмуд – Пирёравалийнинг меъмор, мироб, доно маслаҳатчи ва табиб сифатидаги фаолияти янги талқин этилган.

Калит сўзлар: қисса, образ, паҳлавон, талқин, Амударё, душман.

Аннотация. В статье дано новое толкование образа философа, поэта и курашиста Пахлавана Махмуда-Пирёравалий как строитель, советник и лекаря.

Ключевые слова: повесть, образ, курашист, толкование, Амударья, враг.

Abstract. In this article a thinker, poet and famous fighter P.Makhmud is alternatively described in his new activities: becoming a water-supervisor, architect a wise advisor and a doctor (a medical consultant) as well.

Key words: Image, fighter, the enemy, Amudarya,

Ўзбек адабиётида тарихий мавзу салмоқли ўрин тутди. Хусусан, ўтмишда яшаган машҳур аллома, адиб ва донишмандлар ҳақидаги асарлар оз эмас. Жумладан, Беруний, Аҳмад Яссавий, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Навоий, Бобур каби буюк сиймоларга бағишланган хикоятлар улар ҳаёт пайтидаёқ дастлаб халқ оғзаки ижодида яратилиб, сўнгра ёзма адабиётга ўтди, қайта ишланиб сайқал топди. Бундай асарлар орасида шоир, файласуф, паҳлавон, жавонмардийлик (мардлик) тариқатининг пешвоси Паҳлавон Маҳмуд Пирёравалий (1247-1326) тўғрисидаги битиклар ҳар жиҳатдан ибратлидир. Тўғри, бу асарларнинг бир қисми халқ ривоятлари “Фил Маҳмуд” достони, Комил Икромовнинг “Маҳмуд дарбоз”, Омон Матжоннинг “Паҳлавон Маҳмуд”, Эркин Самандарнинг “Паҳлавон Маҳмуд Пирёравалий қиссаси” қисман ўрганилган(1).

Аммо муҳими шундаки, кейинги икки асар истиқлол даврида яратилгани боис уларда тарихга янги қараш тамойили, ҳаққонийлик, воқелик ва шахс муносабатида давр руҳи билан қаҳрамон тасвири мутаносиблиги устуворлик қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодига доир янги ноёб манбаларнинг топилиши ушбу мавзу доирасини янада кенгайтди(2). Бу эса шоир ҳақида батафсил фикр юритиш, бадий образининг янги қирраларини акс эттириш эҳтиёжини туғдирди. О.Матжоннинг “Дравахоним (Тўрабекахоним)” қиссаси бу соҳадаги янги ютуқ бўлди. Бу ўринда бир жиҳат диққатни тортади. Чунончи, юқорида қайд этилган асарларда сюжет асосини Паҳлавон Маҳмуднинг Ҳиндистон паҳлавони билан кураш тушиши, хинд ҳукмдорини ўлимдан сақлаб қолгани ва элдошларини юртга олиб келиш воқеалари ташкил этса, янги асарда ушбу мотивлар баёни йўқ, фақат айрим ўринларда баъзи фикрлар таъкиди учун муаллифнинг эслатмаси уларга мухтасар ишора бор, холос. Янги қисса қаҳрамон умрини сўнги йилларида Хоразмдаги ҳаёти ҳодисалари талқинига бағишланган(3).

Қисса мазмуни ва шаклига кўра тарихий концепция ва бадий тўқима синтезини акс эттиради. Тарихийлик машҳур реал шахслар-Ўзбекхон, Қутлуғ Темур, Тўрабекахоним, Паҳлавон Маҳмуд, аниқ эпик маконлар-Хоразм, Кўхна Урганч, Хива, Ҳазорасп, Амударё, Питнак, Карвак тушунчаларида намоён бўлади. Улар ўртасида кечадиган воқеаларда муаллифнинг бадий тафаккури, тўқимаси ана шу тарихийлик фонида муайян вазифа бажаради ва умумий сюжет йўналишларига сингиб кетади. Бу йўналишларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Бунёдкорлик ва меъморчилик соҳасидаги ишлар тафсилотлари.
2. Синжорнинг Ҳазораспдан Амударёга тўғон босиши ва Тўрабекахонимга “ошиқ”лиги саргузаштлари.
3. Мироблик ва канал қозиш тасвири.
4. Тўрабекахоним тадбири-мардлик ва ғалаба гарови эканлиги талқини.

Мухими шундаки, ушбу сюжет шаҳобчаларининг барчасида Тўрабекахоним фаолияти олдинги ўрнига чиқса ҳам Паҳлавон Маҳмуд уларда турли миқёс ва даражада қатнашади. Зеро, у маликанинг маслакдош мададкори, доно маслаҳатчиси сифатида тасвирланади.

Биринчи йўналишдаги бунёдкорлик ишларида икки воқеага алоҳида диққат қаратилган: 1) пойтахт Кўҳна Урганчи янада обод қилиш, қурилиш ва маданий ёдгорликларни асраш; 2) Шайх Нажмиддин Кубро қабрини таъмирлаб, қайта дафн этиш.

XIV асрда, мўғул истилосидан юз йил кейинги даврга оид фактлар ҳақидаги ноёб тарихий манбаларда шундай фикрни ўқиймиз: “Кўҳна Урганч туркий шаҳарлар орасида энг каттаси ва ободи бўлиб, ундаги Тўрабекахоним ва Нажмиддин Кубро мавзолейлари мусулмон архитектурасининг нодир намунасидир” (4). Муаллиф ушбу таърифга ижодий ёндашган ҳолда унга монанд тарзда таъсирчан манзара ярата олган. “Қутлуғ Темур билан малика курдирган узун, кўкимтир минора олисроқда катта-кичик яна ўттиз-қирқ минор-гумбазлар йилдир-йилдир шаҳарга эртанинг шафағига аралаш кўк-яшил шуъла ёяди гўё” (5). Ҳар иккала эътирофларда тилга олинган шахслар талқинида Паҳлавон Маҳмуд мақсадга кўра бевосита ёхуд билвосита иштирок этади, сюжет қурилмасида эстетик ва услубий вазифа бажаради.

Бинобарин, асар бошида экспозиция ўрнидаги лавҳада Паҳлавоннинг иштирок этиши бежиз эмас. Унда “Тўрабекахоним имом, бошқа усталар ҳамкорлигида Шайх Нажмиддин Кубро завиясини (мозорини) таъмирлаш ишларини кўришга борганда тадориклар тепасида Паҳлавон Маҳмуд ва шогирдлари ҳам борлиги”ни унинг муҳим персонажлардан бири эканига ишора ва кейинги воқеалар тадрижидаги ибтидо дейиш мумкин.

Тўрабекахонимнинг Паҳлавон Маҳмуд билан муносабатларидаги ўзаро ҳамкорлик, маликанинг ғамхўрлигию муруввати эпик баён давомида кенгайиб боради. Жумладан, кўп замон ҳижратда бўлган Паҳлавон Маҳмуд малика таклифи билан юртига қайтади, “яна касбий юмушлари, қурувчилик, пўстиндўзлик, ёш полвонларни камол топтиришни ташкиллаштиришда” Тўрабекахоним кўмак беради. Бундай самимият хусусан буюк Кубро кўнимгоҳини тиклашда янада ёрқин кўринади. Бу тадбир Хоразм воҳаси сувсизликка маҳкум этилган мураккаб шароитга қарамай юксак савияда ўтказилади ва ҳар бир образнинг характери очилади. Муаллиф тадбирни “буюк маросим” деб атайти ва ёзади “Шайх ўзи жума намози ўқийдиган мачит ўрнида, ўша пайтлардагидек эни йигирма, узун етти юз эллик қадамча келадиган ҳовуз қазилган, унга сув тўлдириш билан маликамит шахсан ўзлари банд” (109 бет). Куннинг биринчи ярмида саҳардан то пешин намози вақтигача Шайхнинг жасади қайта дафн этилган бу маросим халқнинг чинакам шодиёнасига айланди, Пирёрвалий бошлиқ полвонлар, турли масканлардан келган мақом усталарию, турфа санъатлар намояндаларининг улуғ инсонга эҳтироми бўлди.

Қисса воқеалари силсиласида Тўрабекахоним ва Султон Синжор ўртасидаги зиддиятли муносабатлар салмоқли бўлиб, асосий конфликт, ижобий ва салбий кучлар қурашидаги бошқа хусусиятлар асарнинг кейинги қисмларида турлича зуҳурланади, малика эса талқин марказида бўлиб, бу жараёнларни бошқаради. Санжарнинг унга “ошиқ”лиги жараённинг бир қутбидир. Санжар зўравонлик билан Тўрабекахонимга уйланмоқчи, акс ҳолда Амударё сувига тўғон босиб, Хоразмни, Кўҳна Урганчни сувсиз қолдиришга аҳд қилади. Тўғри, бу ҳақда халқ орасида кенг тарқалган ривоятлар тарихий шахс Султон Санжарга нисбат берилиб келинган (6). Аммо муаллиф таъкидлашича, Синжор икки-уч юз йил бурун таниқли, музаффар сарқарда Султон Санжар эмас. Бу ўзига “султон” нисбатини ёпиштириб келган Санжар! Ўзини мўғулларнинг ҳам Боту, ҳам Чигатой сулоласига мансуб деб кўрсатиб, Олтин Ўрда ерлари “қузатувчиси”. Демак, Синжор Хоразм душманлари, чет эл босқинчиларининг умумлашган образидир. У маликадан рад жавобини олгач, сув соқасини бекитади, Хоразм ерлари қовжираб, экинзорлар сарғайиб, халқ қийнала бошлади. Бу зиддият ечимида Тўрабекахоним ва Паҳлавон пирнинг ақлу заковати қўл келиб, улар офатни дафъ этиш, нажот йўлини топишда ақл ва фидойиликка амал қилишади. “Мен фуқароларимни кесак тишлатиб, ўзим новвот сўрадиганлар тойфасидан эмасман” деган ақидани ўзига шиор қилган малика фавқулудда тадбир топишга қарор қилади.

Бу борада Пирёрвалий Қутлуғ Темур ва Тўрабекахоним ҳузурларига ташриф буюрди. Улар “Пирёрвалийнинг қураги ерга тегмаган улуғ паҳлавон эканидан ташқари улуғ валий, шоир, юлдузшунос, алжабр олими, сувнинг арна-ёблардан оқиб келиши, сув лойқаси айланишига қараб қайси фаслда қанча сув келишини айта биладиган башоратчи мироб эканини билар эдилар”. Шу боис олдиндан Хоразм қибла ҳудудларига Жайхун сувини бедахл, мўътадил етиб туриши нечуклигини сўрадилар” (119 б.) Кўҳна Урганч сари борувчи сув йўлининг соқасини ўзгартириш, янги соҳа бошидан тез фойдаланиш, янги канални халқ

хашари ёрдамида қазииш, шу йўл билан заҳира оби-ҳаётга эга бўлишни таклиф этди ва тезда бу иш бошланди. “Буюк хашар” номини олган бу ҳаракатда кексайиб қолган Пирёрвалий даврадаги одамлар билан самимий кўришиб, ҳалол курашни, куч ва адолатни, ўтган курашчи биродарлари руҳини ёдлаб, улар шаънига иймон келтирувчи, сурурбахш лаҳжа билан оят кироат келтиради.

Шу орада Тўрабекахоним ҳам ўз режасини амалга оширишга киришди. У тўрт отлик йўлдоши билан Санжарнинг Дарёлик бўйидаги даргоҳига келиб, бошидаги чавандоз дубулғасини олди. Уни таниган “худудлар кузатувчиси” гарангсираб, ғалат ҳолатда, тилсиз каловланди, маҳв этилди. Маликанинг “мен ваъдага мувофиқ келдим. Тўғонни очдиринг! Акс ҳолда ёғийнинг бир томчи конини тўкиш мумкин бўлмасда мен ўзимни қурбонликка келтираман” деган сўзлари (142 б.) Санжарни бутунлай мағлуб қилган эди. Тўғон олиб ташланди, сув ўз ўзанига қайтди. Аммо малика тадбирининг хосияти дарё бўйдан қайтишда маълум бўлади.

Тўрабекахоним ниятига етаётганидан хурсанд бўлаётган бўлса ҳам, душман қуршовида хавф-хатар бўлиши мумкинлигини олдиндан фаҳмлаган эди. Шундай бўлди ҳам. Санжар мутлоқ таслим бўлгач унинг навқари Қизил Ямоқ курашни анъанавий тарзда давом эттирди ва конфликтнинг кульминацион нуқтасини таъминлади, малика сафдошларига қарши кураш бошлади. У Тўрабекахонимнинг ёрдамчиси жангчи қизу йигитларнинг сардори жасур бокира Достонни тириклай қўлга олиш, висолига етишиш мақсадида қаттиқ жангга кирди. Аммо шармандаларча мағлуб бўлди, Достон эса жароҳат олди, воқеалар ечим топди. Томонлар олишувида Паҳлавон пиримиз билвосита, яъни илоҳий дуою илтижолари билан элдошларини ғалабага рағбатлантириб турди, маънавий-руҳий қўллади.

Барибир малика сирдошларини қувиб бориш, таъқиб қилиш давом этди. Лекин душман мақсадга эриша олмади. Чунки Тўрабекахоним ва унинг навқарлари минган отлар яъни туғилган қулунли биялар бўлиб, улар бир-биридан ажратилган ҳолда турли манзилларда жойлаштирилган эди. Тойчоқларини соғинган байталлар ўта учқурлиги боис душман уларга етиб ололмади. Асар хотимасида бу хайрли “хийла”-ютуғига яна бир шодиёна қўшилди: халқ қазуви туфайли бунёд этилган янги каналдан сув оқа бошлади. Канал ўз ташаббускори номи билан “Полвонёп” дея аталиб келинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қиссада оптимистик рух, реалистик тасвир устувор. Асар қаҳрамонлари эзгулик йўлидаги ташвишу қийинчиликларни енгишдан қайтмайдилар, умидсизликка тушмайдилар. Бу ҳол душман зарбасидан оғир яраланган Достонга муносабатда қизни даволаш жараёнида ёрқин кўринади. Бу ўринда ҳам Паҳлавон пиримиз халоскор-табиб сифатида намоён бўлади. Қуйидаги лавҳа шундан далолатдир: “Достон бир ох тортиб, инграб кўйди. Пирёрвалий аста унинг бошига энгашди. – Пирим ўзингиз кўринг,-деди малика. Пирёрвалий ёрдамчилари арава томон боришиб, бежирим гилам тўрва келтирдилар. Пир атрофдагиларга қаради. Одамлар бу белгини англаб, секин ортга чекиндилар” (148 бет).

Хулоса шуки, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг (1943-2020) ушбу қиссаси сўнгги даврда тарихий мавзуда яратилган сара асарлардан бири бўлиб, унда Паҳлавон Маҳмуд фаолиятининг меъмор, мироб, доно маслаҳатчи ва табиблик каби янги қирралари ёритилган. Бу эса донишманд, шоир ва тенгсиз полвон ҳақидаги мавжуд билимларимизни янада мустаҳкамлаш ва бойитишга хизмат қилади. Ундаги халқчил ғоялар замондошимиз учун боқий маънавий қадрият эканлиги билан аҳамиятлидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Раҳимова Б. Ўзбек адабиётида Паҳлавон Маҳмуд образи талқинлари. Монография. Урганч, УрДУ 2012. 96 б.
2. Маҳмудов Ж. Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодий меросининг матний таҳлили. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. Тошкент.2006. 200 б.
3. Матжон О. Дравахоним (Тўрабекахоним) // Дийдор азиз. Тўплам. Тошкент. Noshir.2011. Б-87-148.
4. Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. М-Л. Изд. АН СССР 1948. С.309
5. Матжон О. Дравахоним. Б.92 (Кейинги кўчирмалар шу матндан олиниб, саҳифаси қавс ичида берлди. О.Очилова).
6. Тўрабекахоним билан Султон Санжар // Хоразм эртақлари. Нашрга тайёрловчи Ф.Абдуллаев. Тошкент. Ўз.давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1961.Б.5-9.

ШОЛИЧИЛИККА ОИД АЙРИМ ТЕРМИНЛАР ЭТИМОЛОГИЯСИ

О. Пирматова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада ўзбек тилида шоличиликка оид айрим терминлар этимологияси хусусида фикрлар юритилган. Шунингдек, ушбу терминларнинг шевада қўлланиладиган вариантлари ва бошқа тиллардаги вариантлари қиёси берилган.

Калит сўзлар. Мола, кунда, чиқир, тегирмон, асвак, хирмон, файкал, харос, депма, сепма.

Аннотация. В статье речь идёт об этимологии некоторых терминов в узбекском языке, касающихся рисоводства. Также сопоставляется вариант этих терминов в диалектах и других языках.

Ключевые слова. Борона, кунда, чиқир, мельница, асвак, урожай, файкал, хараз, депма, сепма

Abstract. In this article, the etymology of some words related to rice in the Uzbek language is discussed. It also covers comparative option of these terms used in dialect and other languages.

Key words. Mola (leveling tool), kunda, mill, asvak, yield, faykal, xaros, depma, sepma.

Ҳар бир миллат ўзининг бой маъданий тарихига эга. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек халқи қадим-қадимдан деҳқончилик билан шуғулланган. Ушбу жараёнда турли хил деҳқончиликка оид терминларни ишлатилган. Жумладан, деҳқончиликнинг ривожланган тури бўлмиш шоличиликда ҳам турли хил терминлар истеъмолда бўлган, уларнинг айримлари адабий тилда ҳам қўлланилади. Аммо илм-фан тараққий этган сари қишлоқ хўжалигига оид терминлар ўрнини янгилари эгалламоқда. Натижада айрим терминлар истеъмолдан чиққан ва уларнинг маъноси, этимологияси ҳам йўқолиб борапти. Жумладан, шоличиликка оид мола, кунда, чиқир, асвак, депма, сепма, нова, харос, чиқир каби терминлар бугунги кунда истеъмолда эмас. Ушбу терминларни тадқиқ қилиш ва лексик-грамматик хусусиятларини таҳлил қилиш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Мола термини шоли экини экилишидан олдин ерни текислайдиган асбоб номи бўлиб, бу термин форс-тожик тилидан эски ўзбек тилига ўтиб ўзлашган ва фаол қўлланган.

Эски тожик тилида мола (арабча ёзилади) –тахтаи давдонадоре, ки жуфтронон замини шудгоршударо бо он ҳамвор мекунанд кўринишида келтирилган. Мазкур сўз ясама бўлиб, у мол-бош ва –а каби ёрдамчи морфемалардан ясалган. Бош морфема мол ҳам молидан инфинитивининг буйруқ феъл формасидир. Молидан-суртмоқ, икки жисмни бир-бирига зич тақаб ишқаламоқ, суркамоқ каби маъноларда қўлланади. Иккинчи ёрдамчи морфема –а форс-тожик тили тарихида анча маъсулдор саналган от ясовчи қўшимчадир. Мола термини ҳозирги ўзбек тили ва унинг диалектларида ҳам қўлланиб келмоқда [2.87 б].

“Ўзбек тилининг этимологик луғати” да бу от “ишқала”, “текисла” маъносини англатадиган тожикча молидан феълнинг [5. 232 б] мол ҳозирги замон асосига –а қўшимчасини [5.543 б] қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “хайдалган ернинг кесакларини майдалаб текислайдиган қишлоқ хўжалиги асбоби” маъносини англатади [8. 470]. Бу отдан ўзбек тилида молала- феълдан ясалган [6.140 б].

Ўзбек тили ҳосил йиғиб олингандан кейин унинг уюми хирман термини билан ишлатилади. Ушбу термин тарихан қўшма бўлиб, у хир//хар ва ман-мон каби морфемалардан ясалган. Кейинчалик эски ўзбек тилига ўтиб ўзлашган.

Ушбу термин эски тожик тилида хирман-харман дони янчилмаган ғалла тўдаси, тўпи; ғалла янчиладиган майдон ва кўчма маънода нарсаларнинг тўпланган жойи, ғарамланган нарса маъноларини англатади. Ҳозирги эроний тилларда: тожик тилида хирман, форс тилида (арабча ёзилади) (харман) кўринишида қўлланади. Туркий тилларда эса баъзи ўзгаришларига йўлиққан ҳолда учрайди: уйғур тилида хаман, уйғур тилининг Хўтан диалектида хыйман, ўзбек тилида хирмон, ўзбек тилининг Самарқанд-Бухоро диалектида хирман хирмон, қирғиз тилида кырман, туркман тилида харман, қозоқ тилида қыррман, озарбайжон тилида хырман, қорақалпоқ тилида қырман кабилар. Мана бу келтирилган хирман терминининг турли тиллардаги шаклларида, асосан, биринчи компонент хир-хар турли хил кўринишларда, иккинчи компонент эса деярли барча тилларда икки вариантда (мон-ман) учрайди. Хирман сўзининг биринчи компоненти хар бўлиб, у катта, буюк маъносини билдиради. Шу маънодаги хар сўзи форс-тожик тили тарихида кўпгина янги сўзлар, қўшма сўзлар ясалишида биринчи ёки иккинчи компонент бўлиб қатнашган (харсанг, хатум, харгўи ва бошқалар). Иккинчи

компонент *мон-ман* эса ҳозирги эроний тилларда мустақил қўлланилмайди. Фақат тарихан қўшма бўлган сўзларнинг компоненти функциясида учрайди. *Мон-ман* мофемасининг лексик маъноси уй, хона, турадиган, яшайдиган жой, тўпланадиган ўрин ва бошқалардир.

Шундай қилиб, *хирман* катта тўплам, бир турдаги нарса, предметларнинг уюми, тўпланган жойи [2.90 б].

Шунингдек, шолчиликда *кунда* лексемаси ҳам ишлатилган. Ушбу лексема “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да форс-тожикча кесилган ёки синган дарахтнинг илдизи томонидан қолган остки қисми; тўнка. Жумладан, кунда ковламоқ [8.405 б].

Кунда лексемаси от сўз туркуми бўлиб, ПРСда [конде] шаклида [4.409 б], ТЖРСда *кунда* шаклида [5.97 б] келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган. Асли “юқори қисми кесилган” маъносини англатадиган *кунд* сифатидан [5.196 б] -а қўшимчаси билан [5.543 б] ясалган бўлиб, “дарахтнинг танаси қисқагина кесилган ер усти қисми илдизи билан бирга” маносини англатади [6.405 б].

Файкал термини Марв воҳасида сувдан фойдаланишдаги навбатчиликни англатса, Моварауннахрнинг бир қанча туманларида, Хоразмда бу сўзнинг ўрнига “*асвоқ*” термини ишлатилади. *Асвак* навбат билан шоли далаларини суғоришни билдиради [9.12 б].

Тегирмон “ғаллани ун қилиб, шолени оқлаб гуруч қилиб берадиган қурилма”. Бу от қадимги туркий тилда “айлан-” маъносини англатган тегир-фёлидан –мән қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида учинчи бўғиндаги *ә* унлиси *ә* унлисига алмашган: тегир-+мән=тегирмән>тегирмән [б. 328 б].

Тегирмон термини шеърят султони А. Навоийнинг асарларида кўчма маънода ишлатилади. Жумладан, тегирмон тоши айландур-қийин аҳволга солмоқ, қийнамоқ, азобламоқ маъносига.

Кўк тегирмон тоши айландурмоқ истар бошима,

Дема ою кун бошим узра буким сайёрадур. Хазойинул маоний, IVб-185; [1.321 б].

Шунингдек, шоли ўсимлигини етиштириш учун доим суғориб турилган. Сув ҳавзаларидан баланд далаларга сув чиқариш учун чархпалакдан фойдаланилган. *Чархпалак* термини Марвда “*дўлоба*” деб аталса, Хоразмда у “*чиқир*” (*чигир*) деб аталади [9.12 б].

Чыгыр “сув кучи билан айланиб катта ариқдан юқорига сув чиқарадиган қурилма”, “чархпалак”. Маҳмуд Кошғарий луғатида бу от чығры шаклида келтирилган [3. 397 б]. Кўринадики, бу от қадимги туркий тилда –ы қўшимчаси билан ясалган. *Чыгры* отидан –ы қўшимчасини ажратиб олсак, фёлга тенг чығр-қисми қолади. Маълумки, туркий фёллар охири икки ёнма-ён ундош билан тугамайди; демак, чығр- шакли чығыр-шаклидан, иккинчи бўғиндаги тор унлини талаффуз қилмаслик натижасида юзага келган (Бу унлининг талаффуз қилинмаслигига учинчи бўғин ҳосил қилган –ы қўшимчаси сабабчи; бундай товуш ўзгариши талайгина сўзларда воқе бўлган). Чығры оти қадимги туркий тилдаги “боғла-” маъносини англатган чығ-фёлининг “айлантир-” маъносидан “ўзлик” маъносини ифодаловчи –(ы)р қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан –ы қўшимчаси билан ясалган бўлса керак: (чығ-+ыр чығыр-)+ы=чығыры>чығры. Чығыр оти эса ўзбек тилида от ясовчи –(ы)р қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик ы унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: чығ-+ыр=чығыр>чигир [7. 432 б].

“*Харос*” термини жуда қадимги термин бўлиб, хайвон кучи билан ҳаракатга келтирадиган тегирмонларни тушунтиради [7.12 б].

Демак, деҳқончиликка оид айрим тарихий терминлар этимологиясини тадқиқ қилиш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидандир. Шунингдек, бугунги кунда ушбу терминлар қандай янги лексемалар билан юритилаётганини, улар қандай таркибий қисмлардан иборат бўлиб, яхлит қандай лексема ҳосил бўлгани тилшунослик ва тарих фани олдида турган долзарб масалалардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати I. Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти. Тўрт томлик. Тошкент-1983
2. Б. Бафоев. “Кўхна сўзлар тарихи”. Ўзбекистон. “Фан” нашриёти. 1991 йил
3. М. Кошғарий. Девону луғотит турк. Тошкент. 1960 (I-қисм)
4. Миллер Б.В. Персидско-русский словарь. Госиздат ин.н.нац. словарей. М.: 1953.
5. Таджикско-русский словарь. I жилд. 1946.
6. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Тошкент. “Университет” 2009 (III-қисм)
7. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Тошкент. “Университет” 2000 (I-қисм)
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва. 1981 ((I-қисм)
9. Я. Ғуломов. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент. 1959

АМЕРИКА ЁЗУВЧИСИ ТЕОДОР ДРАЙЗЕРНИНГ “ЖЕННИ ГЕРХАРДТ” АСАРИДА
УРБАНОНИМЛАР ТАЛҚИНИ

Д. Ражабова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада урбанонимларнинг бир бадиий асар мисолидаги ўрни, шаҳар номларининг маъноси ва тарихий келиб чиқиши, уларнинг шаҳар тасвири ва аҳолисига бўлган таъсири ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари мақолада асардаги урбанонимларнинг лексик, фонетик ва услубий тадқиқлари ҳам таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: урбанонимлар, бадиий асар, шаҳар ҳаёти, асар қаҳрамони, тасвирлаш, йирик марказ, англатмоқ.

Аннотация. В данной статье обсуждается роль урбанонимов на примере произведения искусства, значение и историческое происхождение названий городов, а также их влияние на имидж города и его населения. В статье также анализируются лексические, фонетические и методологические исследования урбанонимов в произведении.

Ключевые слова: урбанонимы, произведение искусства, городская жизнь, главный герой, изображение, главный центр, означать.

Abstract. This article discusses the role of urbanonyms in example of one novel, the meaning and historical origin of city names, as well as their impact on the image of the city and its population. The article also analyzes the lexical, phonetic and methodological studies of urbanonyms in the novel.

Keywords: urbanonyms, work of art, city life, protagonist, image, main center, mean.

Ҳар қандай ёзувчи асарнинг биринчи саҳифаларидаёқ урбанонимларга мурожаат қилади. Ёзувчи шаҳар номларини баъзан асарнинг бадиий қаҳрамонларидек, баъзан эса асар воқеаларига сабаб бўлувчи макон сифатида тасвирлайди. Асар муаллифининг мақсадини ўқувчига етиб боришида урбанонимларнинг ўз ўрни бор. Ёзувчи улар орқали асар персонажлари ҳаракатини маълум бир манзилга йўналтиради, воқеаларни маконга жойлаштиради. Бадиий асар матнида топонимларнинг мавжуд бўлиши авваламбор асарнинг ғоявий мазмуни ва мавзуси билан боғлиқ. Жумладан, шаҳар ҳаёти тасвирланаётган асарларда урбанонимларнинг кенг қўламда қўлланилиши табиий. Биз биламизки, одатда кўпдан кўп асарлар воқеа, ходиса содир бўладиган жойни тасвирлаш билан бошланади. Бу жой овул ёки қишлоқ, мамлакат ёки бир шаҳар бўлиши мумкин. А.В.Суперанская айтганидек, атоқли отлар, “асарни умумий бадиий қурилишида ўзига ўрин топаётиб, баъзан матн билан дастлабки танилишида сезилмайдиган кўшимча маълумотлар манбасига айланади”. [3,б.366] Урбанонимлар топонимиканинг бир бўлими бўлиб, у бўйича машҳур олимлар Уильям Брайт, Роберт Рамсай, Жорж Стюарт, Александра Суперанская, Владимир Никоновлар илмий иш юритишган.

Урбанонимлар ёзувчига қаҳрамонининг у ёки бу шаҳардаги кечинмаларини янада яққол тасвирлашда ёрдам беради, тасвирланаётган шаҳар асар қаҳрамонининг ижтимоий ҳолатини ва фаолият маконини кўрсатиб беради. Инглиз бадиий адабиётида шаҳар ва шаҳар объектлари тасвирланган жуда кўплаб асарларни учратиш мумкин. Бунга мисол қилиб, Америка ёзувчиси Теодор Драйзернинг “Женни Герхардт” асарини олиш мумкин. Теодор Драйзер 19-аср охири ва 20-аср бошларида яшаб ижод қилган реалист ёзувчидир. У Америка адабиётида танкидий реализмнинг юқори поғонага кўтарилишида ўз ҳиссасини қўшган. Бунга асосий сабаб ўзи ҳам эзилган халқ орасидан чиққан ижодкор эди. [4, б.122] “Женни Герхардт” асари марказида ажойиб қалб соҳибаси бўлган қиз Женнининг тақдири туради. Женни яхши ниятли, ҳис-туйғулари беғубор ўзининг ҳалол меҳнати билан кун кўришга, олижаноб инсон бўлиб етишишга интилади. Бироқ ёвуз кучлар эса бу покиза қиз тақдирини ҳам ўз гирдобига олади, соф муҳаббатини поймол этади. “Женни Герхардт” ёзувчининг тенгсизлик оламидаги инсон тақдирига бағишланган энг яхши асарлари қаторида туради. Асардаёзувчи томонидан Америка штатларининг тасвирланиши асардаги воқеа, ходисалар ривожини янада бойитган. Кўчалар, жойларнинг номлари қаторлашиб кетганлиги роман мавзусига ўзига хос руҳ бағишлайди – предмет-ходисаларнинг тўхтовсиз ҳаракати, турли ҳолатлар, вазиятларнинг давомсиз ўзгариб туриши ўқувчида ўзгача таассурот уйғотади. [10, б.178].

Бундан ташқари, Т.Драйзер персонажлар турар жойини қайта-қайта эслатиб туришни ёқтиради. Масалан, Женни оиласи билан яшаган шаҳар Колумбус, севгилиси Лестер Кейннинг

туғилиб ўсган шаҳри машхур ва бой Цинциннати, акаси кўчиб кетган шаҳар Кливлендни асарни жуда кўп жойларида учратиш мумкин.

“Columbus, being the State capital, and having a population of fifty thousand and a fair passenger traffic, was a good field for the hotel business, and the opportunity had been improved; so at least the Columbus people proudly thought”. [8, б.4]

Огайо штатининг пойтахти Колумб шаҳри машхур сайёх Христофер Колумб шарафига атаб қўйилган. Мисолда берилган баланд иншоотлар, штатнинг қонун чиқарувчи мажлиси, меҳмонхоналар, бизнесменлар тасвири, Колумбдек катта шаҳарда имкониятлар кўплиги шаҳарнинг жуда бой ва машхурлигидан дарак беради.

“The father of this unfortunate family, William Gerhardt, was a man of considerable interest on his personal side. He had set forth for America, the land of promise. Arrived in this country, he had made his way, by slow stages from New York to Philadelphia, and thence westward, working for a time in the various glass factories in Pennsylvania. In one romantic village of this new world, he had found his heart's ideal. With her, a simple American girl of German extraction, he had removed to Youngstown, and thence to Columbus”. [8, б.51]

Ушбу парчада Женнининг отаси Вильям Герхардтнинг қандай қилиб Америкага келиб қолгани, штатма штат кезиб юргани ҳақида сўз юритилади. Нью Йоркнинг дастлабки номи Нью Амстердам бўлиб, 1664 йилда Англия назоратни ўз қўлига олгач, Англия қироли Жеймс II Duke of York- Йорк графлиги шарафига Нью Йорк деб номлайди. Филадельфия Пенсильвания штатининг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, аҳолиси тиғиз жойлашган. Шаҳар 1682 йил Вильям Пенн томонидан асос солинган. Грек тилидан “Қардошлар шаҳри” деб аталишига сабаб, бу ерда бошқа жойлардан жуда кўп турли миллат вакиллари келиб қўним топишган. Пенсильвания штати эса Вильям Пенн отаси номи шарафига қўйилган бўлиб, лотин тилидан Penn Sylvania- “ўрмонли ўлка” маъносини англатади.

“When, however, customers of shippers complained that cars from the Pennsylvania fields lost thousands of pounds in transit to Cleveland, Cincinnati, Chicago, and other points, detectives were set to work. Other families in Columbus—many of them—were constantly doing the same thing, but Sebastian happened to be seized upon as the Columbus example. Bass was no sooner in Cleveland than the marvel of that growing city was sufficient to completely restore his equanimity of soul and to stir up new illusions as to the possibility of rehabilitation for himself and his family. It was a wonderful city, and growing very fast. It was thus that the new life appealed to him”. [8, б.63-64]

Асарда оиланинг тўнғич ўғли бўлмиш Себастьян вагонсозлик устахонасида шоғирд бўлиб ишлар, Пенсильваниядан темир йўл орқали Кливленд, Цинциннати, Чикаго ва бошқа шаҳарларга кўмир ташилаётган бир пайтда ночор оиласига ёрдам бериш мақсадида кўмир ўғрилаётган ҳолатда қўлга тушган. Басс Кливлендга борган пайтда шаҳар кун сайин эмас, соат сайин ўсарди. Басс Женнига юборган хатида Кливленд ажойиб шаҳар, бу ерда театрлар, чиройли кўчалар бор деб ёзади. Кливленд Огайо штатининг иккинчи йирик шаҳри бўлиб, 1796 йил генерал Moses Cleaveland (Моисей Кливленд) шарафига қўйилган. Бироқ оқибатда, маҳаллий газеталарнинг бирида “а” ҳарфи тушиб қолганлиги боис шаҳар Cleveland деб юритилган.

“One day there arrived from Cincinnati a certain Lester Kane, the son of a wholesale carriage builder of great trade distinction in that city and elsewhere throughout the country, who used to visit this house frequently in a social way”. [8, б.119]

Цинциннати 1788 йилда Жон Кливс Симмс ва полковник Роберт Паттерсон томонидан ташкил етилган. Топограф Жон Филсон (шунингдек, "Полковник Даниел Боуннинг саргузаштлари") муаллифи Лосанвил шаҳрини турли тиллардаги тўрт сўздан олинган ва "Ликинг дарёси ёқасида жойлашган шаҳар" деган маънони англатади. "Л" - бу Ликинг дарёси номининг биринчи ҳарфи, лотинча "оғиз", юнонча қарши - аксинча, французча "шаҳар".

1790 йилда Шимоли-ғарбий худуднинг губернатори Артур Сейн Клер ўзи аъзо бўлган Цинциннати жамияти шарафига шаҳар номини Цинциннати деб ўзгартирди. Бугунги кунга қадар, хусусан Цинциннати ва умуман Огайо штати, статистик жиҳатдан АҚШ мустақиллик уруши фахрийларининг энг кўп сони билан ажралиб туради ва уларга ушбу штатдан миннатдорчилик сифатида ер ажратилган. 19-асрнинг бошларида Цинциннати мамлакат марказида катталиги ва бойлиги бўйича шарқий қирғоқ шаҳарлари билан рақобатлашадиган биринчи Америка шаҳри эди. Биринчи йирик континентал шаҳар сифатида у баъзан "биринчи соф Америка шаҳри" деб номланади.

“Chicago was more central than Cincinnati. Buyers from the West and country merchants could be more easily reached and dealt with there. It would be a big advertisement for the house, a magnificent evidence of its standing and prosperity”. [8, б.182]

Ушбу парчада эса Чикаго Цинциннатига қараганда анча йирик марказ экани айтиб ўтилган. Чикаго ҳақли равишда Ўрта Ғарбнинг иқтисодий, саноат, транспорт ва маданий пойтахти ҳисобланади. Норасмий равишда баъзан уни “Иккинчи шаҳар” ва “Шамолли шаҳар” деб ҳам аташади. Чикаго номи дастлаб “shikaakwa”, яъни маҳаллий хиндуларнинг майами-иллинойс тилидан таржима қилинганда “ёввойи пиёз ёки саримсоқ” деган маънони англатган, кейинчалик уни французлар Чикагога ўзгартиришган. [6, б.263]

“Martha and her husband had gone to Boston. Her address was a little suburb named Belmont, just outside the city. William was in Omaha, working for a local electric company. Veronica was married to a man named Albert Sheridan, who was connected with a wholesale drug company in Cleveland”. [8, б.228]

Юқоридаги парчада ҳам ёзувчи асар қаҳрамонининг сингиллари ва укасининг ота уйидан алоҳида чиқиб яшаётганлари, турмуш курганлари ва ҳаётда ўз ўринларини топганларини яққол намоён этиш учуняна урбанонимларга мурожаат қилади.

“Jennie heard with a desperate ache the description of a route which she and Lester had taken more than once, slowly and melodiously emphasized. "Detroit, Toledo, Cleveland, Buffalo, and New York." There were cries of trains for "Fort Wayne, Columbus, Pittsburg, Philadelphia, and points East," and then finally for "Indianapolis, Louisville, Columbus, Cincinnati, and points South." The hour had struck.” [8, б.394]

Асар охиридаги ушбу парчада ёзувчи 10 дан ортиқ урбанонимлардан фойдаланади ва бош қаҳрамон марҳум севгилисидан билан ўтказган ҳар бир бахтли онларини, кезган шаҳарларини эслашида ёзувчи айнан темир йўл вокзалини танлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Т.Драйзернинг “Женни Герхардт” асарида урбанонимларнинг берилиши асар мазмунини янада бойитишига, ўқувчига янада чуқурроқ етиб боришига сабабчи бўлади. Асардаги шаҳар номлари орқали нафақат асар воқеаларини теран англай олиш, балки ёзувчининг нима мақсадда урбанонимлардан фойдаланганини англаб олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жирмунский В. (1979). Сравнительно-литературоведение. Восток и Запад. Ленинград: Наука
2. Каримов Н. (2008). XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. Тошкент: Ўзбекистон
3. Суперанская А.В. (1973) Общая теория имени собственного Москва: Наука, — 366 с.
4. Riggio, Thomas P. (2016) "Biography of Theodore Dreiser". University of Pennsylvania. Penn Libraries. Retrieved June 27
5. Newlin, Keith (2003). "Henry, Maude Wood (1873-1957)". A Theodore Dreiser Encyclopedia. Greenwood Publishing Group. pp. 186–188. ISBN 0-313-31680-5.
6. Miller, Donald (2003). City of the Century: The Epic of Chicago and the Making of America. New York: Simon&Schuster. p. 263. ISBN 9780684831381.
7. Rice, Anne P. (2003). Witnessing Lynching: American Writers Respond. Rutgers University Press. pp. 151–170. ISBN 978-0813533308.
8. Dreiser, Theodore (1911). Jenny Gerhardt, US- Harper and Brothers
9. Михайлов В.Н. (1981) Лингвистический анализ ономастической лексики в художественной речи: Учеб. пособие. — Симферополь: СГУ, — 28 с.
10. Арутюнова, Н. Д. (1999). Язык и мир человека [The Language and the World of a Man]. Москва: Языкирусск. культуры
11. Васильева, Н. В. (2009). Собственноимьявмире текста [A Proper Name in the World of the Text]. Москва: Либроком
12. Разумов, Р.В. (2015). Обупорядочении ономастической терминологии в области урбанонимии [On the Systematization of Onomastic Terminology in the Field of Urban Names]. Верхневолжский филологический вестник, 2, 14–19.

УЎК 894.375:416.0

АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИДА ИНСОНИЙЛИК ФАЛСАФАСИ
М.М. Райхонова, ўқитувчи, Қарши Давлат Университети, Қарши

Аннотация. Мазкур мақола Абдулла Орипов ижодининг бадиийлик мезонлари унинг адабиётимиздаги ўзига хос шеърятини таҳлил этаган. Абдулла Ориповнинг индивидуал услуби, у яратган образлар тизими, дунё талқини, Ватан талқини, одам ва оламга дахлдор, бир иқтидорли шоирнинг бошидан кечган воқеликни, қалбидаги нозик инсоний туйғуларини ўзига хос услубда ифода қилиш жараёни акс этган. Шоирнинг ҳозирги давр ўзбек шеърятини

инсон қалбидаги мураккаблик, зиддиятлар, ҳақ-ноҳақликларни, адолат, разолатни теран ва ҳаққоний, айниқса ўзига хос бетакрор куйлаганлиги шарҳланган.

Калим сўзлар: Глобал, мезон, ўлчов, кечинма, ижод, поэтик тафаккур, миллийлик руҳи, бадий-эстетик пафос.

Аннотация. В статье анализируются художественные критерии творчества Абдуллы Арипова и его уникальная поэзия в нашей литературе. Индивидуальный стиль Абдуллы Арипова, созданная им система образов, осмысление мира, осмысление Родины, процесс выражения действительности талантливого поэта, тонкие человеческие чувства в его сердце. Говорят, что в современной узбекской поэзии поэт воспел сложность, противоречия, несправедливость, справедливость, порочность человеческого сердца глубоко и правдиво, особенно уникальным образом.

Ключевые слова: Глобальность, критерии, измерение, опыт, творчество, поэтическое мышление, национальный дух, художественно-эстетический пафос.

Abstract. The article analyzes the artistic criteria of Abdulla Aripov's work and his unique poetry in our literature. The individual style of Abdulla Aripov, the system of images he created, understanding the world, understanding the Motherland, the process of expressing the reality of a talented poet, subtle human feelings in his heart. They say that in modern Uzbek poetry, the poet glorified the complexity, contradictions, injustice, justice, depravity of the human heart deeply and truthfully, in a particularly unique way.

Key words: Globality, criteria, measurement, experience, creativity, poetic thinking, national spirit, artistic and aesthetic pathos.

Абдулла Ориповнинг бадий ижоди мавзу-масалаларига кўра ғоят бой. Ишқ-муҳаббат ва ҳижрон изтироблари, Ватанга муҳаббат ва фарзандлик бурчи, миллат тақдири учун жон куйдириш, ўз халқи билан фахрланиш, миллий ғурур туйғулари, аёлга, онага бўлган ҳурмат ва меҳр-муҳаббат юксак маҳорат билан куйланади. Халқ ва Ватан манфаатлари она табиат ва маънавият экологияси сингари муаммолар шоир шеъриятида миллий руҳнинг бадий талқинига асос бўлган.

Ўзбек халқининг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини ўз ташвишидек бадий таъсирчан бўёқларда бетакрор тасвирлашга эришади. Шундай вазиятлар бўладикки, бутун дунё ташвишини ўйлайди, ўзи мансуб бутун бир халқ ғам-ташвишларини “тоғдай оғир юкни” зиммасига олиб, “Қушдай енгил бўлиб юради шоир”. Табиийки, бу шоир қисмати. Бу ҳам Абдулла Ориповнинг ижодкорлик тақдиридир. Шоир руҳан, маънан, жисман ўзини бунёд этган халқ билан, киндик қони тўкилган Ватан билан бирга ҳис этади. Ортиқча сўзамоллик, ноўрин ғийбату машмашалар унга ортиқча.

Чинор соясидан баҳраманд бўлиб,

Турфа хил эртақлар тўқимоқ осон.

Ўзинг ҳам эртанинг ташвишин қилиб,

Қайдадир бир ниҳол экдингми, Инсон. [1] (2-жилд, 268-бет).

Инсон қалбини гўзаллаштириш, инсонни комил кўриш, “эртанинг ташвиши” – шоирнинг бош ташвишидир. Шоир англаб етган ҳикмат шуки, ўтмиш турфа хил, бугун ўтиб бормоқда. Халқимиз томонидан қурилган бетакрор обидалардан, яратилган асарлар ва умуман барча маънавий-моддий қадриятлардан баҳраманд бўлиш осон иш. Бироқ келажак учун, келажакдаги шу улкан йўлдан ўтадиган йўловчилар ташвишини чекиб, эрта бир кун баҳайбат чинор бўлиб етишишини ўйлаган ҳолда “бир ниҳол экдингми”, деган бағоят ўринли ва ҳамма замонлар учун муҳим бир саволни қўяди. Инсон ўйлайди. Зероки, бу тўртликдаги ҳикмат, ҳаётнинг турфа соҳаларига ҳам мос келадиган доно фикр халқ бисотидан олинган.

Ҳар қандай бадий асарни муайян ғоявий-бадий ният бошқаради. Доно ўзбек халқи томонидан яратилган оғзаки ижоди намуналарида адашиш мотиви тез-тез учрайди. Баъзан қаҳрамон адашиб кетиб мақсадига эришса, баъзан ҳеч қачон адашишни ўзига эп кўрмайдиган кимса охир-оқибатда адашиб мулзам бўлади. Ҳаётда ҳам йўлдан адашган, тўғри йўл қолиб пасткам кўчаларга оралаган одамларни учратамиз. Хуллас, адашиш инсон боласига домий ҳамроҳ дейиш мумкин.

Инсоният дунё ташвишлари деб, била туриб, тўғри ва нотўғри йўлдан юради. Ижобий ва салбийлик инсониятга хос. Шоир инсонларни шу фазилат ва нуқсонлар холи бўлишга чақиради. Бунинг учун эса шоир ушбу воқеага қатор тафсилотлар, аниқликлар киритади, яъни оддий, ҳаётини воқеани бадий шаклга солади. Рус адабиётшуноси И.А.Гальперин қайд

этганидек, “Айни кузатиб бўладиган ҳодиса кузатиб бўлмайдиган ҳодисалар моҳиятини ойдинлаштириш учун имкон беради” [2].

Ҳар бир кексайган инсонга хос хусусият шуки, фарзандларига насихат беради. Ўлим – ҳақ. Буни англаш, тан олиш комил инсонга, халқимиз табиатига хос энг муҳим фазилат. Кексаларнинг дил розини эшитган лирик қаҳрамон ўртадаги ўзаро мувозанатни юзага келтирмоқчи бўлади. Шу боисдан ғоятда халқимиз донолигига мос тушадиган “Ҳар ким экканини ўради” деган мулоҳаза моҳиятан майдонга келади. Зероки, ҳар қандай инсон зоти ўткинчидир. Инсонлар бир-бирини қадрласин, ҳурмат-иззат қилсин. Бу пурҳикмат мулоҳаза ўзбек миллий урф-одатларига хос. Аслида, Абдулла Орипов шеърлятидаги ўзига хослик ҳам, унинг назмимизга киритган янгилиги ҳам шунда кўринади:

*Ҳа, инсон умрининг кечмиши ажаб,
Гоҳ тўнғар, гоҳо у яшнар қулф уриб...
О, балки қайси бир фидойи сабаб,
Юрибсан сен ҳаёт нашъасин суриб. [3] (2-жилд. 25 бет)*

У ҳозирги давр ўзбек шеърлятида инсон қалбидаги мураккаблик, зиддиятлар, ҳақ-ноҳақликларни, адолат, разолатни теран ва ҳаққоний, айниқса ўзига хос бетакрор куйлаган ижодкордир.

*Инсон! Сенинг учун ҳақиқат-қуёи,
Ўзингни тириклик шоҳи санайсан.
Афсуски, бошинг ҳам, кўзларингда ёш,
Қачон қуёшинга сен тик қарайсан?... [4] (2-жилд. 80-бет)*

Абдулла Ориповнинг ижоди таг-томиригача миллийлик руҳи билан суғорилган. Бу миллийлик маҳдудлик, биқиклик, фақат ўзинигина ўйлаб, ўзгаларни менсимаслик ёхуд ҳақорат қилиш асосига қурилган эмас. Бу миллийлик замирида ўзбекона бағри кенглик, тантилик, олижаноблик ва инсониятнинг бахт-саодатига, меҳр-мурувватига бўлган куюнчаклик ҳиссининг уйғунлиги ётади. Шоир бир мисрасида инсониятни улуғлаб:

*Сен-ку, ёвқур Инсон, соғ ва саломат,
Тогларни йиқади пурккан нафасинг; [5] (2-жилд. 61-бет)*

-дейди, ёки яна бир сатрида, инсон бу дунёнинг ташвишу заҳматларини елкасига ортиб, қийинчиликлардан нолимасдан яшаб келаётгани тўғрисида шундай ёзади:

*Ҳа, нону туз билан тирикдир инсон,
Эркинлик, истиқлол менинг ҳам жоним. [6] (2-жилд. 28-бет)*

Халқ донишмандлиги донолигининг шеърлий мисралар қатига маҳорат билан сингдирилиши халқона поэтик тафаккур тамойилларидан саналади. Абдулла Орипов мутафаккир шоир сифатида халқ қалбини, минг йиллар давомида ўзбек халқи ҳаёт тажрибаларидан ўтиб, маънавий қолиплаган ҳикматлар, мақоллар, маталлар, ҳикоят ва ривоятларни жуда яхши билади. Шоир халқимиз яратган маънавий хазинага, халқ қалбининг дилтортар оҳанглирига шунчаки эргашмайди; унинг мазмун-моҳиятини тўла ўзлаштириб, ўз бадий тафаккури мезонлари, ўзи яшаётган давр муаммолари, ҳамнафас ватандошлари ва миллатдошлари кўнгли билан боғлайди. Ўзбек халқининг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини ўз ташвишидек бадий таъсирчан бўёқларда бетакрор тасвирлашга эришади. Шундай вазиятлар бўладики, бутун дунё ташвишини ўйлайди, ўзи мансуб бутун бир халқ ғам-ташвишларини “тоғдай оғир юкни” зиммасига олиб, “Қушдай енгил бўлиб юради шоир”. Табиийки, бу шоир қисмати. Бу ҳам Абдулла Ориповнинг ижодкорлик тақдиридир. Шоир руҳан, маънан, жисман ўзини бунёд этган халқ билан, киндик қони тўкилган Ватан билан бирга ҳис этади ва инсонлардан, ватан учун бир ниҳол экдингизми, деб сўрайди.

*Чинор соясидан баҳраманд бўлиб,
Турфа хил эртақлар тўқимоқ осон.
Ўзинг ҳам эртанинг ташвишин қилиб,
Қайдадир бир ниҳол экдингизми, Инсон. [7] (2-жилд, 268-бет).*

Инсон қалбини гўзаллаштириш, инсонни комил кўриш, “эртанинг ташвиши” – шоирнинг бош ташвишидир. Шоир англаб етган ҳикмат шуки, ўтмиш турфа хил, бугун ўтиб бормоқда. XX аср ўзбек адабиёти қаҳрамонларининг олами Абдулла Орипов шеърлятидаги лирик қаҳрамонлар ҳисобига янада бойиди ва ривож топди. Бу қаҳрамонларда уларни яратган муаллифнинг руҳий-маънавий қиёфаси, тафаккури ва идроки, дунёқараши ва тарбия топган муҳити, орттирган билимлари салмоғи ҳамда ўзига хос алоҳида шахс сифатидаги ўзлиги белгиларининг жамул-жами сифатида намоён бўлади.

Азизим, пайт келди, кўнглим ёраман,

Инсонман, сен ҳорсанг, мен ҳам ҳораман.

Отинг қамчилама ўзгирман дея,

Сен борган у жойга мен ҳам бораман.[8] (2-жилд, 48-бет)

“Бадий асар бизнинг кўз олдимишга руҳ ва эркин олий манфаатларини намоён этиши зарур” [9]. Абдулла Ориповнинг бой ижодий мероси ўзининг теран мазмундорлиги, ниҳоятда серкирралиги билан ажралиб туради. Шоир шеърларида инсон бу дунёнинг гултожи эканлиги куйланади. Унинг “Умр” деб номланган шеърида инсон қадри ҳақида сўз боради:

Инсон тугилади асли белибос,

Бир парча эт бўлиб келар жаҳонга,

Либосу ҳашамдан бўлгай у халос,

Кетар чогида ҳам сўнгги маконга.

Лекин ўртадаги умрчи-умр....

Ўчмас тамга бўлибқолгай то абад.

Балки ёғар унга раҳмат деган нур,

Балки кўмар уни маломат, нафрат. [10] (2-жилд, 120-бет).

Абдулла Орипов шеърларида шахс ва жамият руҳияти, олам ва одам ғам-ташвишлари, орзу-умидлари, бахт-саодати куйланади. Шу боисдан ҳам шоир асарларида эзгулик, адолат, гўзаллик сингари умуминсоний қадриятлар талқини асосий ўрин тутаяди. Шоир ўз истеъдодини миллат ва Ватан манфаатлари учун хизмат қилишга қаратади. Хусусан, инсонсеварлик, ватанпарварлик ғоялари ўзаро муштарақликда шоир ижодиётининг негизини ташкил этади. Зеро, Абдулла Орипов шеърляти она халқ ва Ватанига бўлган оташин муҳаббатнинг ёркин кўринишидир. Ушбу жараёнда халқона поэтик тафаккур, миллийлик руҳи бадий-эстетик пафос сифатида бўй кўрсатади. Бунинг замирида инсонга муҳаббат – инсонпарварлик туйғулари ётади. Зеро, Абдулла Орипов шеърлятида, барча буюк адиблар ижодида бўлгани каби, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашиб, яхлит бир бутунликни ташкил этади. Унинг “Ҳасрат” шеърида инсоннинг салбий ҳолатлари акс эттирилади:

Қочган ҳам, қувган ҳам Аллоҳим дейди

Қочган ҳам, қувган ҳам эмасман дўстим.

*Менинг изтиробим шул **Инсон** эди,*

***Инсондан** ўзгани демасман, дўстим.*

***Инсон-чи,** то ҳануз ёвуз ва гаддор,*

Бир-бирин тинимсиз тортади чоҳга.

Бундайин қисматга кўникмоқ душвор

Нетай, ҳасратимни дейман Аллоҳга.[11] (2-жилд, 188-бет).

Халқ дардини бадий талқин этган асарлар миллатнинг юксак маънавий салоҳиятини ўзида мужассамлаштиради; миллий ва умумбашарий қадриятларни эъзозлаш, ҳимоя қилиш ва улуғлаш йўлида курашишга илҳомлантиради. Рус адиби А.Островский таъкидлаганидек, “... халқ ёзувчиси бўлиш учун халқни яхши билиш керак. Шу халқ билан чамбарчас боғланган бўлиши, узвий бирлашиб кетиши керак. Ўз элини ўрганиш-билиш бадий талант учун энг яхши мактабдир. Уни бадий акс эттириш эса ижодий фаолият учун энг яхши майдондир” [12]. Шоир инсон руҳи ва вужудини ларзага соладиган туйғуларни қаламга олди. Унинг шодлиг-у қувончини, ғам-у ташвишини ўз шеърларида акс эттирди. Айниқса, Инсон номининг улуғлигини ўзининг “Инсон” номли шеърида исботлай олди:

Таважжух айлади Тангри таоло,

*Муқаддас саналди **Инсон** деган ном.*

***Инсонни** эътироф этмаган асно*

Иблис ҳам қувилди Аршдан батамом. [13] (2-жилд, 203-бет).

Шоирнинг меҳр-муҳаббати, халқининг забун аҳволи учун инграётгани яққол кўзга ташланади. Мисралар моҳиятига жам бўлган зидлов, туйғуларнинг ўзаро қаршиланишида майдонга келган фалсафий мазмун ва оҳанг шоир тафаккур тарзининг ўзига хос сифат даражаларини, миллий руҳ қувватини кўрсатади. Зеро, бу ҳолат бадий матннинг барча қатламларига ҳаёт бағишловчи бадий-эстетик тафаккур табиатидан келиб чиқади. Бу эса, ўз-ўзидан миллий руҳ ва онг-шуур орқали зоҳир бўладиган миллий маънавиятнинг бадий асар жисмига нечоғлик сингдириб юборилганига дахлдор ҳодиса. Миллий руҳ деганда маълум бир миллатга хос маънавий-ахлоқий маданият белгилари: инсоф, ҳалоллик, ҳақгўйлик, орият, вафо, ор-номус каби эзгу ҳислат-фазилатлар кўзда тутилади. Эзгулик, адолат, гўзаллик сингари башарий қадриятларни ўрганиш ва баҳолашдаги миллат ва Ватан манфаатлари

бадий тафаккур табиатига ўрнашган бўлади. Демак, бадий асардаги миллий рух - ижодкорнинг халқ билан алоқаси, халқ оммасининг ҳаёти, кураши, ғоялари, ҳиссиёти ва интилишлари, манфаатлари ва мақсадларининг адабиётдаги поэтик ифодасидир. “Шахс ва миллат руҳияти маънавият билан туташ бўлиб, асосий фарқларидан бири – руҳият мураккаб воқелик сифатида ўзида ҳам раҳмоний, ҳам шайтоний хислатларни, ҳам фазилат, ҳам қусурларни, ҳам табиий, ирсий, ҳам атроф-муҳит таъсиридаги ҳолатларни акс эттирса, маънавият шахсининг, миллатнинг инсоний фазилатларини, унинг қалбидаги илоҳий нур инъикосини намоён қилади” [14].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек шеърлятида фалсафийлик устуворлик қилади. Абдулла Орипов ижоди орқали ўқувчи қалби тарбияланади. Инсон қалби ва унинг инжа туйғулари шоир ижоди орқали камол топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент, 2001. – Б.268.
2. Гальперин И.А. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – С.24.
3. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент, 2001. – Б.25.
4. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент, 2001. – Б.80.
5. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент, 2001. – Б.61.
6. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 1 жилд. – Тошкент, 2000. – Б.129.
7. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент, 2001. – Б.268.
8. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент, 2001. – Б.268.
9. Гегель Г.В.Ф. Сочинения. Т.ХII. – М., 1938. – С.286.
10. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент, 2001. – Б.120.
11. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент, 2001. – Б.188.
12. Островский А. Русские писатели о литературном труде. – Л., 1954. – С.558.
13. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 2- жилд. – Тошкент, 2001. – Б.203
14. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.168.

УЎК 81`374

“ГУЛИСТОН” УЧУН ТУЗИЛГАН ЛУҒАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОҒАҲИЙ ТАРЖИМАСИДАГИ АСАРЛАР ЛЕКСИКАСИ ТАДҚИҚИДАГИ ЎРНИ

Б.С. Рўзимбоев, ўқитувчи, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада Шайх Муслиҳиддин Шерозийнинг "Гулистон" асари учун тузилган луғатлар ва уларнинг қўлэмалари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, ушбу луғат ўзбек тили тарихий лексикаси учун ҳам муҳим манба бўлиши асосланган. Хусусан, мазкур луғатларнинг "Гулистон"нинг Огаҳий томонидан қилинган эски ўзбек тилидаги таржимаси лексикасини аслият тили билан қиёслашда ўрни катта.

Калим сўзлар: Шайх Саъдий, Огаҳий, "Гулистон", "Гулистон" учун тузилган луғатлар, эски ўзбек тили лексикаси.

Аннотация. В статье представлены словари, составленные к произведению шейха Муслихиддина Шерози «Гулистан», и их рукописи. Это также основано на том, что данный словарь является важным источником исторической лексики узбекского языка.

Ключевые слова: Шейх Саади, Огахи, словари «Гулистан», «Гулистан», древнеузбекская лексика.

Abstract. The article provides information about the dictionaries compiled for the work of Sheikh Muslikhiddin Sherazi "Gulistan" and their manuscripts. It is also based on the fact that this dictionary is an important source for the historical lexicon of the Uzbek language.

Key words: Sheikh Saadi, Ogahi, dictionaries for "Gulistan", "Gulistan", old Uzbek lexicon.

Шайх Муслиҳиддин Абдуллоҳ Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари на фақат форс адабиёти, балки жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналари сифатида қадрланиши бежиз эмас. Даврлар ўтиши, саводхонлик кучайиши, ўқувчилар сафига турли ижтимоий табақага мансуб кишилар қўшилиши натижасида Шайх Саъдийнинг ушбу мухташам асари тили учун алоҳида шарҳлар [1] ва луғатлар яратиш эҳтиёжи юзага келди. “Гулистон” ва “Бўстон” учун луғат ҳамда изоҳлар асосан ҳижрий ўн биринчи асрда яратила бошлагани бежиз эмас. Ушбу луғатлар ўз вақтида “Гулистон” ёки “Бўстон”гина эмас, Саъдийнинг бошқа асарлари, шу билан биргина форс мумтоз адабиётининг бошқа вакиллари ижодиётдан баҳраманд бўлишда муҳим ҳисса қўшган. Шу билан бирга мазкур луғатларнинг “Гулистон” ёки “Бўстон”нинг бошқа тилларга қилинган таржималарининг луғат таркиби, мутаржим маҳорати жиҳатларини ўрганишда, энг муҳими мазкур луғатлар аслият ва таржимани луғат таркиби жиҳатидан

қиёсий ўрганиш асносида мутаржим маҳоратини очиб беришда катта аҳамиятга эга. Буни Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимасидаги “Гулистон”га татбиқ этсак фикримиз ойдинлашади.

“Гулистон” учун бир неча луғатлар яратилгани маълум. Шулар жумласидан куйидагиларни қайд этиш мумкин;

1. “Луғати “Гулистон” ва “Бўстон”. Муаллифи номаълум. Бу асарнинг 6 саҳифаси Покистондаги Ганжбахш кутубхонасида РАК-001-1894/7 рақами остида сақланмоқда, котиби номаълум, форс тилида. Қўлёманинг ҳар варағи 12 ёки 13 сатрдан иборат. Мавжуд 6 варақнинг 2 тасида сўзлар ўнг томондан варақ бўйлаб қия ҳолатда ёзилган. Унда “Гулистон” ва “Бўстон”да қўлланилган сўзлар бир хил сиёҳда, яъни луғат мақолалар ва изоҳлар биридан ажратилмаган ҳолда алифбо тартибисиз берилган. Масалан, *صدافة* *садафа* – сиёҳчашм (қоракўз), *محرقة* *муҳарриқа* – оташқунанда (ёқувчи), *ادخانه* *адхана* жамъи “духон”, яъни дудхо (“духон”нинг кўплиги, яъни тутунлар), *لجه* *лужжа* – дарё ё жўйи бузург (денгиз ёки анҳор) каби.

Луғат, гарчи бир парчаси етиб келган бўлса ҳам лексикография учун маълум аҳамиятга эга. Масалан, юқорида *садафа* сўзи “қоракўз” деб изоҳланганини кўрдик. Форс тилининг энг мукамал луғатларидан бири “Луғатномаи Деххудо”да ҳам “садафа”га “садаф”нинг муайянлиги (бир садаф); оғирлик ўлчовларидан бири каби изоҳлар берилиб, сўзнинг бу маъноси акс этмаган.

Мазкур луғат юқорида таъкидланганидек, “Гулистон” ва “Бўстон”нинг бошқа тилларга таржималари луғат бойлиги тадқиқида ҳам муҳим. “Гулистон”да бир марта қўлланган “мустасқий” луғатда “обхоҳ” – ташна деб изоҳланган. Бошқа луғатлар орқали *мустасқий* аслида шунчаки ташна одам эмас, *истисқо* – ташналик, чўллаш касалига мубтало бўлган одам маъноси англатишини билиб оламиз. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да “чанқоқ”, “ташна” деб изоҳланган бўлса ҳам [2], унда “Маҳбуб ул-қулуб”дан келтирилган мисол кейинги изоҳ тўғри эканини кўрсатади: “Емак била жуъ аҳлидек меъдалариға тўлмоқ йўқ, тиламак била *мустасқий*дек сувдин сероб бўлмоқ йўқ”. Сўзнинг бу маъносини Саъдий девони 9-ғазалидаги ушбу байт ҳам асослайди:

Гуфтам: “Магар ба васл раҳойи бувад зи ишқ

Беҳосил аст хўрдани *мустасқий* обро” [3].

Мазмуни: “Висолга етишиш билан ишқдан кутилиб бўладими. Мустасқий (ташналик касалига чалинган одамнинг сув ичгани бефойда)”.

Кўринадики, мисра мазмунини “ташна одамнинг сув ичгани бефойда” тарзида тушуниб ҳам, талқин қилиб ҳам бўлмайди.

Огаҳий таржимасида ҳам ушбу сўз айнан “ташналик касалига мубтало бўлган одам” маъносида ишлатилган:

Хуснининг ўтиға улус бирён

Лаби соқий-ю лек лоясқий.

Кўз тамошосидин даме тўймай,

Баҳрдин ул сифатки *мустасқий* [4].

Луғат сўнгида айрим атоқли отларга изоҳ берилган. Лекин аксар ҳолда бу изоҳлар ўта қисқа бўлиб, муайян атоқли от моҳиятини очишга, у ҳақида маълум бир маълумот ва тасаввурни оширишга хизмат қилмайди. Масалан, *Хумой* *هماى* – номи жонваре (маълум бир жонвор номи), *Унсурий* *عنصورى* – номи шоире (бир шоирнинг номи) каби. Бу изоҳларсиз ҳам ўқувчилар Унсурийнинг шоир эканини, Хумо маълум бир жонвор, ҳатто одамлар кўзидан йирок, суякхўр куш эканини билиб оладилар:

كس نيابدبه زيرسايه بوم

ور همای از جهان شود معدوم

Огаҳий таржимасида:

Тиламас ҳеч кимса сояйи бум,

Гар *хумо* бўлса даҳрдин маъдум [5].

Шайх Саъдийда:

همای بر همه مرغان از آن شرف دارد

که استخوان خورد و جانور نیاز دارد

Огаҳийда:

Шариф андин эрур барча қушлар ичра *хумо*,

Ки еб сўнғак тиламас ҳеч жонварға ийзо [6].

Луғатда айрим хатоликлар ҳам учрайди. Масалан, Замахшарий номи Маҳшарий тарзида кўрсатилган ҳолда, “номи мусаннифи “Кашшоф” – “Кашшоф” муаллифининг номи” – дея изоҳ

берилган. Бизнингча, бу котиб хатоси бўлиб, “Кашшоф” асари муаллифи нисбаси Замахшарий эканини яхши билганлар.

Замахшарий номи асарда қуйидаги ҳикоят муносабати билан келган: Алломаи Замахшарийнинг [7] наҳви муқаддимасин қўлига олиб, мундоқ ўқур эрдиким, “урди Зайд Амрни, ваҳоланки, Амр ситам қилғувчи эрди”. мен анга дедим: “Хитой била Хоразм сулҳ этдилар Амр била Зайднинг хусумати ҳануз боқийдурур”... дедим: “Бағоят яхшидурур” ва икки байт ўқудим, анинг таржимаси бу турур:

Токи таъбингга ҳавойи наҳвдур
Кўнглимиздин ақл нақши маҳвдур.
Ошиқинг побанд доми қайдга,
Лек сен машғул Амру Зайдга [8].

Асар аслиятида мана шу икки байт араб тилида ёзилган. Демак, Огаҳий ушбу ва бошқа асарлардаги арабча жумла ҳамда шеъринг парчаларни эътиборга олсак, араб тилидан бевосита таржима қилган. Саъдий қаламига мансуб ушбу икки байтда арабият (араб грамматикаси) истилоҳлари ўз луғавий маъноларида ишлатилиб, таносуб ва илҳомнинг гўзал намунаси яратилган:

Булийту бинаҳвийин ясулуму годибан
Алайя ка-зайдин муқобилати-л-амри.
Ало жарризайлун ярфаъу раъсаҳу
Ва ҳалястақийму-р-рафъу мин омили-л-жарри,
яъни “Думини судраб, бошини кўтармай Зайднинг Амрга душманлик қилганидек менга дарғазаб ҳолда ҳужум қилган наҳвчи билан синалдим. Ахир жарр (судраш) омили билан рафъ (кўтариш) бўладими?”.

Табийки, таржимада аслиятдаги бу хусусиятни сақлаб қолиш мумкин эмас эди. Шунинг учун таржимон байтларни қофия тузилиши ҳам ўзгартирган ҳолда, мазмунини чиройли ҳолатда етказа билган.

2. “Фарҳанги “Гулистон”. Муаллифи номаълум. Саҳифалари сони 44. Покистондаги Ганжбахш кутубхонасида РАК-001-0240/2 рақами остида сақланади, котиби номаълум, форс тилида. Тавсифда “Фарҳанги “Гулистон” номи билан кўрсатилган. Китобнинг ўзида асар номи “Фарҳанги китоби “Гулистон”.

Луғатда сўзлар алифбо тартибда берилган бўлиб, луғат мақолалари қизил сиёҳда ёзилган. Ҳар варақда 32 дан 40 гача бўлган сўзлар жой олган. Масалан, “алиф” ҳарфи 1 – 5 варақларда жой олган бўлиб, унда жами ... сўз (17+33+37+40+28) ўрин олган. Демак, ундаги сўзларнинг умумий миқдори ... атрофида.

3. “Шарҳи луғоти “Гулистон”. Муаллифи Жунайд бин Абдуллоҳ ал-мусавий. Покистондаги Ганжбахш кутубхонасида РАК-001-1396/1 рақами остида сақланмоқда. Котиби номаълум, форс тилида.

Асарнинг яна бир нусхаси “Шарҳи мушкилоти “Гулистон” номи билан қайд этилган. Техрондаги Миллий Мажлис кутубхонасида IR10-40967-ашё рақами остида сақланади. Тавсифда асар муаллифи Жунад бин Абдуллоҳ Мусавий ёки Мавлавий деб кўрсатилган. Асар қўлёзманинг 134 –198-саҳифаларидан жой олган. Сатрлар сони турлича. Ўлчами 21x13. Қўлёздаги биринчи ва иккинчи китоблар орасида машҳур китоблардан бир қанчасининг номлари қайд этилган.

Луғат 3 қисмдан иборат: 1. Арабча ва айрим форсий шеърлар. 2. Ҳикматлар ва ҳадислар. 3. Муфрадот ва хуруфи таҳжий.

Покистонлик олим Ориф Навшоҳий берган маълумотга кўра, асарнинг ҳижрий 11 асрда кўчирилган яна бир нусхаси Ганжбахш кутубхонасида №8019 ашё рақами остида сақланмоқда. Луғат китобнинг 1 – 56-саҳифаларидан жой олган [9].

4. “Мифтоҳи “Гулистон” – “Фарҳанги “Гулистон”. Увайс Аъло Урф Одам томонидан тузилган. Техрондаги Мажлис кутубхонасида 10-31444IR рақами остида сақланмоқда. Форс тилида 9-10-ҳижрий қамарий асрлар. Котиб Муҳиймиддин Доданчи томонидан 1119 ҳижрий қамарий 18 зулҳижжада кўчириб тугатилган. Сатрлар сони турлича. Қўлёзманинг 297 – 425-саҳифаларидан ўрин олган. Ўлчами 22x16. Китоб икки қисмдан иборат: 1. Луғат баёнида. Китоб “Фарҳанги луғот” асари билан бир жилдда муқоваланган.

Ушбу луғатлар гарчи “Гулистон”, айримларида “Гулистон” ва “Бўстон” учун тузилган бўлса ҳам, ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари, хусусан, асарларида кўплаб миқдордаги форсий ва эски ўзбек ҳамда форс тиллари учун муштарак арабий сўзларни ишлатган Муҳаммад Ризо

Огаҳий асарлари тили тадқиқида муҳим манба бўлади. Юқорида келтирилган айрим мисоллар ҳам фикримизни исботлай олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Гулистон” ва “Бўстон” учун битилган шарҳлар алоҳида мавзу бўлгани учун бу хусусида тўхталмадик.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 373.
3. APS NETWORK (M) SDN BHD
4. Гулистони Саъдий. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фонди. №7768. 62а
5. Гулистони Саъдий. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фонди. №7768. 10б.
6. Гулистони Саъдий. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фонди. №7768. 23б.
7. Қўлёзмада ҳам алломанинг нисбаси нотўғри кетган. Ҳошияга қалам билан бошқа биров томонидан тўғри шакли ёзилган.
8. Шайх Саъдий. Гулистон. Огаҳий таржимаси. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фонди. №7768. 108^б
9. فهرست نسخه های خطی فارسی پاکستان. فهرست 8000 نسخه خطی های شخصی ودولتی. جلد سوم. تألیف عارف نوشاهی. تهران: میراث مکتوب. ص 122

УДК 81-13

ПОНЯТИЕ ТЕРМИНА В ЯЗЫКЕ

Ф.И. Рустамова, магистр, Бухарский Государственный Университет

Annotatsiya. Ushbu maqolada terminlarning shakllanish xususiyatlari, ilmiy bilimlarning turli sohalarida termin tizimlarining kelib chiqishi va shakllanish yo'llarining ta'rifi haqida ma'lumotlar ochib beriladi.

Kalit so'zlar: termin, terminologiya, astronomiya, lug'at, gibrid terminlar

Аннотация. В этой статье раскрываются особенности терминообразования, определение истоков и путей формирования терминосистема в различных отраслях научного знания

Ключевые слова: термин, терминология, астрономия, глоссарий, гибридные термины,

Abstract. This article reveals the features of term formation, the definition of the origins and ways of formation of term systems in various branches of scientific knowledge

Keywords: term, terminology, astronomy, glossary, hybrid terms

Астрономия – одна из древнейших наук. Её терминосистема начала складываться на основе греческого, латинского и арабского языков, но за последнее время испытала мощный импульс в развитии. Следствием этого стало появление целого ряда новых научных направлений и технологий, требующих своего наименования. В результате было создано множество терминов на основе английского языка.

Сегодня языком науки и международной коммуникации является английский. Это значит, что большая часть терминологии создаётся именно на этом языке. Другие языки реагируют на это по-разному. Например, в Голландии и Швейцарии, где университетское образование ведётся на английском языке, терминология современных научно-технических областей знания целиком английская. Французский язык наоборот – всячески сопротивляется заимствованиям. Примечательна в этой связи деятельность Генеральной комиссии по терминологии и неологизмам (Commission générale de terminologie et de néologie), которая рассматривает предложения по разработке и стандартизации терминов, вносимых специализированными комиссиями по терминологии и неологизмам, созданными при различных министерствах. Цели деятельности комиссии, тем не менее, не достигнуты: почти все разработанные ей термины не вошли в язык. Профессионалы используют либо английские термины, либо жаргонизмы.

